

Баҳодир
Худойбергенов



ЎҚИЛМАГАН
МАКТУБ

Б. Худойберганов

ЎҚИЛМАГАН МАКТУБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Тошкент—2007
84(5У)6 х-87

Худойберганов Б.

Ўқилмаган мактуб/ Б.Худойберганов.— Т.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 96 б.

Ёзувчи Баҳодир Худойберганов "Соғинч", "Оқибат", "Асранган олтин", "Такцир
ўйинлари", "Ой нурлари сўнмайди", "Лафз" каби асарлари билан китобхонларга яхши
таниш. Ушбу китобда ижодкорнинг янги қисса ва ҳикоялари билан танишасиз.
Ўйлаймизки, турли мавзулардаги бу асарлар сиз азиз ўқувчиларни бефарқ
қолдирмайди.

ББК 84(5У)6

ISBN 978-9943-06-033-3

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил.

Ўқилмаган мактуб
(Қисса)

Қайси кун яхшию қайсиси ёмон, олдиндан айтиб бўлмайди, дейишади. Лекин мен айтса бўлади дейман. Албатта бўлади-да! Энг яхши кун бу — майнинг охирги куни. Чунки бу кун ўқувчиларнинг энг катта байрами — ёзги таътиллار бошланади. Энг ёмон кун эса қолган ойлarning охирги шанбаси. Нега десангиз ана шу кунлар бизда ота-оналар мажлиси бўлади. Мажлисдан кейин эса дадажоним менинг бир ойлик «ҳисоботим»ни тинглаб, мен билан «гап»лашиб оладилар. Бу суҳбатда дадажоним ҳам, мен ҳам оғиз очмаймиз, фақат дадажонимнинг белларидаги тасмагина «гапиради» (Дарвоқе, тасмани ким ўилаб чиқарган ўзи? У билан савалашни-чи?).

Одатда катта тўполон жума куни кечқурун бошланади. Мен кечқурун овқат олдиндан ойижонимга (дадажонимга эмас) секин шипшийман:

— Эртага мажлис, синф раҳбаримиз Қаҳрамон ака тайинладиларки...

— Бор отангга айт.

— Ўзингиз айтинг. Мен сизга айтдим.

Шундай дейишим билан ойижоним менга бир ўқрайиб қарайдилар, лекин мен буни «сезмай», нариги хонага ўтиб кетаман.

Овқат сузилиб, ҳамма дастурхон атрофида ўтиради. Овқатланиб бўлингач, синглим Дилбар дастурхонни йиғиштиришга тушади, ойижоним эса секин гап бошлайдилар:

— Эртага ота-оналар мажлиси экан. Ўғлингиз айтди.

— Яхши-да, боравер ўғлинг билан.

— Нега энди мен боришим керак экан?

— Ким бориши керак бўлмаса, кампирми?

(Кампир — менинг бувим, дадажонимнинг ойилари. Дарвозагача зўрға чиқадилар...).

— Нима учун кампир, — бўш келмайдилар ойижоним. — Сиз-чи?

— Раҳмат, — ясама истехзо билан қўллари кўксиларига қўядилар дадажоним. —

Раҳмат! Ўтган гал бутун мажлис давомида худди ўқувчи боладектиқтуриб, қизариб-бўзариб, эшитадиганимни эшитганман, етарли. Бу сафар — сенинг навбатинг.

3

— Ҳо, — рози бўлмайдилар ойижоним. — Мен Дилбарнинг мажлисига бораман, Эркинникига эса, марҳамат қилиб ўзингиз бораверинг!

— Нега Дилбарникига фақат сен бораверар экансан? Мақтов эшитиш сизга-ю, танқид бизга экан-да?

— Фақат мен тарбиялашим керак экан-да, а? Нима, Дилбарни фақат сиз тарбиялаяпсизми?

— Нима қилсаям қиз бола онасига, ўғил отасига тортади. Уни тарбиялаш учун қаттиққўллик керак, — дейдилар ойижоним билимдонлик билан.

Шундай қилиб узоқтортишувлардан сўнг ойижоним ҳар галгидек ғолиб чиқцилар.

— Бўпти, — дейдилар дадажоним охири узун уф тортиб. — Майди, бу охирги боришим, кейингиларига ўзинг борасан, тамом!

— Яхши, яхши, — рози бўладилар ойижоним ҳам, — ҳозиргисига бораверинг-чи, кейингисига эса ҳали бир ой бор. Унгача бир гап бўлар.

Ойижоним ўринларидан туриб ошхонага кириб кетадилар. Дадажоним эса ҳозиргина елкаларига қўйилган оғир юкдан хаёлга чўмиб, узоқ вақтжимиб қоладилар. Мен ҳам жойимдан қимирламай, тупугимниям ютолмай ўтиравераман.

— Қани, айт-чи, бу ой ичида қанақа хуналар кўрсатдинг? — дейдилар охири дадажоним жимликни бузиб. — Яширмай, ўзинг айт. Барибир, эртага мажлисда юзимга солишади ҳаммасини. Шунинг учун ҳам ўз оғзингдан эшитганим маъқул.

Мен эса бошимни эгиб, худди кинолардаги қасамига содиқ аскардек «ғаним»га сир бермай туравераман.

— Майли, тур, боравер, — дейдилар дадажоним мендан бирор гап чикмаслигига кўзлари етиб. — Эртага ўзинг булбулдек сайраб берасан.

Мен секин ўрнимдан тураман. Дадажоним ҳам туриб, одатларига кўра шимларини юқори кўтариб қўядилар.

«Лаънати тасма! — дейман ичимда, шимни тортиб турган тасмага кўз қиримни ташлаб. — Ким ўйлаб топган ўзи уни?»

Мактабдан келибоқ папкамни уйнинг бурчагига қўйдим-да (бугун папкани улоктириб бўлмайди), чойгаҳам қарамай, бир кулча нонни қўлтиққа уриб, уйда иш билан машғул ойижонимни ҳам ғафлатда қолдириб кўчага отилдим.

Кўчага чикиб то қоронғу тушгунча болалар билан ўйнадим, тўп тепдим. Лекин, бугунги ўйин унча татимади. Кўнглимни бир чети хижил, чунки, уйда мени ота-оналар мажлисидан «жуда хурсанд»

бўлиб қайтган дадажоним кутиб турардилар.

Ховлимизга яқинлашарканман, дарвозамиздан кўшнимиз Дилором опа чиқиб келарди. Дилором опани учратиш яхшилиқдан далолат эмас, ўйладим мен. У чет тиллари институтида ўқигани учунми, жуда ғалати кийиниб юрар, ҳам бир ғалати, мен ёқтирмасдим.

У мени кўриши билан одатдагидек совуқ хиринглади:

— Кир, Эркинжон. Сени кутиб туришибди. Бу кеча «Ворфолмейск ноч» бўлади, хи-хи. «Ҳе-е, дедим ижирғаниб, сўнг уни четлаб ичкари кирдим. «Ворфолмейск» эмиш! Сен ҳам кетингга ўша тасмадан уч-тўрттагинасини егин-чи, кейин кўрардинг қанақа «ноч» бўлишини!

Мен секин, билдирмай ўзимнинг хонамга ўтиб кетмоқчи эдим, бўлмади, ойижоним кўриб қолдилар.

— Қаерларда юрибсан, дайди итдексанғиб? — «мулойим» сўзлар билан қарши олдилар ойижоним. — Отангнинг оддиларига кир, кутиб турибдилар анчадан бери.

Мен жимгина дадажоним турган хонатомон йўналдим.

Эшикни очиб уйга кирсам, дадажоним креслода газета ўқиб ўтирардилар. Бошларини ҳам кўтармай, ўқишда давом этдилар.

Мен ҳам эшик олдида кеккайганча кутиб туравердим.

Ниҳоят дадажоним газетани столга ташлаб, бошларини кўтарганча менга қарадилар.

— Хўш, келдиларми?

— Қани, мана бу ёққа ўтир, — дедилар қаршиларидаги стулга ишора қилиб.

Мен индамай яқинлашдим. Лекин ўтирмай тик туравердим.

— Ўтир! — дадажоним шундай бақириб бердиларки, мен қандай ўтириб олганимни ўзим ҳам билмай қолдим. — Ана шундай, — жилмайдилар дадажоним, лекин бу жилмайишдан менинг юрагим товонимга тушиб кетди. Ўтирганинг маъқул, суҳбатдан кейин эса бир-икки ҳафта ўтира олмайсан.

Дадажоним шундай деб лаънати тасма тортиб турган шимларини бир кўтариб қўйдилар.

— Хўш-ш, қайсинисидан бошлаймиз?

Мен бошимни эгиб, ақлли боладек одоб сакутб турибман.

— Хўп ойнани ким синдирди?

— Мен эмас...

— Ким бўлмаса?

5

4

— Мен қаердан билай...

— Яхши, яхши... Равшан қассобни ўғлини ўласи қилиб дўппослаган ҳам сен эмас?

— Мен эмас.

— Яхши. Яхши, демактарих ўқитувчиси Бадаловнинг кўзойнагини ҳам сен яширганинг йўқ?!

— Йўқ, — дедим мен, лекин овозим шу қадар паст чикдики, ўзим ҳам эшитмай қолдим. Лекин тажрибали дадажоним лабимнинг қимирлашидан нимадеяётганимни илғаб олдилар.

— Яхши, дарснинг ярмидан қорним оғрияпти, деб рус тили ўқитувчиси Бековни алдаб, ташқарига чиққан, кейин қўнғироқчалган ҳам сен эмас?

— Мен эмас...

— Ким бўлмаса?

— Билмадим.

— Демакўқитувчиларингнинг ҳаммаси ёлгончи ва муттаҳам, ёлғиз сен эса ақлли ва одобли, шундайми?

— Гапир!

Дадажоним ўринларидан туриб, стол тортмасидан кундалигимни олдилар:

— Хўп, унда айт-чи, бу «икки»ларни ҳам сен олмадинг, бу кундалиқ ҳам сеники эмас, шундайми?

Мен яна бошимни эгиб олиб, ақлли бола бўлиб олдим.

— Тур, ўрнингдан, — дедилар дадажоним кундалигимни стол уст и га ташлаб. — Сени фақат мана бу одам қилади.

Мен ўрнимдан турдим...

Дадажоним билан бўлган бу «суҳбат»дан сўнг чинданам бир неча кун ўтира олмадим. Энди мен худди «Кавказ асираси» фильмининг суд қарорини тик туриб эшитган бир қаҳрамони сингари, дарсларни туриб тинглар эдим.

— Нега қассобхонага бораётган буқадек судралиб кетаяпсан? Мен чўчиб бошимни кўтардим. Ёнимда қўшни махаллалик, биздан икки синф юқорида ўқийдиган Шавкаттурарди.

— Шундай ўзим, — чехрам очилмай, нохуш жавоб қилдим унга. Тўғри-да, ҳозир менга айниқса жуда алам қиларди. Нима, шу уч-тўрт фандан яхши ўқиб, тасманинг ўрнида мактов эшитиб юрсам бўлмайдимми?

Шавкат ҳоли-жонимга қўймай, тикилинч қилавергач, нима учунлигини айтдим.

— Э, шунгаям ғам чекиб юрибсанми? — кичқириб юборди у. — Хохдайсанми, сени бир ҳафтада синфингдаги энг аълочидан ҳам яхши биладиган қилиб тайёрлайман.

Мен жонланиб кетдим:

— Ёрдам қил, Шавкат!

— Бўпти, — рози бўлди Шавкат ҳам.

... Шавкат келганда мен дарсхонамнинг уёқ-буёғини йиғиштириб, бир оз тартибга солиб қўйгандим.

У чўнтагидан қўлини чиқармай, дарсхонани бир кўздан кечирди-да, кейин менга қаради:

— Бошлаймизми?

— Бошлаймиз.

У стол га яқин келди.

— Ўтир, — деди у ёзув столига бир қўли билан таяниб.

— Йўқ, мен тик туриб эшитавераман.

— Нимага? — ҳайрон бўлди Шавкат.

— Кеча ота-оналар мажлиси бўлганди... Шавкат оғзининг таноби қочиб илжайди...

— Ҳа-ха, тушундим.

— Ўзинг бемалол ўтириб, дасрни бошлайвер. Мен тик туриб ҳам тинглайвераман.

Мактабда ҳам дарсларни ҳозир тиктуриб тинглаяпман, — дедим мен ҳам илжайиб. —

Ўзинг бемалол ўтиравер.

— Йўқ, майли, — деди Шавкат менга бир ғалати қараб қўйиб. — Мен ҳам туриб тушунтиришни яхши кўраман.

Иккаламиз ҳам ўтирмадик.

— Хўш, қайси фандан бошлаймиз? — сўради у китоб жавонига елкаси билан суяниб. Мен ҳеч ўйлаб ўтирмай, кўзим тушган китобни айтиб юбордим:

— Физикадан.

— Яхши-и, — деди Шавкат худди физика ўқитувчиси Ҳазрат Зоировга ўхшатиб. — Физикадан бўлса, физикадандан! Бизга фарқи йўқ. Физикаданми, физкултураданми, бизга фарқи йўқ, бошлайверамиз. Қани, ол-чи, китобни.

Мен китоблар орасидан энг семиз китобни олиб унга узатдим Шавкат китобни олдида, лекин очмади.

— Хў-ўп, ўқувчининг билими оддий саволлар билан текшириб кўрилади, — деди у тажрибали домлалардек. — Мен сенга мураккаб саволлар бермайман ҳали, ҳаммаси олдинда.

У бир оз жим қолди-да, кейин кўзимга тешиб юборгудектикилиб, саволни берди:

— Китоб нечанчи бетдан бошланади?

6

6

Мен лол бўлиб, довдираганча қотиб қолдим. Нечанчи бетдан бўларди, биринчидан-да! Буни аҳмоқдан сўрасанг ҳам айтиб беради янглишмай.

Кейин қироат билан жавоб бердим:

— Китоб биринчи бетдан бошланади!

Лекин охириги сўзим оғзимдан чиқар-чиқмас ўша семиз китоб шарт этиб пешонамга тушди. Кўзларимдан ўт чиқиб, баттар довдираганча Шавкатга қарадим.

У китобни очди-да:

— Кара, — деди, — китоб учинчи бетдан бошланади!

Мен бошим зирқираб оғиркан ўйладим: «Эсиз, бунинг китоб билан уришини билганимда эди, «Ўлка тарихи»дан бошлаймиз, деган бўлардим. Калининлиги дафтардай келадиган бу китобча билан ҳар канча урсаям, ҳеч билинмасди».

Лекин, энди вақт ўтган, биз физикадан бошлаган эдик.

Шавкат яна бир нечта оддий саволлар билан билимимни «синагач» ўзи ҳам зерикиб, эснай бошлади.

— Ма, овоз чиқариб ўқи, — деди у охири бир мавзуни кўрсатиб. Мен китобни олиб, овоз чиқариб ўқий бошладим... Ўқиб бўлиб, секин бошимни кўтариб қарасам, Шавкат китоб жавонига суянганича, хуррак тортишга шай бўлиб турибди.

Мен уни уйғотиб юбормаслик учун нафасимни ҳам чиқармай ўтиравердим. Биз шутахлитузоқтурдик.

Бир пайт Шавкат сесканиб кўзини очди. Мен китобга «шўнғидим». У уёқ-буёғига бир қараб олди-да, менга:

— Ўқиб бўлдингми? — деди.

— Бўлдим.

— Бўлган бўлсанг, — деди у ва кўлимдан китобни олиб стол четига ирғитди. —

Бугунги дарсимиз тугади. Агар ҳар куни шунчадан тайёрлансанг ҳам Ньютондек биладиган бўласан, физикадан.

Мен энди ундан шубҳалана бошладим:

— Шавкат, сен ҳамма фанлардан тўрту беш олиб ўқийсанми?

— Ким айтди?

— Ҳеч ким. Шунчаки ўзим сўраяпман-да.

— Ростини айтайми? — ўйлаб қолди Шавкат.

— Ростини, — дедим мен.

— Ростини айтсам, йўқ. Факат географиядан зўрға «4» қўяди. Қолган ҳаммасидан «2». Чунки география ўқитувчиси Аслоновнинг қўйлари бўронда чўлнинг ичкарисига кириб кетиб, адашганда мен уларни топиб келувдим. Шунинг учун у киши менга сира «2» қўй майди...

8

— Унда, — баттар хайрон бўлиб сўрадим мен, — унда сизларда ота-оналар мажлиси бўлмайдими?

— Нега бўлмасин, бўлади.

Менхамон хайрон бўлибтурарканман, у жавондан елкасини олиб, тес кари бурилди-да, шимини туширди:

— Кўрдингми?

— Кўрдим...

Кўрдиму уларда хар ойнинг охириги шанбасида эмас, балки хар ҳафтада ота-оналар мажлиси бўларкан, деб ўйладим.

— Даре қилганимиз етади, — деди Шавкат шиминингтугмасини кадаркан. — Энди сойга бир чўмилиб олиб, каллани шамоллатиш керак. Кейин яна тоза калла билан дарега ўтирамиз.

— Яхши, — дея севиниб унга эргашувдим, у қичкириб берди:

— Бирор китобни олвол-да, калла! Бўлмаса ойинг косов билан кувиб қоладилар... Энди дарсни ўша ёқда қиламиз, — деб айтамиз ойингга.

Мен дарров «Ўлка тарихи»ни қўлтиққа урдим. Биз чўмилиб, офтобда баданимизни тоблаб, маза қилиб ётарканмиз, Шавкат бирданига баланд овоз билан кулиб юборди.

— Ҳа? — хайрон бўлиб бошимни кум ёстикдан кўтардим. — Нимага кулаяпсан?

Шавкат қорнини ушлаб куларкан:

— Жўракул қассобнинг қизини роса бопладим, — деди.

— Қандай қилиб? — дедим бошимни ёстикқа қўярканман.

— Яхши кўраман деб хат ёзиб берсам, ишонибди бечора. Қувонганидан йиғлаб юборди.

Мен жонланиб, тирсакларимга таянганча кумдан кўтарилиб:

— Ишонтирдингми, а? — у бошини қимирлатиб тасдиқлагач. — Жон, жўра, менга ҳам шунака хатдан ёзайлик, — дея ялина бошладим.

— Кимга?

— Бунисини айтмайман.

— Айтмасанг ёзмайман. Ахир номи бўлмаса кимга деб ёзаман.

— Истаган номни қўйиб ёзаверасан, кейин мен кўчираётганда унинг номини ёзиб қўяман.

— Бўлмайди, — рози бўлмади Шавкат. Мен унга қанча ялинмай, фойдаси бўлмади.

— Ҳеч кимга айтмайсанми? — кўзларигатикилиб сўрадим охири.

— Ҳеч кимга, — деди у.

— Қасам ич!

Шавкат қасам ичгач, айтди м:

7

— Сайрам га...

Биз ўтириб олиб Сайрамга менинг номимдан хат битдик. Зўр хат чиқди-да, ўзиям!

Шеърини айтмайсизми? Мен уни қайта-қайта кўчириб, папкамга, она тили китобимнинг орасига солиб қўйдим.

Эртасига она тили ўқитувчимиз Равшан ака Ақромов синфга кириб келдилар-да, биз билан саломлашгач:

— Бугун диктант ёзамиз, — дедилар.

Биз китоб-дафтарларни йиғиштириб, парта четига қўйдик-да, диктант ёзишга шайландик.

Равшан ака ҳар сўзни дона-дона қилиб айтар, биз ёзардик.

— Сайрам, — секин туртдим олдинги партада ўтирган Сайрамни. — Ма, сен га узатишди. Орқадан.

Сайрам бурилиб қоғозни олди.

— Мансурова! — дедилар Равшан ака Ақромов. — Ёз!

Мен кўзимнинг қири билан Сайрамни кузатиб турдим: у хатни апил-тапил дафтари орасига тикиб қўйди-да, ёзишга киришди.

«Хайрият! — қувониб кетдим мен. — Энди танаффусда ўқийди, мен эса бу вақтда синфдан жуфтакни ростлаб қолган бўламан».

Қулоғимга ҳеч нарса кирмас, факат ёзардим...

Танаффус бўлиши билан ўзимни эшикка урдим. Агар ҳозир биров қайси темада диктант ёздинг деб сўраса, ўлай агар, айтиб беролмасдим.

Коридорда дераза рафига суяниб турганимда синфдан Сайрам чиқиб, у ёқ-бу ёққа аланглади-да, мени кўриб, олдимга кела бошлади.

Тиззаларим қалтирай бошлади: «Тамом». Дераза тоқчасини қалтираётган қўлларим билан чангаллаб олдим.

Сайрам келиб қаршимдатўхтади:

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима...

— Рангинг оппоқ?

— Бошим оғрияпти...

— Эркин, — деди кейин у, — хатда нима ёзилган эди?

— Билмайман...

— Ким узатди сенга?

— Орқадан узатишди, билмайман ким...

— Мен у хатни кейин ўқийман, деб диктант дафтаримнинг ичига солиб қўйгандим.

Эсимдан чиқиб, дафтар билан бериб юборибман...

— А?!

Охирги қунғироқжиринглаши биланок келишувга мувофиқ мактаб орқасига югурдим.

Шавкат улкан толнинг тагида, қиррали харсанг устида ўтирарди. Мен ҳам папкамни пастга, унинг папкаси ёнига ирғитиб ўтирдим.

— Бир соатдан бери кутаяпман, — норози оҳангда тўнғиллади Шавкат.

— Қанақасига бир соатдан бери? Даре ҳозир тамом бўлди-ку?

— Мени охирги даредан чиқариб юборишди.

— Нимага?

— Ҳайдашди-да!

— Ҳа-а...

Мактаб ҳовлисида даре тугаб, уйга қайтаётган болаларнинг говур-ғувури эшитилиб турарди.

— Биласанми, бугун нима иш қиламиз? — сўраб қолди Шавкат.

— Каердан биламан?

— Қуён ўғирлаймиз.

— Йўғ-е!.. — ўрнимдан туриб кетдим.

— Ўтир! — ўшқириб берди Шавкат. Кейин таҳқирли овозда қўшиб қўйди: — Қўрқоқ!

Мен бу ердан шундоққина кўриниб турган қуёнхонага қарадим. Қуёнларга мактаб қоровули Омон бобо қарар, унга «Ёш қуёнбоқарлар» тўгарегинингаъзолари ёрдамлашишарди.

— Қўрқоқ! — Шавкат яна ўша оҳангда такрорлаб, тескари бурилиб олди.

Анча торгишувдан сўнг, менташкарига кўз-қулоқбўлиб турадиган, Шавкат эса ичкаридан куён олиб чиқадиган бўлди. Лекин юрагимнинг чети титраб турарди. Мактаб ҳовлисидаги ғала-ғовурлар тингач, Шавкат иккаламиз секин ўрнимиздан турдик-да, куёнхона томон йўналдик. Атрофда ҳеч зоғ кўринмасди. Зум ўтмай иккита катта-катта куённи қулоқдаридан кўтарган Шавкат пайдо бўлди. Удевордан бу ёққа сакрабтушганди. Югуришиб, мактаб орқасига ўтдик. — Менинг папкамдаги китоб-дафтарларни ўзингникигасол. Бўл тез! — шоширди у менга ҳансираганча. Кейин мен бўшатган папкага икки куённи жойлаштирди-да, менга тутқазаркан, огоҳлантирди. — Авайлаб кўтар! Бу сенга китобу дафтар эмас, хоҳлаганча улоқтирадиган. Мен папкани юрганда оёғимга тегмасин, деб авайлаб қўлтиклаб олдим. — Ўзиям бўғоз куёнларга ўхшайди, — деди оғзинингтаноби қочиб Шавкат. — энди буларга яхшилаб уй қуриш керак, яқинда болаласа, эҳ-ҳе, ҳамма ёқни куён босиб кетади. Кейин,.. — бирдан ранги ўчиб, менитуртди.

10

9

Қарасам, қаршимизда пионервожатий Исоқ ака Саидов келаяптилар. Менинг ҳам рангам оқариб, тиззаларим қалтирай бошлади. Исоқ ака ёнимиздан ўтаётганда иккаламиз ҳам бараварига салом бердик. У киши алик олиб, жилмайганча дедилар: — Эркинбой, нега папкани бунақа авайлаб кўтариб кетаяпсан? Жойимда таққа тўхтадим. Шавкат «энди...» деб сўз бошлаган ҳам эдики, куёнлар ғимирлаб қолишди. Қўлимдан папкатушиб кетди. — Ие, унда нима бор? — Исоқака папкани кўтариб, очиб кўрди-да, кейин бизга қаради. — Бу қанақаси? Биз бошимизни эгиб, нафас чиқармай турардик. Исоқака бизни пионерлар хонасига олиб кирдилар. У ерда узоқ савол-жавоб, дағдаға ва панд-насиҳатлардан сўнг, агар биз хулқимизни ва ўқишларимизни яхшиласак, бизнинг бу ишимизни ҳеч кимга айтмасликка ваъда бердилар. Иккимиз жон ҳолатда бараварига жавоб бердик: — Тузатамиз! Яхшилаймиз! — Унда, — дедилар Исоқ аканинг чехралари ёришиб, — энди бориб бу куёнларни Омон бобога топширинглар. Чикиб кетган экан, ушлаб олдик, денглар. Омон бобо куёнларни кўриб, ҳайрон бўлди: — Қандай қилиб чикди экан? — Билмадик, — деди Шавкат сир бой бермай, — биз вожатиймиз Исоқ. ака билан биргаликда қувлашиб, зўрға ушладик. Мен аграйганча Шавкатга қараб турардим. Омон бобо куёнларни олиб, кафасга томон юрар экан, Шавкат уларга қараб ачинди: — Ўзиям бўғоз куёнларми, дейман... — Қаерда, — мингирлади ичкаридан Омон бобо, — Эркак куёнлар. Гўштга боқаётгандик. Ажаллари яқинлигини сезган-да, жониворлар... — Ҳаммаси сендан бўлди, — дедим мен Шавкат билан кетарканман. — Сендан чикди шу фикр. «Ҳамма ёқни куён босиб кетади» эмиш! Эркак куёнлар экан-ку! — Мен қаердан билай, — ўзини оклади Шавкат. — Катталигини кўриб, бўғоз бўлса керак деб ўйлабман. Агар ростини айтсам, сен ҳам бошқалардек «Ёш куёнбоқарлар» тўғарагига қатнашиб, шу куёнларга қараб турсайдинг, гўштга боқаётганлари қайси-ю, бўғозлари қайсилигини яхши билардинг, адашмасдик. Айб ўзингда. — Сен мусичадек бегуноҳсан!

— Ке, куи энди, уларнинг эркагу, бўғозлигини гапиришдан, бир-биримизга аччиқ қилишдан фойда йўқ. Бўлари бўлди...

Биз энди жим кета бошладик. Менинг кўнглим қоронғу ва хижил эди.

— Сен ҳозир ўзингни жуда ёмон сезаяпсан-а? — деб сўраб қолди бир пайт Шавкат. Мен индамадим.

— Ичингга чироқёкса ёримайди? Мен яна индамадим.

Шавкат бир зум жим қолди-да, кейин деди:

— Бунинг иложи бор!

Мен унга савол назари билан карадим, лекин ҳеч нарса демадим.

— Сигарет чексанг, ҳаммаси тарқалиб кетади. Ке, чекамиз.

— Йўқ, — дедим мен ҳафсалам пир бўлиб, — мен чекмайман.

— Ў, мишиқи, чекмас эмиш! — масхара қилди Шавкат.

— Ўзи сенга қўшилиб, ғавғодан чикмай қолдим. Сайрамга ёзган хатимни ҳам у диктант дафгарига солиб, домламизга бериб юборибди.

— Нима?! Аҳмоқэкан-да унинг.

— Ўзинг аҳмоқ... Сайрам хатни ўқиб кўрмаган. Диктант ёзаётган пайт берган эдим.

Сайрам кейин ўқийман, деб дафтар ичига солиб қўйганди. Кейин эсидан чиқиб, дафтар билан бериб юборган.

— Ўқимаган бўлса, қўй, ғам ема, — мени овутди Шавкат. — Ўқиганда бундан ҳам баттар эзилиб турган бўлардинг ҳозир. Юр, чекамиз, ҳаммасини унутиб юборамиз. Шавкатнинг маслаҳати билан «чекиш хонаси»га — ҳожатхонага кириб олиб, чека бошладик. Томоғимга тутун тикилиб, йўтала бошладим.

— Секинроқ, галварс! — деб ўдағайлади менга Шавкат, кейин янада пастроқ заҳарли овозда қўшиб қўйди, — ландавурлигингдан тутунни уддалаб ютолмайсан-у, яна ҳамма айбни менга тўнкайсан. «Бошим ғавғудан чикмай қолди», эмиш! Тўнка!

Чекишга шундай берилиб кетибмизки, шундоққина ёнимизда мактабимиз фарроши Салима хола қандай пайдо бўлиб қолганини ҳам сезмай қолибмиз.

— Ўв зумрашлар! — деди Салима хола. — Ҳалитдан чекишни сенларга ким қўйибди!

— деганча, қўлидаги супургисини қиличдай ўйнатиб, устимизга бостириб кела бошлади.

Шавкат бу ерда ҳам супургига чап бериб, лип этганича чиқиб қочди. Лекин чап бериш менга насиб қилмаган экан, эшикка етар-етмасимдан ўша ифлос супурги бўйин аралаш елкамга «шап» этиб тушди. Мен лангарини йўқотган кемадек бир чайқалдим, лекин йиқилмадим. Югуриб Шавкатга етиб олдим-да, кейин иккаламиз Салима холанинг «Домлаларингга айтмасамми, ҳали сен безориларни!»

12

10

деган таҳдидли овозини орқада қолдирганча, товушдан ҳам тез учадиган самолётлардек учиб кетдик.

Алоқа воситаларининг тез ва аниқ ишлагани сабабли ҳам мен бу гал ота-оналар мажлиси бўлмасиданоқ дадажонимнинг қаршиларида «ҳисоб бериш» учун ўтирдим. Дадажоним суҳбатни одатдагидек мулойимлик билан бошладилар. Мен ҳам у кишини бошимни одоб билан эгганча, зимдан лаънати тасмага кўз қиримни ташлаб, тинглардим.

— Сен одам бўлмайсан, — куйиниб дедилар дадажоним охирида. — Сени ўша Фозил чўлоқнинг оддига шогирд қилиб қўйиш керак, биргалашиб чўчка боқиб юрасанлар. Ёки сени унга топшириш керак: ўша қирқта чўчкасига қирқ биринчи қилиб қўшиб боксин, тарбияласин. Хуллас, бугундан бошлаб синглинг билан бирга дарс қиласан. Энди сен билан жиддийроқ шуғуланмаса бўлмайдиганга ўхшайди.

Мен оғриқдан афтим бужмайиб, китобга мук тушганча ўтирар эканман, буларнинг ҳаммасига синглим Дилбар айбдор деган фикрга келдим. Агар у ҳам менга ўхшаб ўқимаганда эди, ўқитувчйлар фақат уни мақгаб, мени ёмонламаган бўлар эдилар. Кейин калтак ҳам фақат менинг бир ўзимнинг бошимда синмасди...

Мен синглимга зимдан, адоват билан қараб:

— Сени ҳамма мақгайди, аълочи деб... Лекин сенга оддий саволлар бераман, жавоб беролмайсан, — дедим.

Дилбар «бер саволингни», дегандай бошини қўтариб, менга қаради. Мен бир йўталиб олдим-да, унга биринчи саволимни бердим:

— Китоб нечанчи бетдан бошланади?

Ва у «биринчи бетдан» дейиши билан пешонасига «шап» этказиб уриш учун китобни қўлимга кулайроқушлаб одним. Лекин синглим менга кўзларини пирпиратиб каради-да, «бор-э» деганича жавобдан бош тортиб, дарсга «шўнғиди». Шундай қилиб яна аламдан чиқа олмадим: қолган оддий саволлар ҳам ичимда қолиб кетди.

Бугун охирги дарс она тили дарси эди.

Мен бугун дарс давомида юрагим пўкиллаб, ўқитувчимиз Равшан акадан кўз узмай ўтирдим. Лекин у киши менга сира эътибор бермадилар, ҳатто бирор марта ҳам мен томонга карамадилар.

Шунда кўнглим тинчиди: «Ҳайрият, Сайрамга берган хатимни дафтари ичидан топиб олмабдилар, ўқимабдилар. Бўлмаса...»

Рашван ака дарс охирида диктант баҳоларини ўқиб бердилар. Менинг баҳоимни эшитиб, ҳамма ҳайрон қолди: чунки менинг, мана шунча йил ўқиб, биринчи марта «беш» баҳо олишим эди.

14

Дарс тугагач, Рашван ака ҳаммага жавоб бериб, мен билан Сайрамни олиб қолдилар.

У киши дафтардан ҳалиги қоюзни олганларида, хатимни таниб, нафасим ичимга тушиб кетди.

Сайрам эса ҳеч нарсадан беҳабар, фақат ҳайронлик билан Рашван акага тикилиб турарди.

Рашван ака мен ўйлаганимдек насиҳат ҳам қилмадилар, уялтирмадилар ҳам, уришмадилар ҳам, фақат:

— Бунақа нарсани дуч келган жойга ташлаб қўявермайдилар, — дедилар ва бошқа ҳеч сўз демай хатни партага оҳиста қўйиб, сўнг столдан журнал ва дафтарларни қўтарганча синфдан чиқиб кетдилар.

Сайрам эса лолу ҳайрон бўлиб қолган, бир менга, бир партадаги қоғозга қарар, қогоз эса жонсиз — қилт этмас, мен ҳам нафасимни ютиб, тахтадек қотиб турардим.

Сайрам қогозни қўлига олди-да, ўқий бошлади.

Мен кўзимнинг қири билан хатни ўқиган сайин унинг рангининг ўзгариб бораётганини кўриб турардим.

Сайрам ўқиб бўлгач, хатни қулидан тушириб юборди. Менга шундай карадики, унинг бу қарашидан юрагим уришдан тўхтаб қолгандай бўлди... Кейин у бошини эгиб, хатгами, партанинг бирор нуқтасига тикилганча, мени ҳам унутиб, хаёлга чўмди.

Биз шу алпозда анча ўтирдик.

Бир вақт Сайрам ўрнидан секин турди-да, папкасини ҳам унутиб, бошини маъюс эгганча, оҳиста юриб синфдан чиқиб кета бошлади. Мен унинг папкасини ҳам қўлтиқлаб олиб, унга эргашдим.

— Сайрам...

У индамай кетаверди.

— Сайрам...

Ҳеч нарса демай кетаверди.

— Сайрам...

У қайрилиб ҳам қарамай кетаверди.

— Сайрам?..

— Гапирма... — унинг овози, паст ҳорғин эди. Биз энди иккаламиз ҳам жим кета бошладик. Одатдагидек, қишлоқтомон эмас, сой томон кетиб борардик... Сайрам ажрикдар ўсиб ётган қирғоқда икки тиззасини кучокдаганча ўичан сувга тикилиб ўтирди. Мен ҳам папкаларни ерга авайлаб қўйдим-да, унинг ёнига ўтирдим.

Сой лопиллаб, қирғоққа урилиб оқарди...

— Сайрам, кечир... мени...

— Нега мени масхара қилдинг, Эркин?

12

— Сайрам, мен... ўлай агар, ҳеч... масхара қилганим йўқ... Чинданам сени... мен...

Сайрам...

Сайрам менга чиройли кўзларинитикибтурарди.

— Энди бутун мактаб менинг устимдан кулади, масхара қилади...

— Ким айтди?! — деяри бақириб юбордим. — Ҳеч ким сени масхара қилмайди! Мен сени яхши... мен сени ҳеч кимга айтмайман. Касам ичаман, Сайрам!.. Ростданам мен... мен сени...

— Гапирма...

Кейин биз, сойнинг оқишини, қирғоқдан қум бўлақларининг емирилиб шалоблаб сувга қулашини, қирғоқдаги майсаларнинг тебранишини кузатиб, узоқ ўтирдик.

— Эркин, — деди бир пайт Сайрам, унинг овозидан ҳалиги ўйчанлик ва ғамгинликдан асар ҳам қолмаган, қувноқэди. — Кел, энди доим бирга дарс қиламиз.

Само муҳаббати

(Адабий сценарий)

Ҳайитбой майкачан бўлиб олиб ер чопаетган эди. Иш билан бўлиб, қўшни қизнинг пастак девор оша қараб турганини пайқади. Қиз бирпас кулимсираб уни кузатиб турди-да, пиқэтиб кулди. Ҳайитбой ялт этиб қаради.

— Э, Гулчехра!..

— Ҳорманг, Ҳайит ака! Ассалом алайкум!.. Ҳайитбой кутилмаган кўришувдан бир зум эсанкиради.

— Ваалайкум... Келинг, Гулчехра, келинг... Гулчехра кулди.

— Келдик...

— Кечирасиз, — Ҳайитбой шундагина унинг истиқболига чиқиш кераклиги ёдига тушиб, девор олдида борди. Кўришишди.

— Яхшимисиз?

— Раҳмат. Хизматлар яхши ўтдимиз, Ҳайит ака?

— Ёмон эмас... — йигит қўшни қизнинг чақнаб турган кўзларига ботинолмай қараркан, тилига тузукроқ сўз келмади... — Ўзингиз қалайсиз? Ўқишларингиз...

— Ёмон эмас, — дея кулди қиз ҳам унга жавобан. — Бир қараб ҳам қўймайсиз, қўшни ҳовлида бир сийним бор эди, деб, — эркали қараш қилди қиз.

— Қўшни қизнинг ўзи ҳам бир йўқ/тб қўйса бўларди, — деди энди ўзини анча тутиб олган йигит.

— Йўқпаб қўйди, — дея шарақпаб кулди қиз. — Районга кетган экансиз, военкоматга.

Ҳа, битта гап эшитдим, чинми? Тошкентга кетаётганмишсиз?

— Ҳа, шундайроқ, — дея илжайди йигит. — Фақат сизнинг розилигингиз керак бўлиб турибди.

— Вой!.. — кўрккан бўлиб атрофга аланглаб одди киз. — Гапингизни қаран г!

— Нима бўпти, — дея қизнинг кўзларига ўқтам тикилди. — Розимисиз?

— Ўзгариб қопсизми? — таънали қараш қилди киз.

— Ўзингиздан беҳабарсиз!..

— Менга нима қипти?!

Қизнинг жодули кўзларига тоб беролмай, кўзини олиб қочди йигит.

— Жуда бошқача бўлиб очилиб кетибсиз...

— Ҳечам-да!.. Ростанам қачон жўнамоқчисиз Ҳайит ака, — қиз майинлашган, меҳрибон оҳангда деди...

Бу оҳангдаги яқинликдан йигиттўлқинланди.

— Яна бир-икки кундан кейин, — деди оҳиста. — Уйдагиларнинг дийдоригатўйиб олай. — Бу ёқдан келинг...

Шу чоқ дарвоза томондан овоз келди.

— Ҳайитбой, ҳо-ой, Ҳайитбой!..

— Чақиришяпти, — деди киз. — Боринг.

— Келинг, хўпми?!

Ҳайитбой «ҳозир» деганча, кўйлагини елкасига олиб, ҳовли томон юрди.

Дарвоза олдида Ҳайитбойнинг узокроқ бир қариндошларидан бўлмиш Расул ака деган турарди.

— Э, Ҳайитбой, ўзингмисан, жиян?! Кучоқлашиб кўришишди.

— Қара-я, қанака йигит бўлиб кетибсан, аскарлик ёқибди, жиян! Маладес!.. Ҳозир ишонсанг, тўғри сафардан келяпман. Мана кўлимда сумкам ҳам бор. Машинада келаётиб эшитиб крдим-да, тўхтат шу ерда, дедим. Жиянимни, кўрмасам бўлмайди, дедим.

— Раҳмат, Расул ака, уйга кiring.

— Қани, қани, бошла!..

Ҳовли чеккасидаги каравотдан жой олишди.

— Қани омин. Олгину олдирмагин!.. Оббо, жияним-е, аскарликдиям битказиб келдим, де!

17

13

— Битди. Ўзингиз қалайсиз? Укаларим?..

— Укаларинг катта бўп қолди. Носирни ўқишга жойладим, автослесар бўлади.

Авзойини кузатсам, бозорни кўзлаб турибди, олиб-сотди билан шуғулланмоқчи. Ҳа, тинчликми, дедим. Ҳозир бозор сиёсати даври, дейди. Бекор айтибсан, дедим, сен айтган олди-сотдини сиёсатга алоқаси йўқ, дедим. Сен ҳунарга кирасан, дедим.

Индамасам, иккита-учта учар бир бўлиб, Хива-Хонқа орасида қатнамоқчи! Қайтардим.

Яхши, мана бинойидай ўқиб келяпти. Кўлиям кеп қолди машинатузатишга... Опа, қалайсиз энди, азамат кеп қопти!..

Ҳайитбойнинг онаси чой кўтариб келди. Кўришиб, саломалашишгач, ошхонамон кетди.

— Хўп, ўзингдан гапир, жиян, энди нима ишларни режалаб турибсан, — деди мавзуни келган еридан давом эттириб Расул ака.

— Тошкентга кетиб, ўқимоқчиман.

— Маъкул. Қанақасоҳада ўқимоқчисан?

— Авиация бўйича...

— Авиация?.. — ишонқирамай тикилди.

— Хизматим авиацияда ўтди. Шунга...

— Унда тузук, ғайрат қил!.. Хўп, жияним, энди менга рухсат, — деди Расул ака

пиёладаги чойни ичиб, дастурхон четига тўнкариб қўяркан. — Қани, — дуога қўл очди.

— Бирпас ўтирмайсизми!..

— Келаман яна. Омин, олгину олдирмагин, Оллоҳу акбар!.. Ошхонадан аёл чиқади.

— Расулжон, ош дамлайман.
— Сафардан келяпман. Мана сумкам ҳам кўлимда. Ошни эса Ҳайитбойнингтўйида еймиз...
— Илоҳим, айтганингиз келсин... — деди она юзига фотиҳа тортиб. Ҳайитбой меҳмонни кузатиб турган ерида ўйга толди. Хаёлига қогоздан самолёт ясаб кўчани тўлдириб юрган болалар келди. Каравотда она-бода чой ичиб ўтиришибди.
— Гулчеҳра яхши қиз бўлган-да, — деди она дабдурустдан.
— Кайси Гулчеҳра? — деди Ҳайит ялт этиб қараб, кейин негадир қизариниб ерга қаради.
— Ўзимизни Гулчеҳра-да! Барака топсин, сен у ёкдалигингда ҳар кун сўрабтурди. Ҳайитбой акам хат ёзптимиз, яхшимиканлар, деб...
— Шунчаки кўнгил учун сўраган-да...
— Одобли қиз-да, болам... Тошкентга борсанг, тез-тез хабар олиб тур. Қиз бола нарса зориқиб қолмасин бирор нарсага. Қўшничилик. Ака-сингилдай ўсгансизлар. Хўпми, болам.

18

Ҳайитбой билинар-билинемас бош ирғаб қўйди.
— Ажаб эмас, такдирларинг қўшилиб...
— Ая, қўйинг шунақа гапларни, — онасини гапиртирмади йигит. — Аввал ўқишлар бир ёқли бўлсин, ҳали қанча ишлар бор!..
— Биламан, ишларингни, хаёлинг осмонда. Мениям ўйлагин-да, болам. Ёнимга келинни келтириб қўйгин-да, кўнглимни хотиржам қилиб, кейин ойгаучсангҳам ихтиёринг!..
— Э-ҳе! — Ҳайитбой кулиб юборди. — Ойга учиш осон эканми, аяжон. — Онасининг елкасидан қучди. — Оддийгина учувчи бўлиш учун қанча меҳнат, машаққат керак...
— Ниятни тўғри қилсанг, ҳаммасига аста-секин эришаверасан, болам. Ҳамма гап ниятда. Аскарликдаям анча-мунча нарса ўргатиб юбори ш ганд ир?!..
— Бўлмасам-чи!..
Ҳайитбойнингхаёлидан авиацияда хизмат қилгани ўтади. Ҳарбий ҳаво кучлари. Парашютдан сакрашлар. Самолётга югуриб боришлар. Самолётларнинг парвози. Икки аскарнинг учувчи бўлиш ҳақидаги суҳбати.
Аскарлардан бири Рустам, Иккинчиси Ҳайитбой.
— Ўқишга қачон борасан, ўғлим, — Ҳайитбойнинг хаёлини бўлди аясинингтовуши.
— Рустам келсин-чи, маслаҳатлашамиз.
— Яхши дўст орттирибсан, чаққонгина экан. Илоҳим кўз тегмасин. Ҳайитбой аясига қараб қўяди.
Ҳайитбой тонг сахарда томга чиқиб, сигирларга ҳашак ташлаётган эди, кўчада мотоциклини тариллатиб келаётган йигитга кўзи тушди. Синчиклаб караса — хизматдоши Рустам! Дарров томдан тушиб унга пешвоз чикди.
— Ҳайитбой, Тошкент кутиб қолди-ку! — деди Рустам.
— Қачон йўлга чиқамиз десанг тайёрман.
— Сени олиб кетгани келдим. Акам машинасида чиқариб қўяди.
— Жуда яхши. Бўлмаса сен бемалол чойни ичибтур, мен ҳозир... Ҳайитбой йўл тараддудини қиларкан, онаси:
— Гулчеҳра ҳам сизлар билан бирга кетадими? — деб қолди.
— Йўқ, ойи.
— Нега ундай қияпсан? — Ҳайрон бўлди Норгул хола.
— Қиз бола билан етаклашиб юришни ёқтирмайман.
— Бирга кетсанг, ёрдами тегарди-да, болам, жой-пой топишга.

— Бир ўзим эмасман-ку, ўртоғим бор! Сиз ташвиш чекманг, аяжон. Ҳаммаси яхши бўлади!

— Ўзинг биласан, болам. Майли, омон бўлинглар...

15

Урганч аэропорти. Равшан билет оляпти.

Аэропорт биносига кириб келган Гулчехранинг йигитларга кўзи тушиб қувониб кетади.

— Ҳа, қочоқ! Алдоқчилигингиз етмай...

— Ҳайитбойни мен мажбурлаб олиб чикдим, — деди Рустам ҳозиржавоблик билан.

— Яхшимисиз? Ҳазиллашдим-қўйдим-да. Мен ҳам бугун қайтаётгандим. Чипта олдиларингми?

Ҳайитбой навбатда турганлар қаторига ишора қилди.

— Рустамнинг акаси оляпти.

— Мен бўлсам сизни излаб холамдан сўраб юрибман. Жилмайиб туриб кўрсатилган гинахонликдан Ҳайитбой ўзини ноқулай сезди.

— Бу Рустам, — деди Ҳайитбой ўзини ноқулай вазиятдан чиқариш учун. —

Хизматдош ўртоғим. Қўшни қишлоқдан.

Гулчехра Рустамга қўлини чўзди:

— Гулчехра! Ҳайитбой акамларнинг қўшнисиман!

Рустам Гулчехранинг қўлини қўйвормай унга тикилиб қолди ва шўхлик билан:

— О-ҳо, қўшни қиз денг!

— Курилиш техникумида ўқийди, Тошкентда...

— Қойил, бўлажак инженер, э кечирасиз муҳандис...

— Сиз ҳам авиацияга кирмоқчимисиз? — сўради Гулчехра.

— Э-ха, Ҳайитбой ҳамма орзусини сизга айтиб бўлганми дейман, — деди Рустам қочирим билан.

— Бўлмасам-чи, — деди Гулчехра.

— Ҳайитбой қаерда бўлса биз ҳам ўша ерда-да, — деди Рустам. Ҳайитбой билан Гулчехра нималарнидир маслаҳатлашгани четга чиқишади.

Рустам уларнинг кетидан қараб қолди.

Гулчехранинг нимасидир унга ҳам ёқиб қолган кўринади.

— Рустам билан аввалдан келишиб қўйгандик.

Ҳайитбой Гулчехрага ҳам билет олиш учун Рустамнинг акасига яқинлашди.

— Равшан ака, яна битта қўшиб олинг, мана пули. Жилмайди: Бўпти: Учта экан, опа...

Тезроқёзинг, йўқса ҳозир

тўртта бўлиб қолишади.

20

Тошкент аэропорти.

Улар троллейбус бекатига қараб юришди. Гулчехра чиқадиган троллейбусни кутишди.

Сал ўтмай троллейбус ҳам кўринди.

— Биз сизни кузатиб қўямиз, — деди Ҳайитбой.

— Йўқ, йўқ — деди Гулчехра хижолат чеккандай. — Шундай ҳам сизларга анча ташвиш орттирдим. Бу ёғига бемалол етиб оламан. Ҳайитбой ака, энди сиз шу ердасиз-ку, бориб тулинг, хўпми?

Гулчехра шундай дея йигитларга қўл узатди.

— Раҳмат сизларга. Мана бу қоғозга адресимни ёзиб қўйганман.

— Яхши боринг! Жойлашиб олгандан кейин албатта ўтаман, — Ҳайитбой қоғозни қўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди.

Гулчехра троллейбусга чикиб, йигитларга қўл силкиди: — «Хайр!» Йигитлар автобуслар қатори томон юришди.

— Гурланликларга салом!

Йигитлар овоз келган томонга қарашди: Ие, Эркин ака-ку!

— Ҳа, ўқишгами, дейман! — Эркин ака улар ёнига лапанглаб етиб келиб, йигитлар билан кучокдашиб кўришди.

— Ҳа, Эркин ака нима қилиб турибсиз бу ерда? — сўради Рустам.

— Одамларни ҳожатини чиқарай деб турибмизда, Қўйлик, Чорсу, Чилонзор, э ана Париж десаям элтиб қўямиз!..

— Э, Парижда не бор, Эркин ака, ўзимизди Тошкандан айланаберсин ҳаммаси!.. — деди Рустам. — Лекин, шу жой топиш сал муаммо бўлиб турибди-да!..

— Муаммони хал қиламиз! Мусофирларраҳнамасйга бундай ишлар чўт эмас. Қандай жой бўлсин, ҳовлими, дўмми?

— Ҳозир жой танлайдиган пайтми? — деди Ҳайитбой. — Жойлашиб олсак бўлди-да.

— Мана бундоқжой бор! — бош бармоғини тепага қилиб кўрсатди Эркин ака. — Кани, машинага марҳамат!

Троллейбуслар қатори ортда қолди. «Жигули» ўн беш дақиқалар чамаси юриб, кўчага бурилди. Пича юриб кўк эшик олдида тўхтади. Эркин ака машинадан тушиб:

— Етиб келдик, йигитлар! — деди. Сўнг чўнтагидан калит олиб, эшикни очди.

— Ўзингизникими? — ҳайратланиб сўради Ҳайитбой.

— Шахсан ўзлариники. Тортинмасдан кираверинглар. Йигитлар Эркин акага эргашишди.

16

— Менинг ҳам сизлар тенги ўғлим бор. Ҳозир аскарликда. Хизматдан келиши билан ўқишга жойламоқчиман. Шунинг учун аввалдан шу ҳовлини олиб қўйганман, — деди Эркин ака йўл-йўлакай. — Бир йилгача бемалол яшаб туришларинг мумкин.

— Аммо-лекин зап иш қилдингиз-да! — деди Рустам хурсанд бўлиб кетганини яширолмасдан. — Сиз бўлмасангиз кўчада қолармидик!

— Ҳа, худо ишимизни ўнглади, — қўшилди Ҳайитбой. — Раҳмат сизга, Эркин ака!

— Раҳматни кейин айтарсизлар. Кани, ичкарига кириңглар. Ҳовлига қараб турсаларинг бўлди, — деди Эркин ака. — Қўшниларим яхши. Жаббор деганининг феъли чатоқроқ, шунга эҳтиёт бўлинглар.

— Хўп бўлади.

— Кейинчалик, яна ўйлашиб кўрарсизлар. Худо хоҳласа, ўқишга жойлашиб олсанглар — ётоқхонали бўласизлар.

Йигитларга кичкина, лекин ихчам безатилган хона ёқиб тушди.

— Ҳаммаси айтганингиздек бўлади, ўртоқ командир! — Рустам ўнг қўлини чеккасига қўйиб ғоз турди.

— Маъқул. Уйни сизларга, сизларни худога топширдим. Яхши ўтириңглар. Мижозлар кутиб қолди...

Йигитлар Эркин акани эшиккача кузатиб қўйиб, уйдан олиб келган нарсаларини жойлаштира бошлашди.

...Улар эрта уйғониб, мўъжазгина гулзор четидаги кранда юз-қўлларини ювдилар.

Рустамнинг шайтонлиги кўзиб, шеригинингёкаси ичига сув қуйиб юборди.

— Ўҳ! Ҳали шунақами... — Ҳайитбой шартта Рустамнинг белидан ушлаб сув томон тортқилади.

— Нима тўполон?! — девор оша овоз келди. Кани ўчирларинг! Ҳайитбой Эркин аканингоҳлантирганлигини эслаб, Рустамни чангалидан бўшатди:

— Жаббор ака!

Сал ўтмасдан, йигитлар энди нонушта тараддудини кўришаётганда кўча эшиқдан балиқ кўзли, калхатбурун киши тўппа-тўғри ҳовлига ^остириб кириб келди.

V Йигитлар ҳурмат юзасидан ўринларидан туриб салом беришди.

— Ваалайкум... ҳм-м... Квартиранмисизлар? — Қўшни уларгазидан назар солди.

— Абитуриент! — қоматини ғоз тутиб жавоб берди Рустам. — Ўқишга келдик! Қани, дастурхонга марҳамат!

— Ҳм-м... ўқишгадегин? Яхши. Мани отим Жаббор. Ён қўшниман. Тўполонни жиним суймайди. Сизлар ёшсизлар. Шуни унутмайлар.

Чой ичгани кирганим йўқ, яхши бўлсанглар — ўзларингга фойда. Кейин, суюқоёқ қизларни олиб келиб, ароқ-парОқ ичиб, танца-панца қилиб юрмайсизлар. Ўқишми, ўқиш!

— Айтганингиздек бўлади, — деди Ҳайитбой босиклик билан. — Раҳмат ака!

Жаббор ака унга калхаткараш қилиб чиқиб кетди.

«Ўқишга кириб олай, бир кун ҳам турмайман бу уйда!» — Ҳайитбой хўрсиниб қўйди.

Ҳайитбой билан Рустам ўқишга кириш учун тайёргарликни бошлаб юборишди.

Ҳайитбой ҳар-хар замонда кечкурунлари Гулчеҳрадан хабар олгани борар, бироз айланишиб, қайтиб келганида Рустам:

— Ҳа, жа-а қолиб кетдингиз-ку, жононингиз билан, — дерди.

— Қанақа жонон, — Ҳайитбой хижолат чеккандай бўларди. — Ҳали мен Гулчеҳранинг қўлини ҳам ушлаган эмасман.

— Ростданми? — Рустамнинг кўзлари чакнаб ўрнидан туриб кетарди. — Қўлиниям ушламасангиз, ҳайронман, шунча вақт нима қилиб юрибсизлар?

Ҳайитбой кулади:

— Одам бир-бирини англаб, тушуниб ҳам олиши керак-ку...

— Қўшни бўлатуриб, битта мактабда ўқиб, тушуниб олмаганингизга ҳайронман.

— У маҳалларда ёш бола эдик. Энди бўлса... Тушунтириш қийин-да. Бир қарасам менга майли бордек кўринади, бир қарасам... кўнгли йўқдек...

— Кийин экан, — Рустам ёнбошлаб хаёлига тўсатдан келиб қолган фикрдан сапчибтуради. — Уни бирон жойга, масалан, музқаймоққа таклиф қилинг, иккаламиз бирга борамиз.

Ҳайитбой ўйланиб қолади:

— Қандай бўларкин?

— Жуда яхши бўлади...

— Бўпти...

* * *

Гулчеҳра, Ҳайитбой ва Рустам. Ҳайитбой тортиниб ўтирипти.

Рустам уёқ-буёқдан гапиреди, Гулчеҳрани кулдиради. Ҳайитбой ҳам баъзи-баъзида нима қиларини билмай жилмайиб қўяди.

17

22

— Э, бу осмоннинг жинниси, — дейди Рустам Ҳайитбой ҳақида гапириб. — Бунга самолёт, осмон бўлса, бас, бошка нарсалар билан иши йўқ.

Гулчеҳра нимадандир хавфсирагандай, кула-кула, Ҳайитбойдан сўрайди:

— Шунақами, Ҳайитбой ака?

— Жа-а ошириб юборади-да, Рустам.

— Шунақа эмас де, шунақа эмас де, — Рустам сўзига кучли исботтопмоқчи бўлгандай.

— Ҳатто Гулчеҳра билан учраштиришга ҳам сени ўзим зўрлаб олиб келдим-ку...

— Ёлғон гапингни қўйсанг-чи?

— Гулчеҳрани музқаймоққа таклиф қил, деган ким?

— Нима бўпти?

— Ана-а, рост эканми?

Гулчехра жахд билан ўрнидан туриб, сумкасини елкасига илади:

— Бўпти, мен кетдим, аввал ўзаро келишиб олинглар... Ҳайитбой чақиради:

— Гулчехра!

Гулчехра қарамай кетади. Ҳайитбой Рустамдан ёзғиради:

— Нима кераги бор эди шунақа гапларни, э, сени қара-ю!

— Кўнглини билиш керак-да...

— Кўнглини шунақа биларканми? Хафа бўлиб кетди.

— Хафа бўлиб қаёққа ҳам борарди? Кўнгли бўлса, барибир қайтиб келади...

Ҳайитбой унинг гапларидан хафа бўлиб каттиқ гапириб қўймаслик учун индамай ўрнидан туриб кетади.

— Ҳо-ой, Ҳайитбой, — унинг ортидан қичқиради Рустам. — Қаёққа? Жинни бўлдингми?..

* * *

Ҳайитбой кўчада тасодифан собиқ хизматдоши Қодиралини учратиб қолиб, иккаласи кучокдашиб кўриша кетишди.

— Оббо, Қодирали-ей! — дерди Ҳайитбой қувончини яширолмай.

— Ҳа, энди фақат сизлар ўқийсизлар холосми? Биз ҳам бахтимизни синаб кўрайлик-да!

— деди Қодирали хушнудлик билан дўстининг елкасига уриб. Ҳужжаттопширдим политехника институтига...

— Зўр бўпти, — деди Ҳайитбой.

— Турадиган жой топдиларингми? — сўради Қодирали.

18

— Топдик, — деди Ҳайитбой. Яқин, махаллада. Рустам иккаламиз турибмиз.

— Қайси Рустам? — эслолмай сўради Қодирали.

— Бизнинг взводда хизмат қиларди-ку?

— Ўрта бўйлик, а?

— Ҳа, ҳа.

— Сизларнинг взводда... Ҳа, эсладим, уям хоразмлик эди, шекилли...

— Ҳа, бир жойданмиз.

— Э, қойил! Қачон келдиларинг?

— Кеча. Ўзингиз-чи?

— Уч кун бўлди. Ётоқхонадаман, вақтинчалик...

— Унда ҳовлига ўтамиз! — деди Ҳайитбой. — Биз билан турасиз...

— Сизларга юк бўлмай...

— Э, Қодирали! Қўйсангиз-чи... Қани юринг! — Ҳайитбой Қодиралининг елкасига қўл ташлади. — Худди битта казармада тургандек бирга яшаймиз!

Эркин аканинг ҳовлисини икки соат ичида чиннидек килиб тозалашди. Кейин уччаласи ҳалфона пул йиғиб, қилган бозорликларини сўрига қўйиб ошга тайёргарлик кўра бошлашди. Қодирали «бунақа ишнинг пириман» деб ошпазликни ўз бўйнига олди.

Шериклари унгасабзи, пиёз арчишда кўмаклашишди. Зирвак тайёр бўлганда

Рустамнинг сабри чидамади: «Ош дам егунча «ис» чиқариб юборайлик!» — деди.

— Айни муддао-да! — деди Қодирали кафтларини бир-бирига ишқаб. — Қўй ёғининг жиззасидан қўшиб, а? Устига пиёз тўғраб олиб қўйганман! Очинг, Ҳайитбой!

Учовлон ҳазил-мутайибалар билан пиёлаларга ароқ қуйишиб, ўқишга ва ишга кириб олишлари учун ичишди.

— Ух-х, фу! — деди Қодирали жиззадан олиб, оғзига солар экан. — Бунча ҳам заҳар бўлмаса! Ичингни ёндириб юборади-я, занғар...

— Лекин кайфи ширин-да! — деди Рустам қувноқлик билан. — Дўстинг учун заҳар ют, деганлар!

Қодирали темир товоқни қўлига олиб черта бошлади: Атлас куйлак ичида, воҳай бола, Бурга нима қилади, воҳай бола, Ёшлигингда ўйнаб қрл, воҳай бола, Гуноҳ нима қилади, жон бола!

— Ҳа дўст! — Рустам сархушлик билан хоразм лазгисига монанд ўйнай кетди. Бир айланиб келиб, Ҳайитбойни ўртагатортди. — Кани, ёшулли, ўртага!

25

— Яхши-яхши, — деди Ҳайитбой қўшни девор томонга қараб. — Ҳар қанча ўйин-кулги бўлса ичкарида қилайлик.

— Тўғри! — деди Қодирали лапар айтишдан тўхтаб. — Деворнинг ҳам қулоғи бор... Гуруч тайёрни? Опкелинг, Ҳайитбой! Рустам, сиз сўрича устини йиғиштиринг! Дастурхон мунтазир...

Ош дам егунча ёшлар шишани бўшатишиб, ҳазил-мутойиба, қийқирикни кучайтириб юборишди. Чорак соатлардан кейин Ҳайитбой Қодиралига имлаб, ош сузиш зарурлигини эслатди. Улар биргаликца ташқарига чиқишди. Шу пайт кўча эшиги тақиллаб қолди.

— Ким у? — Ҳайитбой эшик яқинига бориб сўради.

— Оч эшикни, Жабборман!.. — Ҳайитбой эшикни очиши билан балиққўз қўшни дағдаға қила кетди. — Тинчлик берасанларми, йўқми? Ҳозир милиция чақириб бериб юбораман...

— Э, узр, ака...

— Қанақа узр? Воҳай бола, воҳай бола деб чинқириб, яна узр сўрашга бало борми?

— Армияда бирга хизмат қилган дўстимизни учратиб қолдик, — тушунтиришга уринди Ҳайитбой. — Шунга озгина байрам қилаётувдик-да...

— Байрам эмиш, — Жаббор ака масхаралаётгандек лабини жийирди. Шунака-да, ҳозирги ёшлар. Ота-онаси пул харжлаб, ўқишга юборади, булар бўлса, байрам қилармиш... Ҳе... ўргилдим.

— Ичкари киринг? Бир чўким ош, — дейди Қодирали.

— Э! — қўл силтайди Жаббор ака. — Зор эмасман ошларингга! У чиқиб кетади.

— Оббо, ҳунаса-ей, — деди Қодирали ошни сузар экан, энсаси қотиб. — Кирдинг нима-ю, чиқиб кетдинг нима. Ҳа бундоқ ўтириб, ширин гаплардан гапирмайсанми, тўртта чақчаклашмайсанми?

— Авзойи бузилиб чиқиб кетди, — деди Ҳайитбой, ошнинг гўштини тўғрар экан. — Энди тезроқошни еймиз.

— Э, онасини эмсин! Нимасидан қўрқамиз ўша исковучнинг? Нима, бизнинг одамлардек яйрашга ҳаққимиз йўқми? Қодирали, очинг иккинчи шишани!

— Шунисини кейинроқ ичайлик. Яхшилик кутиб бўлмайди бу одамдан, — деди Ҳайитбой.

— Ким ўзи ўша Жаббор дегани? Мелиса чақирадимми? Чакираверсин! Ҳе... ўргилдим хўжайинлигидан...

— Майли, Ҳайитбой ичмаса ичмас, — деди Қодирали. У ароқни қўлига олиб эндигина иккита пиёлага куймоқчи бўлиб турган ҳам эдики, кўча эшик томондан овоз келди. Рустам негадир қўнишиб олди.

— Ана, айтган эдим-ку, — деди Ҳайитбой шивирлаб. — Бизни олиб кетгани келишди.

— Ҳайитбой, биздан кўра босикроқсиз, ўзингиз гаплаша қолинг.

— Хўп. Фақатжим ўтиринглар...

Ҳайитбой эшикни очиб, ташқарида икки нафар милиция ходимини кўрди.

— Ассалому алайкум, хизмат?

— Шу хонадонда ичиб олиб тўполон қилишаётган экан. Биз чакирув бўйича келдик.

— Бу ерда мендан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Сиз уй эгасимисиз?

— Шундай.
 — Сиздан ароқнингҳиди келяпти-ку.
 — Ҳозиргинатўйдан келдим. Уйдагилар ўша ерда. Кани, ичкарига киринглар, тўйдан насибангиз бор экан.
 — Раҳмат. Хизматдамиз. — деди тўладан келган, катта ёшдаги ходим.
 — Ёлғон чакирув бўлибди, — деди ёнидагиси. — Қайтдик, Усмон ака.
 — Бзовта қилганимиз учун узр, — деди ёши каттаси. — Хафа бўлмайсиз биродар.
 — Бир пиёла чой...
 — Вакти бўлиб қолар... Хайр, соғ бўлинг.
 — Ҳайитбой эшикни танбалаб, ортига қайтди.
 — Ҳа! — сўради Қодирали.
 — Кетишди. Рустам ухладими?
 — «Тинчиб» қолди.
 — Кўтаролмабди-да... Майли, ишқилиб, осон қутилдик, шунисигаям шукр.

* * *

Кечқурун Рустам бошқача кайфиятда кириб келди. Овкатланаётганда ҳам хаёли бошқа ёқларда эди.

— Ҳа, — деди Ҳайитбой. — Жаббор аканинг пўписасидан ўтакангиз ёрилдими, дейман?

Рустам жилмайишга уриниб:

— Гап ундамас, — деди.

— Гап нимада бўлмаса? — деди Қодирали.

— Хафа бўлманг, — деди Рустам Ҳайитбойга. — Мен ҳужжатларимни бошқа ёққа топширдим...

20

27

— Қаёққа?

— Политехника института га, қурилиш факультета га...

— Бирга ўқирканмиз, худо хохдаса, — деб қўйди Қодирали.

— Нега қурилиш факультетига, — хайрон бўлди Ҳайитбой. — Ахир биз биргаликда топширмоқчи эдик-ку...

— Узр энди-и... — Рустам ўзини ноқулай аҳволга солиб. — Мен ўша ерда одам топдим.

— Канака одам?

— Ўқишга киришга ёрдам берадиган.

— Ҳали ўқишга киришга одам ҳам керак эканми? — ранги-кути ўчди Қодиралининг.

Рустам тиржайди:

— Ҳа одамсиз ўқишга кириб бўларканми? — деди Рустам Ҳайитбойга. —

Хохдасангиз, сизниям шу факультетга гаплашиб бераман. Авиацияда нима бор?

Армияда ўтди-кетди. Билсангиз, бизнинг шароитда мунақа соҳалар иш бермайди.

Қурилиш бошқа. Битта бекат битгунча ўзингга қўшқаватли уй қуриб оласан...

— Сен ўқишга қиряпсанми ё ўғирликни ўрганишгами? — деди Ҳайитбой.

— Қанақа ўғирлик, қанақа ўғирлик! — қўлларини ёзганича хитоб килди Рустам. —

Ҳозир, ҳаммаям шунақа қилади. Буни оти ўғирлик эмас, ишбилармонлик, ҳа-а, ишбилармонлик!

— Ишбилармонлик, ишбилармонлик эмасми, фарқи йўқ, — деди жаҳд билан Ҳайитбой, — Бу ҳақиқий ўғирлик!

— Майли, шундай бўла қрлсин! — деди Рустам алам билан. — Қани кўрамиз, қаёққа борарканлар бу тўғрилиқ билан.

Қодирали уруш чиқиб кетишидан кўрқиб, дарҳол вазиятни юмшатишга киришди, қўлига тақсимчани олиб «воҳай бола»ни айтишга киришди.

* * *

Ҳайитбой ўқишга кириш учун қизгин тайёргарликни бошлаб юборди. Кечалари стол устига лампа қўйиб, ҳархил чизмалар чизар, китоб ўқир, Гулчехранинг совға қилган суратига караб-қараб қўйса-

да, вақтни қизғаниб, бориб хабар олишни ортга суларди.

* * *

— Гулчехра! Гулчехра қурилиш техникумидан чиқиб кетаётган томонга кескин ўгирилиб, Рустамни кўрди, ҳайрон бўлди. Саломлашиб:

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деб сўради.

— Сизни кўргани келдим.

— Мени кўргани?

— Ҳа, нега ажабланасиз?

— Йўқ, ажабланганим йўғ-у... ғалати-да... Ҳайитбой акам канилар? _ Э, — Рустам қўл силтади. — Ҳайитбойнинг сизу мен билан гаплашишга вақти йўқ.

— Сиз билан ҳамми?

— Ҳа, фақат самолётини-ю, ўзини ўйлайди, назаримда. Юр, Гулчехрадан хабар олайлик десам, вақтим йўқ, ўзинг боравер, деди.

Гулчехранинг ранги ўзгарди. Бироқ, индамади.

— Мен ҳам сизга ҳамкасб бўладиган бўлдим, — деди Рустам. — Касбингизгахавасим келиб, қурилиш факультетига топширдим.

— Авиация-чи?

— Авиациядан айнидим.

— Дўстингиздан-чи? Дўстингиздан айниганингиз йўқми ишқилиб.

— Йўғ-ей, дўстдан айниб бўларканми, дўст дўст-да.

— Ҳа, яхши. Хайр бўлмаса.

— Гулчехра! -Ҳа.

— Бироз шошманг.

— Хў-ўш...

— Кузатиб қўяман...

Кетишаётгани. Ҳайитбой учаласи ўтиришган жойда Рустам билан Гулчехра. Рустам Гулчехрага нималардир дейди, утинмай кулади.

* * *

Авиация билим юрта.

Ўқитувчи Ҳайитбойдан имтиҳон олиб бўлиб, шунчаки қизиқиш учун сўраяпти:

— Билимингиз аъло, фақат бир нарсани айтинг-чи, авиация соҳасини чин дилдан севасизми?

— Албатта.

— Юртимизда бу соҳанинг истиқболи ҳали олдинда. Сиз каби билимли ёшларга самолётсозлигимиз муштоқ. Факатгина озгина қийинчиликкадуч келган заҳотиёкташлаб кетмаслигингиз лозим.

Практик машғулотларимиз Тошкент самолётсозлик заводида, хаво йўналишларида ўтказилади. Иложи борица, ўз устингизда мустақил ишлашга, мустақил фикрлашга, мустақил ҳаракат қилишга ўрганинг. Ана шунда ҳаммаси яхши бўлади. Мана, баҳонингиз беш, ўқишга кирганингиз билан табриклайман.

Ҳайитбой раҳмат айтиб чиқиб кетди.

21

28

Ҳайитбойнинг куйлак ва шимининг дазмоллаётгани устига Қодирали кириб келиб қолди.

— Ясан-тусанга зеб берибсизми? Йўл бўлсин? — деди, Ҳайитбой билан саломлашиб бўлиб.

— Бир ҳамқишлоғим шу ерда ўқийди, киз бола. Шуни кўриб келсам дегандим. Кўп бўлди хабар ололмадим. Вактингиз бўлса, юринг, бирга борамиз.

— Йўқ, сиз бемалол бориб келаберинг. Учинчи одам ортиқчалик қилади, — деди Қодирали хушнудлик билан. — Айтганча, имтиҳонлар нима бўлди?

— Аъло!

— Табриклаймиз, учувчи! Айтдим-а, бугун бошқачасиз деб. Ишкилиб, бизгаям сизнинг йўлингизни берсин. Ёлғиз зерикиб ўтирарканмиз-да! Рустам каерда?

Ҳайитбой кифт қисди.

* * *

Шу куни Гулчеҳрани аллақандай кайфиятда кўрган ҳамхонаси:

— Бугун жа бошқачасиз? Сабабини билсак бўладими? — деб сўраб қолди.

— Шарифа, менга хат ёзиб турган ҳамқишлоқ йигитни эслайсизми?

— Ҳа, исми Ҳайитбой эди, шекилли.

— Ҳа, шунақа.

— Ҳайитбой келдими?

— Йўқ, унинг ўртоғи.

— Нимадейди?

— Кинога таклиф этяпти...

— Қиз-ик... сен нимадединг?

— Нима дейишгаям ҳайронман. Ҳамхонаям кифт қисади.

— Боринг келса, боравер-да, — деди лоқайдлик билан.

— Сен ҳам бирга юр...

— Э, мен нима қиламан?

Гулчеҳра иккилана-иккилана чиқиб кетди.

* * *

Ётоқхона эшигини Ҳайитбой қоқади. Эшик қия очилиб, Шарифанинг боши кўринади.

— Гулчеҳра борми? — сўради Ҳайитбой.

— Йўқ, — деди Шарифа. — Сиз ким бўласиз?

— Ҳамкурси, — оғзига келганини айтиб қўя қолди, Ҳайитбой. Шарифа Гулчеҳранинг бунақа ҳамкурси йўқ эди-ку, дегандай унга қараб қўйди-да:

— Гулчеҳра бир ҳамқишлоғининг дўсти билан кинога кетди. — деди.

— Ким билан? — ҳайрон бўлди Ҳайитбой.

— Бир ҳамқишлоғининг дўсти била-ан, — Шарифа қанақа тушунмаган одам ўзи бу, дегандай, таъкидлаб айта бошлади. — Унинг Ҳайитбой деган бир ҳамқишлоғи бор.

Ўша Ҳайитбойнинг Рустам деган дўсти бор. Тез-тез Гулчеҳра билан учрашиб туради, ўша келиб уни кинога опкетди, мениам айтишувди бормадим. Ким сўради дейин?

— Ўша ҳамқишлоқнинг руҳи сўради денг... — Ҳайитбой шундай деб кета бошлади.

— Во-ой ўлмасам, — Шарифа юзини юладиган ҳолатга тушди. — Ҳайитбойнинг ўзи экан, шекилли, — кейин ўзига-ўзи айтади. Руҳи экан-да... Ҳа, руҳи деб айта қоламан... Во-ой ўлмасам, нима қиб қўйдим-а?!

* * *

Ҳайитбой изтироб ичра пичатентиб юради. Кейин шитоб билан уйга келди.

Қодирали бор экан.

— Ҳа, тез қайтибсиз? — деди у. — Кўрдингизми ҳамқишлоғингизни?

— Йўқ. -Нега?

— Ўлиб копти!

— Ҳай-ҳай, ёшгина нарса-я? Нима бўпти унга?

— Юраги чириб-ириб, оқибтушипти.

— Во-ой бечора-ей!

Ҳайитбой нарсаларини тез-тез йиғиштира бошлади.

— Ҳа, Ҳайитбой, кетяпсизми? — деб сўради Қодирали.

— Ҳа, кетяпман.

— Шу бемаҳалда қайга борасиз?

— Билмадим. Факат анаву ифлоснинг юзини кўрмасам бас!

— Кимни айтяпсиз? Рустамними? Дўстингиз-ку!

— Номини айтмангуни. Мени унака дўстим йўқ. Қодирали нимадир гап ўтганини сезди.

31

23

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи, мундоқ...

— Тушунтиролмаيمان.

— Ахир нима бўлди?

Ҳайитбой кафтини юзига қўйиб йиғлаб юборди:

— Мен унга ишонсам... йўлдан урипти.

— Кимни йўлдан урипти?

— Гулчеҳрани!

— Йўғ-э?

— Дугонаси ҳаммасини айтиб берди.

— Во-ой номард-э... Сиз кетсангиз мен ҳам бу ерда бир дақиқаям қолмайман. Нима қиламан? Сиз туфайли у билан гаплашиб юардим? Ёжағини тўнтариб қўяйми?

— Керакмас...

— Хайрият, ётоқхонанинг калитини топширганим йўқ эди. Иккаламиз ўша ерга борсак ҳам бўлади.

Ҳовлини тарк этишаётганда Қодирали:

— Аслида, бунини тепиб юборсак ҳам бўларди-куя... Ҳайитбой:

— Башарасини кўрмай, юрингтезроқ...

Улар чиқишаётганда девордан мўралаб турган Жаббор ака:

— Ё, тавба?! Буларнинг студентми-студентмасми, кимликларини ҳам билиб бўлмайди.

Бири киради, бири чиқади. Шу ҳовлини сотиб олишга ўзимизни кучимиз етмади-да, қўл қисқалик қилди. Энди ким кирса кираверади, ким чиқса чиқаверади, падарига лаънат...

* * *

Шарифа ҳўнг-ҳўнг йиғлайди.

— Мен қайдан билай унинг Ҳайитбой эканлигини, — дейди. Гулчеҳра юзини кафтига босиб ўтиради. Микэтмайди. Шарифа ўзини оқлашга яна баҳона ахтаради:

— Курсдошиман, деди... Хаёлимда ҳам йўқ эди, унинг ўзи келиб қолиши. Кейин бир-бир айтиб бердим...

— Қўй йиғлама, — дейди Гулчеҳра хўрсиниб. — Сенда гуноҳ йўқ...

У шундай дейиши билан ўзини оқлаб турган Шарифа яна авжига чиқиб, яна гуноҳкорлигини бўйнига олади:

— Йўқ, билиб туриб шундай қилиб ўтирибман-а. Аввал исмини сўрамайманми, кимлигини билмайманми...

— Бас! — бақириб юборади Гулчеҳра. Шарифа пусиб қолади.

23

Авиация бил им юрти.

Дарс тинглаб ўтирган Хайитбойнинг хаёлига Гулчехра келиб қолади. Уни хаёлидан қувиб солишга ҳаракат қилади. Берилиб нималарнидир ёзади, ўқийди, ўзини овутади.

* * *

Самолётсозлик заводи.

Талабалар завод цехлари, иши билан танишмоқда. Хайитбой ҳар бир нарсага қизиқиш билан қарайди.

* * *

— Ўша имтиҳон олган домла қабули.

— Бир илтимос билан келувдим, — деди Хайитбой.

— Қандай илтимос экан?

— Бўш вақтларим кўп бўляпти... Ўқишдан ажралмаган ҳолда ўзимизнинг заводимизга ишга кирсам, дегандим.

Ўқитувчининг кўзлари қувончдан чакнаб кетади:

— Жуда яхши ўйлабсиз. Кўзингиз пишиб, тез ўрганасиз. Телефон қилади:

— Аҳмад Алиевич, Сизларга яна бир кадр юборяпмиз. Бўладиган. Майли, майда ишдан бошласин. Ўзи кўзи билан кўрсин. Ҳа, ҳатўғри, ёшларгатўғри йўлни кўрсатишимиз керак. Бу бизнинг бурчим из.

Гўшакни қўйиб:

— Тўғри Аҳмад Алиевичнинг олдига боринг. Мен юборганимни айтинг. Лекин иш билан бўлиб, ўқишни ташлаб қўйманг. Хўпми?

-Хўп!

— Бўпти, Сизга муваффақият!

* * *

Хайитбой ётоқхонага қоғоз пакетни тўлдириб келди. Китоб ўқиб ўтирган Қодирали хайрон.

Энди рўзғоримиз бут бўлади, деди Хайитбой. — Ишга кирдим. Қодирали индамади. «Гулчехрани унутиш учун ўзида бўш вақт қолдирмаяпти» деб ўйлади.

— Ўзингизни бунча ҳам қийнаманг, дам ҳам олиш керак-ку, — деди Қодирали.

— Дам олишга ҳали улгурамиз, — деди Хайитбой. — Одам бўш қолса калласини бемаъни хаёллар чулғаб олавепади

33

Самолётсозлик заводи.

Иш жараёнида Хайитбой коржомада кўрсатилади. Тайёр бўлган «Ўзбекистан» сўзи ёзилган самолётнинг учиб кетаётгани.

Ишдан ҳориб-чарчаб, хонасига кириб эндигина каравотга ўтирган Хайитбойнинг эшиги такиллади.

Хайитбой ўрнидан туриб, бориб эшикни очди:

— Э, шеф ташриф буюрибдилар-да! Қани, қани, ичкарига марҳамат. Остонада кўришмайлик, ука! Қодирали, укам Комилжон келди!

Ака-ука кучокдашиб кўришдилар.

— Бормисиз, ака?

Хайитбой унга тик караб жавоб беришдан уялди. Уйга бормаганига ҳам анча бўлиб қолгани хаёлига келди.

— Раҳмат, уйдагилар яхши юрибдими? — Кейин ҳазилга олди. — Замон шу экан-да, ука акани излаб келар экан! Кой ил, жудаям хурсандман! Майли, яхши кунларда кайтарайлик.

— Уйдагилар соғиниб салом айтишди.

— Аям, ҳаммалари соғ-омонми. Майли, майли, гап йўқ, айб бизда. Шеф, қани, марҳамат қилсинлар, — шундай деб Ҳайитбой апил-тапил дастурхон тузатди. Бир-бирини соғинган ака-укалар суҳбати ярим тунгача чўзилди.

Эрталаб Ҳайитбой укаси билан хайрлашар экан: «Аямга кўпдан-кўп саломимни айтинг, ҳаммаларини менинг номимдан ўпиб қўйинг. Яна шундай айланиб келиб туринг, шеф» деди-да, уйга бориш учун тўплаб қўйган пулларини унга берди.

— Ўзингизга ишлатарсиз, қўйинг ака.

— Олаверинг, бу пулларни сизларга совға-салом учун ажратган эдим.

Пулларни олиб чўнтагига соларкан:

— Эндиги навбат сиздан, — деди Комилжон хушхол.

— Хўп ука, хўп.

— Онамиз сизни еру кўкка ишонмайдилар. Ўғлим учувчи бўлади, дебмаҳаллатўрини бермай келадилар—деди Комилжонгадорқилиб:— Уйлантиришни ҳам сиздан бошламоқчилар. Бу ёкда биз кетма-кет қараб турибмиз. Отам шуни эслатиб, қўй, дедилар. Сизни Гулчеҳра опамга уйлантириш ниятида юришипти.

34

Ҳайитбойнинг қишлоқдаги ҳовлиси.

Кечгатомонҳовли гавжум бўлиб кетди. Кўни-қўшнилари чиқишди. Ҳайитбойнинг каерда ишлаши-ю, бундан кейин нима қилмоқчи эканлиги билан кизиқишди.

— Самолёт ясайман дегин? — Облоқул бува хайратланиб ёқа ушлади. — Ё қудратингдан! Ўзиям осон иш бўлмаса керак?

— Битта ўзим эмас, — Ҳайитбой тушунтирди. — Кўпчилик ишлаймиз. Икки мингга яқин одам. Биров у ишни, бу ишни бажаради. Ҳамманинг ўзига яраша вазифаси бор, бува.

— Ўзинг ҳам учиб кўрдингми?

— Йўқ, биз ерда ишлаймиз. Учувчилар бошқа.

— Ҳа, сени сомонўтда келди, дейишди-ку!

— Оббо, бува-ей! Тўғри самолётда келдим. Лекин, самолётни ҳайдовчилар олиб келиб қўйишди.

— Канака учдиларинг?

— Бир соатдан ошиқроқ.

— А! Шундай дегин? Биздайлар от билан эшақдан бошқасига минмаганмиз. Толеинг бор экан, улим...

* * *

Ҳайитбой учувчилар гуруҳида.

Маҳаллий йўналишлар бўйича парвозлар кўрсатилади.

* * *

Самолёт Тошкентга қўнди.

Йўловчилар ҳурмат билан учувчилар тушишини кутиб туришипти. Учувчилар хайрлашиб тушиб кетишяпти. Энг охирида Ҳайитбой.

Ҳайитбой олдида ғоз турган стюардесса қизга.

— Кўришгунча, Наргизахон! — деди.

— Кўришгунча, ўртоқ Эргашев.

— Бугун театрда боришимиз ёдингиздан чиқмасин-а.

— Йўқ, албатта, ўзингиз ушланиб қолманг, ўртоқ Эргашев. -Хўп.

— Учиб-қўнаётган самолётлар.

* * *

Миллий театр.

Ҳайитбой билан Наргиза ўша ерда учрашишади. Фуқагю кийимида.

25

Уларни дугонаси билан театр га б ирга борган Шарифа кўриб қолади. Ҳайитбой ҳам Шарифани танийди. Бир-бирларига нигоҳлари тўқнаш бўлади.

Театр га кириб боришлари.

Шу баҳонада тасвирда театрнинг бугун курки кўринади. Каҳрамонлар суҳбати улар курган томошага қараб олиб борилади. Шарифанинг Ҳайитбойга тез-тез нигоҳ ташлаши.

* * *

Рустам ҳовлига бошқа бол ал ар ни олиб келган.

Магнитофон қўйилиб, шовқин-сурон қилишади.

Жаббор ака ч и қади.

Эшикни тақиллатади.

Ун и эшитишмайди.

Яна тақиллатади.

Рустамнинг овози: Ким у?

Жаббор ака: Мен қўшниман!

Рустамнинг овози: Нима керак?

Жаббор ака: Ие, ие, гапни қаранглар. Нима керак эмиш! Индамаса бугун маҳаллага хўжайин бўлиб оладиган кўринишади-ку булар-а? Ҳозир кўрсатиб қўяман нима кераклигини... Маҳаллада тартиб-интизом кўриқчилари борлигини билишмайди шекилли, булар...

* * *

Маҳалла қошида ташкил этилган тинч-осойишталикни сақдаш назоратчилари. Жаббор ака кириб боргунча қандайдир тартибсизликларни муҳокама қилишиб, компьютерда бир-бирларига нималарнидир кўрсатиб ўтиришган бўлади.

Жаббор ака тажанг қиёфада кириб боради. Нималарнидир куйиб-пишибтушунтиради.

Расмийатчиликдан сўнг Жаббор ака билан улардан бири чиқиб кетади.

Маҳаллада.

Рустам ва унинг икки-уч нафар оғайнилари, кайфлари бор. Кийимлари бир алфозда.

Тартиб-интизом нозири унинг хужжатларини кўриб сўрайди:

— Нима иш билан машғулсизлар?

— Бозорда нима юмуш бўлса бажарамиз. Масалан, юк ташиш. Арзонроқ ул-булни киссамиз кўтарганига қараб олиб сотамиз, — деди улардан бири.

— Қилар ишингизнинг тайини ҳам йўқ экан. Аммо топган

36

пулингизни ҳам шунақа бемаънигарчиликларга сарфлайсизлар, тўғрими? Бунинг устига шаҳарда ҳеч қайсиларингиз рўйхатдан ўтмаган экансизлар. (Рустам га)

— Сиз ўқишдан мана шундай хулқингиз оқибатида ҳайдалган эдингиз. Аввалги сафар огоҳлантирганимизда узр сўраб ўқишни тикламоқчилигингиз боис муҳдат сўраган эдингиз. Пекин кўнглингиз тусаганини қилиб юрибсиз. Ҳайф, сизга авиацияда хизмат қилган деган ном. Менга қаранг. Шу бугуноққишлоққа қайтасиз. Акс ҳолда... Тушундингизми?

— Ҳа, тушундим.

— Биз-чи? — дейди йигитлардан бири.

— Сизларни идорага олиб бориб, тегишли маълумотларни аниқдаймиз.

* * *

Шарифа Гулчехрага театрдаги Ҳайитбой билан тўқнаш бўлганини айтади. Гулчехра қилган номаъкулчилигидан афсусда йиғлаб ўтирипти.

— Ўзимдан нафратланаман. Ҳайитбойнинг нафратига учрадим. — дейди Гулчехра.

— Қўй. — дейди Шарифа.

— Номардга ишониб, Ҳайитбойнинг муҳаббатини тупроққа қррдим. Аблахнинг ширин ёлғонларига алдандим! — дейди Гулчехра.

— Ўша номардинг ҳақида ҳали кўп нарсаларни билмаймиз, — деди Шарифа.

— Ўқишдан ҳам ҳайдалгани етмай, ижарадаги уйдан ҳам ҳайдалипти. Ҳеч бўлмаса бир оғиз сўз айтиб кетса бўларди-ку, қишлоғига, — деди Гулчехра ҳолсиз.

Ҳайитбой билан Наргиза театрдан чиқишади. Одамлар.

Чироклар ёриштириб турган хиёбондан иккаласи кетишяпти.

— Томоша ёқдими? — сўрайди Ҳайитбой.

Ёмонмас, — дейди Наргиза. Фақат мен мавзуси бошқача бўлишини хоҳдардим.

— Қанақа бошқача?

— Бошқача-да.

— Канака, ахир?

— Масалан, томоша қилаётган одам сахнада ўзини курса дейман...

— Ҳавода учиб кетаётганиними? — ҳазиллашмоқчи бўлади Ҳайитбой.

27

— Иў-ўк... Ўзининг ичидаги интилишларими, адабиётчилар айтишади-ку, туйғулари деб...

— Ҳа-а...

— Сизга-чи?

— Мен ўзимни кўрдим.

— Наҳотки!

— Ҳа, фақат сахнадамас.

— Қизик-ку...

— Ўзимни-ўзим ёнимда кўриб ўтирдим...

— Уни қаранг-а.

— Кўзим сахнада-ю, хаёлим...

— Осмонларда эдими?

— Осмонларда эди. Иккаламизнингучиб-учиб кетаётганимизда...

— Сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

— Сўранг.

— Театрда бир киз сизни узоқ кузатди, уни кўрдингизми?

— Ҳа.

— Кимлигини айтиб беринг. Сир бўлмаса.

— Айтиб бераман, фақат кейинроқ.

— Негадир у дугрnasi билан томошанинг ярмидан чикиб кетди.

— Кўрдим...

Индамай қадам ташлашади.

* * *

Аэропорт.

Диспетчер овози. Самолётга чиқишаётгани. Ҳайитбой билан Наргиза. Наргиза салонда йўловчиларни учиш тартиб-қоидаларидан огоҳ этмоқда.

* * *

Ҳайитбой ярмарка томон йўл олди. Кийим-кечаклар дўконига кириб, ойисига рўмол танлаётган пайтда кимдир ёнида «пик» этиб кулиб юборди.

— Холамгами?

Ҳайитбой ажабланиб ёнига қаради.

— Ассалому алайкум, Ҳайитбой ака! Қишлоққа оталанибсиз-да? — деди уни четдан кузатиб турган Наргиза.

— Ие, сизмисиз? — Ҳайитбой кулимсираб турган қизга эсанкираб қаради. —

Ваалайкум ассалом. Ҳа, уйдагиларга ул-бул дегандай...

Наргиза рўмолни қўлига олди.

28

— Ёши улуғларга қизил рангли тўғри келмайди. — деди у ўнг елкасига бош ташлаб. — Уларга кирчимон, мовий ранг бўлгани маъкул.

— Синглингиз тўғри айтдилар, — деди сотувчи қиз. — Аввалроқ ойимга олмокчиман демайсизми?

— Зар кадрина заргар билади, — деди Ҳайитбой. — Газлама танлашни аёллар қотиради. Бизга йўл бўлсин.

— Ҳайитбой ака, хув анави рўмол холамга жуда мое. Тўй-ҳашамларда ҳам ўраса ярашади... Опа, ўшани олиб берақолинг!

— Бошка пайтларда бўлмайдими? — Ҳайитбойнинг шумлиги тутди. — Демак тўйга денг?

— Ака, синглингиз тўйларга буюрсин, демоқчилар, тўғрими? — сотувчи қиз Наргизага кўз қисиб қўйди.

— Тўйга бўлса, тўйга-да, ўраб беринг, — деди Ҳайитбой. — Битта эмас, иккитасини.

— Униси кимга?

— Бўлғуси кайнонамга, яъни келин бўлмишнинг онасига.

— Аҳ-ҳа, энди қўлга тушдингизми?! Демак, тўй яқин! Бизларга сездирмай уйланиб олмокчи эканлар-да?

— Канакатўй? Тўйгаҳали бор... аввал келин топилсин. Ана унда...

— Ҳа, ака, уй суриб қолдингиз? Рўмолни оласизми? Ўраб қўйдим, — тиллатишли сертабассум сотувчи қиз унга қараб турарди.

— Э, кечирасиз! Мана пули...

Ҳайитбой Наргизани энди кўраётгандай қаради.

— Ҳайитбой ака, бирпас ўтирайлик, — деди Наргиза ёғоч ўриндиққа ишора қиларкан жилмайиб.

* * *

Ҳайитбойнинг хонаси.

Кечкурун. Стол устида лампа. Қоғозлар. Деворларга ҳар хил самолётларнинг суратлари, чизмалар. Ҳайитбой керишяпти. Эшик тақиллайди.

Ҳайитбой ҳайрон.

Ким бўлдийкин, дегандай кифт кисади. Бориб эшикни очади.

Хижолатсираброқ Наргиза туради.

Ҳайитбой аввал ўзини йўқотиб қўйгандай бўлади.

Наргиза қўлида Ҳайитбой билан магазиндан харид қилган қоғозга ўралган рўмолни тутқазади.

Ҳайитбой уни олиб охистажилмаяди. Кейин кўзларида шу кадар чексиз қувонч порлайдики, бу унинг муҳаббатидан дарак беради.

Нигоҳлар.

39

Кўзлар. Ифодалар.

Ва кўзларнинг бир-бирига чексиз меҳр-ла боқиши. Уфққа эврилиб, осмонга айланади ва самолёт учиб кетиши билан тугайди.

Инсон кадри

Ёз. Кун аямай ёндиради. Асфалт йўлдан уфураётган иссиқхудди қиздирилган тандир оғзидан ураётган қайноқ ҳароратга ўхшайди. Дарахтларнинг барглари иссиқдан шалвираб қолган, қимир этган шамол эсмасди. Тушга бориб кун қизигандан-қизиди. Иссиқдан димиқиб кетган одамлар ўзларини соя-салқин жойларга уришарди, йўлкада юриб келаётган, терга ботган қизнинг, ҳавонинг иссиқдигидан устидаги қўйлаги, тертомчиларидан жикқахўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган эди. Табиат бисотидаги

бор гўзаллигу латофатини аямай шу қизга ҳада қилгандек гўзал шаҳло кўзлари самимий кулиб турар, кулча юзидаги табассум абадий муҳрланиб қолгандек эди.

Йўлакда кетаётган қиз, ёнгинасига келиб тўхтаган оқ жигулига қаради.

Машинанинг олдинги эшигини очиб новча бўйли орикқина кўримсиз бир чўтир йигит тушди. Бу йигит билан қиз бир-бирига қараб юришди. Иккаласининг юзидан табассум ёғиларди. — Қандай шамол учирди Қуронбой ака? — дея қиз йигит билан қўл бериб сўрашди. Ўз навбатида йигит қиз билан қўл олиб сўрашаркан: Холамини кўриб кетай деб сизларникига келган эдим, — деди.

— Холам яхши юришибдими? — дея қиз йигитдан уйдагиларнинг ҳаммасининг соғликларини бирма-бир суриштирди. Йигит қизнинг саволларига жавоб бераркан ўз навбатида: — Ўзинг яхши юрибсанми?

— деди.

— Раҳмат, — деди қиз шўх кулиб.

— Мактабни тугатдингми?

— Бугун охирги имтиҳонни топшириб келаяпман.

— Неча олдинг?

— Беш.

— Зўрсанку, — деб бир пас тараддудланиб турган йигит, бир нарса эсига тушиб қолгандек, — нега турибмиз, ўтир обориб қўямиз,

— деди. Қиз машинанинг орқа ўриндиғига, йигит бўлса ҳайдовчи ёнига ўтирди.

Машина секин жойидан силжиди. Машина озгина юргач, йўл чеккасида турган бир йигит олдида тўхтади. Йигитлар олдиндан келишиб олишган бўлсалар керак. Машина тўхташи билан чўтир йигит қизнинг ёнига—машинанинг орқа ўриндиғига, йўлда учраган йигит бўлса ҳайдовчи ёнига ўтирди. Машина жойидан охирага жилди. Қиз бемалол ўтирарди. Бугунги кун қиз ҳаётидаги қувноқ, тинч-тотув, ажойиб орзу-ҳавасга тўла ҳаётга чек қўётганлигини билмасди.

Машина шаҳардан чиқиб туман қишлоқпаридан бирига йўл олди.

Қиз бир чўчиб тушдию, қаерга кетаяпмиз, — деди.

— Ҳозир бир оғайнимизникига кириб чиқамиз, — деди чўтир йигит.

Қизнинг кўнгли ноҳуш бир нарсани сезгандек типирчилана бошлади. Шунда қиз, — тўхтатинг машинани, — деб қўлларини машина эшиги тарафига энди чўзган ҳам эдики, қизнинг нозик қўлларини йигитнинг бакуватқўллари қаттиқ сиққанича тўхтатиб қолди.

— Нима қиляпсиз Қуронбой ака? Уялмайсизми? Мен сизни холамининг ўғли деб юрсам. Сиз бўлсангиз...

Қизнинг кўзидан оқаётган нажот ёшлари-ю, тилидаги ялиниб-ялворишларини машина ичидаги йигитлар гўё эшитмас, ҳеч нарса бўлмаётгандек, қиляётган ишларидан мамнун жилмайиб ўтиришарди.

Шу тариқа холасининг қизини ўғрилаб кетган Қуронбой, шу кундан бошлаб оила деган муқаддас нарсани, қургандек эди. Ёши ўттиздан ошиб қолган бу йигит оила деган муқаддас тушунчани ўғирлик билан қуриб бўлмаслигини, яъни бахтни ўғрилаб бўлмаслигини тушунмас эди. Ёшгина чиройли қизга уйланган бу йигит бахтга тўлалигича эришгандек эди.

Бензин куйиш шахобчасида ишлайдиган отасининг ҳаром пулларига ҳамма нарсани, ҳатто бахтни ҳам сотиб оламан деган фикрда эди. Лекин бу қилмиши билан ўзининг ва бегуноҳ бир қизнинг бир умрга бахтсиз бўлиб қолишини билмасди. Чунки характерлари бир-бирига тўғри келмайдиган одамлар бир бутун бўла олармиди.

Аксинча улар оддийгина нарсани ҳам турлича, ҳар қайси ўзлгича талқин қилишарди.

Шунинг учун ҳам бу йигит билан ёшгина қизнинг ҳаёт тўғрисидаги фапсафалари турлича эди.

Бир ойдан кейингина қизининг тириклигидан хабар топган муштипар онанинг юзларида қувонч аломатлари момақалди роқ чақмоғичалик тез ярокдаган бўлса, худди шундай тез сўнди. Аксинча онанинг юзлари яна баттар тундлашиб, юзларида қайғу-аламнинг хасратлари ўзининг соясини ташлади. Мехрибон она ҳозиргина эшитган хабарига кўра бўлаётган қудаси ўзининг синглиси эканлигини билган замон, синглисининг босиб ўтган ҳаёти ва унинг турмуш

30

40

ўртоғининг ичкиликка хуруж қўйганлиги-ю, ароқни ичиб олиб оғзидан боди кириб-шоди чиқишларигача, синглисининг тортган барча азоб-уқубатлари бирма-бир кўз ўнгида гавдаланди. Бўлғуси кўёви ҳам ичкиликка яқинлигини билганлигидан, онаэнди қизининг бошига қандай мусибатлар тушганлигини, гўё тўла тушуниб етгандек эди. Бу хабарни етказган бақалоқ йигит остонада кўча эшиги олдида турганича онада бўлаётган ўзгаришларни кузатиб турар эди.

Бир неча дақиқалардан сўнг онанинг бу янгиликни эшитган пайтларидаги довдираш, саросима ўрнини энди қаттиятлилик ва дадилликаломатлари эгаллаган эди. Нима бўлса ҳам қизимни қайтариб олиб келаман деган она миясида туғён урган фикр борган сари қаттиятлиликка айланаётган эди. Она йигитга ҳеч нарса демасдан ҳовли эшигини тарсиллатиб ёпганича ичкари кириб кетди. Кўча эшигининг тарсиллаб ёпил ишидан бақалоқ йигитнинг юзига тарсаки тушгандай бўлиб бир дақиқа эшик олдида туриб қолди-да қўллари билан юзини ишкалаб машинагача юриб келди. У машинага ўтирди ва аламини машинадан олаётгандекжаҳл билан газни босди. Машина ҳам худди нола қилаётгандектездажойидан силжиди.

Она кўнглида туғёнини кимгадир тўкиб солиши учун қўшни хонадонга келин бўлиб тушган қизига кўнғироқ қилди. Жиринглаган телефон трубкасини олган қиз... — Ало... ким бу, Ойи сизмисиз? — деди.

— Ҳа болам бу менман, — деди она ҳаяжонланаётганидан калтираб.

— Ҳа ойи синглим Гавҳар топилдими, — деди ташвишли оҳангда.

— Топилди, топилди қизим.

— Худога шукурей! Қаерда экан? Қизнинг бу саволидан кейин трубканингҳар иккалатарафи бир пастжимиб қолди. Она гапирадиган гапларини чамалаб олди шекилли...

— Холангникида деди базўр.

— Қайси холам, — деди қиз, унинг ҳайратлангани товушидан сезилиб турарди.

— Менингсинглим Салима холанг.

— Ҳа, — деди қиз холасини хаёлан хотирлаб. Негаки бу опа-сингиллар орасида анчадан бери борди-келди бузилиб кетган эди. Бунга синглисининг эри сабабчи бўлиб ўзининг ҳар хил хархашалари билан хотинини опаси билан катнаштирмай қўйган эди. Қиз шуларни эсларкан, — Гавҳар у ёқпарда нима қилиб юрибди, — деди.

— Уйга тезда эринг билан етиб кел, — деди она қизининг саволини жавобсиз қолдириб.

Она дод солиб йиғлашини ҳам, йиғламасликни ҳам билмас,

42

ҳолсизланиб ўзини диванга ташлар экан, — Вой худойимей, бу не кўргилик, — деди икки қўли билан бошини чангаллаб ва шу алфозда бутун вужуди билан силкиниб-силкиниб кетди. Гўё онанинг бу ҳолатига ачингандай диван ҳам титрагандек бўлди. Хонага кириб келган қиз назарида... диванда ўтирган сўлим юзли, кўзлари ичига ботиб кетган қайғули, бир ой мобайнида қизини қайғурабериб олиб-тўзиб кетган онасининг сочлари яна ҳам оқариб кетгандай бўлди.

Киз бўлиб ўтган воқеа тафсилотини эрига тушунтирди ва, — ойим билан мен, сиз, учаламиз бориб Гавҳарни олиб келамиз, — деди.

— Нега, — деди йигит баттар ҳайратланиб.

— Ҳаммасини кейин батафсил тушунтириб бераман, ҳозир вақт йўқ, — деди қиз гапига я кун ясаб.

Ҳашаматли бино олдида тўхтаган машинадан тушган оппоқ сочли она билан кўхликкина киз нақшинкордарвозарўпарасидатўхташди. Дарвоза чеккасига ўрнатилган кўнғироқтугмачасини қиз жаҳл билан босди. Буларнинг келишини кутиб ўтиришган бўлишса керак, бир нечта хотин-халаж чувиллашиб она билан қиз қаршилигига қарашмай, «Айланайлар, бормисизлар», деб уйгаолиб кириб кетишдилар. Йигит уйга кирмаслик баҳонасида машина маторининг уер-буерини туртиб кўра бошлади.

Йигитни мезбонлар қанча қисташмасин, — ҳозир машинани тузатиб олай кейин кираман, — деб баҳона қилганича уйга крмади. Келинлик либосига бурканган Гавҳар уйга кирган онаси кучоғига ўзини отди. Она қизини бағрига босганичажим туриб қолди, ва ниҳоят, она тилга кирди.

— Бўл қизим, кетамиз, — деди амирона овозда.

— Энди қайси юз билан уйга бораман, — деди Гавҳар.

— Ҳозир мен билан кетмасанг сенингдек қизим йўқ, оқ қиламан қизим, оқ қиламан, — деди она қатъий.

— Пешонамга ёзганини кўраман энди — деди қизнинг лаблари пичирлаб, унинг сўзларини она гўё эшитмади.

Она қизини бағридан итариб ташладида шахдам қадамлар билан уйдан чиқиб кетди.

Сўзсиз катта қизи онасига эргашди.

Гавҳар эгилганича жим турар, кўзларидан оқаётган кўз ёшлари юзини ювиб кетганди. Олдигаташлаб қўйган узун икки ўрим қоп-қора сочлари ерга тегай-тегай деб турар эди. Бундан кейин кунлар кетидан ойлар ўтиб қизли бўлди. У илк фарзандидаҳаётининг орзу-умиди бўлган барча ҳис туйғулари, яъни келажакдаги бахти тимсолини кўрди. Шунинг учун ҳам илкфарзандига Бахт деб исм қўйди. Бу билан она қизига бахт тилаётган ҳам эди.

31

Орадан уч йил ўтгач ўғиллик бўлди. Ўғлим бахтли бўлиб юрсин деб яхши ният билан ўғлининг исмини Бахтиёр қўйди.

Гавҳар ҳаётида эрига бир марта ҳам гап қайтарганлигини эслай олмайди. Қайнотаси эридан беш баттар. Эрталаб чой ўрнига Қуронбой билан битга ароқни ичиб олиб ишга кетади. Гавҳар бу уйга келганига 6 йил бўлибдики, эридан ёки қайнотасидан бир оғиз ширин сўз эшитмади. Мени-ку қанча ҳақоратласа майли, дейди, лекин ота ўз пушти-камаридан бўлган болаларини ҳақоратлаганида ич-ичидан эзилади. Туғруқхонада ётганида, ҳар иккала боласида ҳам бирор марта кўргани борган эмас, яхшиям холаси бор экан, орқасидан бориб турди. Неварасининг исмини ўзи қўймасдан Гавҳарни қистовига олиб исм топтирди. Қайнотаси, — бунга исмни ким қўйди, — деб неварасини бармоғи билан кўрсатгандаэрига... — мен... мен қўйдим,

— деди холаси. Хуллас, холаси, яъни қайнонаси Қуронбой билан Гавҳар ўзларидан тиниб-тинчиб кетишлари учун елиб югурди. Бир неча марта Қуронбой Гавҳарни ўласи қилиб калтаклаганда, ўғлининг кўлидан, хушсиз Гавҳарни тортиб олганлиги учун қайнона ҳам ўз эридан калтак еди. Охири қайнонанинг бардоши тугади шекилли, келини билан ўғлини кишлоқдаги бир ташландиқ уйнинг у ёқ бу ёғини тузаттириб уларни кўчирди. Шундан кейин Гавҳар учун қиёмат қоим бўлди. Ҳеч ерда ишламайдиган эрининг ароғига пул топиб бериш, рўзғор тебратиш, болалар тарбияси Гавҳарнинг гарданига тушди. Энди Гавҳар мактабда ўқиб юрган чоғлардаги онаси ўргатган ҳунари, тикувчилик билан шуғуллана бошлади. Тиккан кўйлаклари учун иш

хақиға кимдир 10 сўм, кимдир 15 сўм, айримлар ҳатто 25 сўм бериб кетарди. Бир кунда икки-уч қўйлактикар. Эри тун ярмида келадими, тонгда келадими, Гавҳар эрини кутиб ўтирганича қўйлак тикар, Гоҳо мириқиб ухлаб ётган қизи билан ўғлига термулганича, — илоҳим бошларингизга ёмон кун тушмасин, — деганича лаблари пичирлаб болаларининг боши тепасида ўтириб қоларди.

Шундай кунларнинг бирида Қуронбой гандираклаганича маст ҳолда уйга сўкиниб кириб келди. Эрининг дераза пештахтасидан чойнакни олиб ўзига отганини эслайди-ю, кейин нима бўлганлигини билмайди. Ўзига келиб қўзини очиб қараса, қизи билан ўғли бурчакка сиқилганича бир-бирининг пинжиги кириб жимгина ўтиришарди.

Болаларнинг ранглари қўрққанидан докадай оқариб кетган, йиғлаш у ёққа турсин, ҳатто қимирлашдан ҳам қўрқардилар.

Қуронбой этигини ҳам ечмасдан тўшакда узалатушиб ётибди.

Гавҳар болаларига интилган қуйи турмоқчи бўлди-ю, боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлиб жойига ётиб қолди. Шунда секингина

44

болаларини ёнига чақирди. Болалар қўрққанидан қимирлашмади. Кейин Гавҳар бор кучини йиғиб эмаклаганича болалари ёнига бориб уларни бағрига босди. Бир неча дақиқалардан кейин Бахт:

— Ойи, адам энди сизни урмайдими? — деди.

— Йўқ қизим йўқ, — деди Гавҳар болаларини худди биров тортиб олаётгандек қаттиқ бағрига босиб.

— Адам сизни роса тепди. Нега сиз индамай ётавердингиз, — деди Бахтиёр.

Гавҳар ўғлининг саволига жавоб бермади. Аксинча болаларининг гапидан ва уларнинг ҳолатидан ич-ичидан эзилиб йиғлар эди. У йиғлаганда ҳам қўни йиғларди. Келинчак болаларини баттар эзмаслик учун уларни бир қўли билан бағрига босганича, иккинчи қўли билан юзидаги кўз ёшларини артди. Кўз ёшлари худди булоқдан отилиб чиққан каби тинмас эди.

Қиш. Ерда тиза бўйли келадиган қўр. Ташқарида аччиқ совуқдан қутирган шамол ув тортарди. Деразадан кўчага қараб эрини кутиб ўтирган Гавҳар кўчада қадам товушини эшитди. У чопганича эрига пешвоз чиқди. Эри уни энди урмоқчи бўлиб қўл қўтарган ҳам эдики, калтақдан ўлардай қўрқиб қолган келинчак ўзини қоронғулик қўйнига уриб қрчди. Қишнинг аёзли кунларида келинчак болаларини безовта қилмаслик учун яна бир неча марта кўчага, эрининг калтагидан қрчишгати ўри келди. Бундай воқеалардан кейин эри ҳеч нарса юз бермагандай қовоғини осилтирганича ўмрайиб бир неча кун уйдан чиқмай юрар ва бир неча кундан кейин эса шу одати такрорланишини келинчак яхши биларди. Қўни-қўшнилари олдинига келинчакнинг бирор ери кўкарагудек бўлса, — нима қилди, — деб сўрашар, у бўлса, — «йиқилиб» тушдим, — деб жавоб қайтарар эди.

Бир-икки марта маҳалла-қўй аралашиб Қуронбойга насиҳат қилди. Қуронбой бўлса — аввал ўз уйларида тартиб ўрнатинглар. Мен нима қилибман, урсам ўз хотинимни урдим, сизларга нима. Мен сизлардек хотинимнинг соясига салом бериб яшай олмайман, — деди. Маҳалла оқсоқллари Қуронбойга, — худонинг ўзи инсоф берсин сенга, — деб чиқиб кетишди. Бугун ўғли билан ароқ ичиб ўтирган ота Қуронбойни хотинига қарши қайради: — Йўқот бу чўчқангни. Мен сенга онаси ўпмаган қиз олиб бераман, — деди. Қайнотанинг келинига бўлган бу адовати қудалари билан мана шу ўн йил ичида борди-келди қилиш учун бир неча марта одам қўйганлиги-ю, бунга жавобан келин томон, яъни божасининг рад жавоби эди. Аслида, асосий сабаб қудаси билан бошқа-бошқа олам одамлари бўлганлигида эди. Шу сабабли қудга бўлган божаси билан олдиндан ҳам бир-бири

билан келиша олмас. У ҳозир ҳам чин дилдан қудаси билан катнашиш ниятида эмас, аксинча, шу йўл билан ўзини одамлар олдида оппоқ қилиб кўрсатишини истар эди. — Мендай бадавлат одам билан қуда бўлишга ноз қилишига бал о борми? — деди, — ижирғаниб кайфи ошиб қолган ота бол ас и га карата. Ота-бола алламаҳалгача қадахлар жаранги остида гаплашиб ўтирдилар. Кайфи ошган ота ўғли билан соат мили тунги учларга оғанда ёнбошлаб, ёстикка суяниб ётганича хайрлашди.

Ўғлининг уйдан чиқиб кетаётганида қўшни хона деворига осиглиқ турган милтиқни олиб чиқиб кетганлигини ҳам сезмади. Куронбой гандираклаб уйига яқинлашар экан милтиқни қўлига олиб ўқлоғлигини гекшириб кўргач, милтиқ чакмоғини тортиб қўйди. Эшикдан эрини кутиб олиш учун отилиб чиққан хотинига қарата ўқ узди. Келинчак оҳиста ўтирди ва ёнбошлаб йиқилди. Милтиқ овозини эшитган қўни-қўшнилар югуриб кўчага чиқишди. Бу пайт Куронбой милтиқни елкасига илганича қоронгулик қўйнига сингиб кетган эди. Қўни-қўшнилар келинчакни тезда касалхонага элтишди. Келинчакнинг жароҳати кўркинчли бўлмай ўқфакат елкасига теккан-у, ўқ теккан пайтида у кўрқканидан хушидан кетган эди. Икки ҳафтаелиб югурган Куронбойнинготаси ўғлининг камалмай қолиши учун анча-мунча пул сарф қилди. У тиббиёт ходимлари ичидан ҳам ўз йўлига юрадиганларидан топиб келинини бир ҳафтада касалхонадан чиқаришга муваффақ бўлди.

Уч-тўртга қўни-қўшни йиғилиб маслаҳатлашгач маҳалла қўмитаси раиси билал маҳалла оксоқолларидан бўлган Олим домладан келинчакни ота-онасигатопшириб келишни талаб қилишди. Бўлмаса келинчак уволига қрламиз деган қарорга келдилар. Бошка иложи йўқлигини билганлиги учун уларҳам рози бўлишди.

Гавҳар иккита боласи билан Олим домла ва маҳалла комитета раиси ҳамроҳлигида туғилган уйига кириб келганида баҳор ойларидан бири эди. Ҳовли олдидаги ўриклар оппоқ қийғос гуллаган, ернинг намиққан ҳиди анкиб турар, қуёшнинг иссиқҳароратидан исиниб илиқ шабада Гавҳарнинг юзи арапаш сочларини силаб ўтар ва унинг сочларидан майин тортқилаб келинчакка ёшлигини эслатмоқчидай бўларди. Нуруний Олим домла Гавҳарни нимаучун олиб келганлигини ва унинг ҳаётида тортган азоб-укубатларини ётиғи билан келинчакнинг ота-онасигатушунтирди. Бизгатаниш оппоқ сочли онани вақт яна озгина эгилтиргандай эди, лекин она қаддини тиктутишгаҳаракат қилиб очикчеҳра билан ор-номус учун, оила учун, болаларим учун деб шунча қийинчиликка чидаган қизини қучоғига олиб эркалади.

46

Қизнинготаси Иккинчи жаҳон уришининг барча азоб-укубатларини тортган, ҳаёт деган йўлнинг паст-бадандини кўрган ажойиб инсон эди. Бу оппоқ соқолли нуруний ота, она-бола ҳолатига қараб турдида, беихтиёр қизининг ёшлиги кўз ўнгида гавдаланди. Олдинги шўх-ўйноқи кизидан энди асар ҳам қолмаган, аксинча босиқ, синиқ юзи ҳорғин, сочиға оқ ҳам оралаган, бу қизнинг кўзларига кўзи тушган ота, унинг кўзларидаги меҳр-муҳаббат, самимият учқунлари олдинги шўх ўйноқи қизиде ўзгармай қолган ёлғиз хислат эканлигини сизди. Нуруний отаҳам невараларини бағрига босиб эркалаганича уларнинг бошларини силади.

Болалар бундай эркалатиш, ширин сўз эшитмаганлигидан ҳайратланиб отага қараб туришарди. Она табиат ҳам худди оиладаги бу илиқдикдан илигандек бўлди. Шабада яна Гавҳарнинг юзи аралаш сочларини силаб ўтди ва унга ёшлигини эслатгандай майин сочларини тортқилади. Энди Гавҳар ширин ёшлигини эслагандай бўлди. Бугун кабоҳатга ўралган жирканч ҳаётдан ажралиб ота-онам қўйнига, туғилган уйимга кириб келган кунга 20 йил тўлди, деди Гавҳар келинига термилганича.

Ҳақиқатдан ҳам мана шу 20 йил Гавҳарни зимдан ўзгартириб юборди. У педагогика олийгоҳини сиртдан тугатди. Олдинига ўқитувчилик қилди. Кейин мактабжамоаси уни ўзларига раҳбарликка сайлашди. Ўғли Бахтиёр билан келини врач, қизи Бахт бўлса

ҳамкасабаси, иккита боланинг онаси. Болалари ҳаётдан мамнун. Ўғли Бахтиёр фарзанд кутаяпти...

Кайнона келинига кечмишини ҳикоя қилди. — Ойижон, мени кечирингсизга шундай оғир ўтмишингизни эслашга мажбур қилганим учун. Калб ярангизни яна жароҳатлаганим учун мени кечирингойи, — деб келини бошини қайнонасининг кўксига қўйди. Гавҳар келинининг бошини қўллари орасига олиб кўзларига тик боққанича самимий меҳр билан — сенгаҳаяжонланиш мумкин эмас, ҳомилангга таъсир қилади, — деди.

— Ойи, сиз ҳам йиғламанг, — деди келини ва қўллари билан ойсининг кўзларидаги ёшларни артар экан, сўзини давом эттирди.

— Мени иложи бўлса кечиринг!

— Сенда ҳеч қандай айб йўқ қизим, бир кунмас-бир кун бу воқеани сенга сўзлаб беришим керак эди. Менинг кўзларимдан оқаётган кўз ёшлари кайғу-алам ёшлари эмас, аксинча қувонч ёшлари. Мен мана шу сўнгги 20 йил ичида инсон қадрини англаб етдим. Бугун уни тўлалигича кўриб турибман.

Энди дадил ва катият билан олдинга боқаётган бу она юзидаги

34

бир онлик хазинлик урнини табассум ва жилмайиш эгаллаган эди. Баҳорнинг илк шабадаси бўлса Гавҳарнинг оқоралаган сочларидан ўйинқароқлик билан тортқилаб ўйнардди.

Тадбиркор табиб

Зах таъсиридан деворлари нурай бошлаган кўримсизгина эски ҳовли. Уй олдидаги гужум дарахти соясига қўйилган сўрида ёши қирқлардан ошиб қолган ушоққина йигит ёстикқа ёнбошлаганича суяниб ётибди.

У пиёладаги совуқчойни бир кўтаришда симириб ичди-да ажин босган юзидаги терни сочиққа артиб диккайиб турган мўйловини секин силаркан хаёл ботқирғига шўнғиди.

— Ҳа, бу нима ётиш яна ўша эски ҳаммом, эски тосми? — дея жаврай бошлади ҳовли ичидан чиққан новча бўйли кўримсизгина бир аёл қўлидаги бўш қопни силкитганича.

— Мана ун ҳам тугади. Эртага болаларингиз нон деса қаердан топиб бераман.

Сиз бўлсангиз хаёл суришдан бошқасига ярамайсиз.

— Кўп жаврайверма.

Бор Тошбой шеримнинг дўконидан қарзга олиб келавер. Кейин мен ўзим ҳисоб-китоб қиламан.

— Анаву куни болаларингизга кейим-кечак олиб бердим. Ҳали унинг пулини ҳам бермадингиз. Шунда Шерим «Холимматга айт, ўтган ойда олган етти шиша ароғининг ҳам пулини бермади. Бу нарсаларни болаларингизга қилганимдан бераяпман. Энди бошқа қарзга нарсаси бермайман», деди.

— Кўявер у нонкўрга ҳали кўрсатиб қўяман. Неча марта балиқ овига чиққан бўлсам, шунча марта болалари билан мазза қилиб ейдиган балиғини текинга берганман.

У бундан кейин «свежий» балиқни тушида кўради.

— Олди-қочди гапларингизни қўйинг, унинг ўрнига эртага болаларингизга нон топиб беришнинг ҳаракатини қилинг.

— Синфдошинг Шириннинг дўконидан қарзга олиб тур.

— Ўтган сафарги қарзини минг марта қатнашиб бердингиз. Энди у ҳам тавбасига таянган. Сизга қарзга нарсаси берадиган одам қолмади қишлоғимизда.

— Синфдошинг-ку тушунтириб айтсанг беради. Холимматнинг хотини энди ўзини тутиб туролмай йиғлаганича

оғзига келганини айтиб шанғиллай бошлади.

34

— Бўлар-бўлмасга йиғлайвермасдан Жумамуродни чақир, балиқ овига борамиз.

Хотини лом-мим демасдан кўз ёшларини қўллари билан артганича қўшни ҳовли томонга қараб юра бошлади.

Хотинининг кетидан Нодира... Нодира, — дея кичкирди у. Нодира кетаётган йўлидан тўхтади-да, яна нима демоқчисиз, дегандай жим турарэди.

— Жумамуродга тўрини олиб келишини айтиш эсингдан чиқмасин, хўпми?

Нодира эрининг гапини жавобсиз қолдирганича кета бошлади.

Холиммат хотинининг бу одатига кўникиб кетганидан бўлса керак, хотиржам чойнакдаги совуқчойдан пиёлага қуйиб ичаркан: «Бухам тепса-тебранмас тўнка. Ҳа деганда кўнавермайди. Лекин нима қилиб бўлса-да бугун Жумамуродга бу ишини амалга ошириш учун ёрдам беришга кўндиришим керак — деб ўйлади.

Холиммат Жумамурод билан балиқ овига борди. Каналнинг уч метрларча тепаликдан пастга оқиб тушадиган жойига тўрни ташлашди. Қирғоқнинг ҳар иккала юзига қоқилган темир қозикқа, ҳар сафаргидек тўрнинг ҳар иккалатомонини маҳкам боғлаб қўйдилар.

— Ана энди иш битди. Гужум соясида ўтириб дам олсак ҳам бўлади — деди Холиммат. У Жумамуроднинг «Запорожец» енгил машинаси юкхонасидан ўзи қўйган сумкани олди.

— Мен гужум соясини жуда яхши кўраман. Афсуски бу дарахт ҳозир жуда камайиб қолган — дея Холиммат гужум соясига чордона қуриб ўтирганича сумкадан рўзнома олиб ерга тўшади. Кейин рўзнома устига нон, помидор, бир шиша арокни олиб қўйди. Жумамурод ароқ шишани қўлига олиб: — Ў зўридан-ку, «Александра» — дея шишадаги ёзувни ўқиди.

— Ҳа, зўридан. Агар менинг айтганимга кўнсанг ҳамиша мана шундай зўридан ичасан.

— Бунинг учун нима қилишимиз керак? — Жумамуроднинг оғзинингтаноби қрчди.

Холиммат шошмасдан шишани очиб арокдан пиёлага қўйди.

— Олдин мана бунинг олиб юбор, кейин нима қилиш кераклигини тушунтириб бераман. Режасини амалга ошириш учун Жумамуродни ўзига ёрдам беришга кўндиришга-кўндирди-ю, аммо ундан пул ундириш жуда қийин кечди.

— Сенинг уйингда турган пулинг болаламайди-ку. Юз минг харажат қилсангэллик мингини мен тўлайман. Айтганимни қилсанг бойиб кетам из.

49

— Режамиз амалга ошмаса-чи?

— Менинг айтганларимни тўлиқбажарсанг амалга ошади. Шиша кайф Жумамурод бошини ер га эгганича бир нарсаларнинг

ҳисоб-китобини қиларди. Юз мингхаражат қилишгауни кўндиргунча

Холимматнингжони ҳалқумига келди. Лекин у барибир Жумамуродни кўндирди.

Хурсандчилигини шеригига сездирмаган Холиммат: "Жон куйдирмасанг жанона қайда, тоққа чиқмасанг дўлана қайда", — деб кўнглидан ўтказди.

Келишим бўйича Холиммат уч-тўрт кун туз тотмай каттиқ касалланиб ётди.

Жумамурод шундай кунларнинг бирида ҳол-аҳвол сўрагани уникига чиқди. Шунда Холиммат энди нима қилиш кераклигини унга тушунтирди. Кейин бу сирни ҳеч кимга, ҳатто хотинига ҳам айтмасликни Жумамуродга қайта-қайта ўқтирди.

Нодира хонага киргач уларнинг суҳбати бўлинди:

— Холиммат акамга нима бўлди. Мен билан ҳам гаплашгиси келмаяпти.

Касали оғирроқми дейман, — деди Жумамурод Нодирага карата, «Касали оғирроқми» сўзига алоҳида ургу бериб:

Бу сўзни эшитганида, Нодиранинг юрагида бир нарса чирт этиб узулгандай бўлиб ачишди.

— Акангизнинг тушига оппоқсоқолли нуроний бир чол кириб, «агар табибликни бўйнингга олмасанг сенингжонингни оламиз» дебди.

Шундан бери акангизнинг овқат ейишининг ҳам мазаси йўқ. Кечалари алаҳсиб кимларнидир даволаб чиқади. Арвоҳлар билан гаплашадимией... Шу пайт Холиммат — Ҳа, ўрнингдан туролмаяпсанми? — Қора кўй керак. Олиб келдингми? Ҳозир сўяман. Қон билан қрқаман. Анаэнди бўлди. Яхши бўлдингми? Айтгандим-ку сенга тузалиб кетасан деб — деганича чуқур нафас олиб ингради.

— Қўрқиб кетаяпман Жумамурад ука, акангдан айрилиб қолмасак гўрга эди, — дея Нодира кўзига ёш олиб йиғлади.

* * *

— Ўзингизни босинг Нодира опа. Худо хоҳдаса тузалиб қолади.

— Айтганинг келсин ука, — деди юм-юм йиғлаётган Нодира. Унинг мажолсиз айтилган бу сўзини хонадагилар эшитмади.

— Табибликни бўйнига олсалар тузалиб қолардими — чайналди Жумамурад.

— Менҳам шуни айтаман-да. Оппоқсоқолли нуроний отабехуда тушингизга кирмаган десам акангиз кўнмаяптилар.

50

Сиз бир уруниб кўринг зора кўнсалар, — деди Нодира касалликнинг давоси топилгандай жонланиб, унинг илтижо тўла нигоҳига дош беролмай Жумамурад ерга қаради.

Бу воқеадан сўнг орадан кўп ўтмай Жумамурад бозордан салла чопон, махси-калиш ва тасбех сотиб олди. Шу куни у ёш бир суратчи йигитни эргаштириб Холимматникига кириб келди.

Холиммат атай ўстириб қўйган соқолини тартибга келтиргач унинг иягида кичгина эчки соқол пайдо бўлди.

Бошига салла ўраб, чопон махси-калиш кийган Холиммат бир қўлида тасбех, яна бир қўлида ҳасса ушлаб суратга тушди. Бир даста суратларни олган Жумамурад Тошкентнинготчопар бозорига йўлга отланди. Холиммат йўл олдидан унга «ўзингга уч-тўрт мардикор одам ёлла», ичида бир-иккита аёл бўлсин, пулни аяма, деб каттиқ тайинлади.

Жумамурад отчопар бозоридан одам ёллади.

Ёлланган одамлар пул эвазига автобусларга чиқиб шулардан бири «менинг тутқоноқ касалим бор эди, Холиммат табиб тузатди», деса, яна бири: «Менинг бошим оғриб бормаган жойим қолмади, Холиммат табибга боргач, касалимдан қутилдим» дер.

Аёллар: «Бе фарзандликдан оилам бузилиб кетаётганди, Холиммат табиб даволагач фарзандлик бўлди. Ҳозир бахтли ҳаёт кечиряпман», — деб Холиммат табиб тушган расмлардан тарқатишар, расм орқасида эса табибнинг манзили ёзилган эди. Яна улар табибнинг кўпгина бошқа касалликларни ҳам даволаганликларини айтишарди. Кўп ўтмай, Холиммат табибнинг уйига шифо излаганлар оқиб кела бошлади.

Бу табиб шунчалар аниқташхис қўярдики, ҳаттоҳаётдан умидини узган касал қалбидаҳам соғайиш умидини уйғотар эди.

Кўп ўтмай табибининг эски нураган ҳовлиси олдида икки қаватли уй худди ер қаридан ўсиб чиқаётгандай кўкка қараб соат сайин ўсиб, ҳашаматли ҳовлига айланди.

Ҳовли олдида қрп-қора «Нексия» келиб тўхтади. Қора кўзойнакли гавдали ҳайдовчи йигит гавдасига мое бўлмаган чаққонлик билан машинадан тушиб машинанинг орқа эшигини очди. Иккита қиз ўрта ёшли аёлни қўлтиқдаб машинадан тушишди.

Қизлардан бири навбат кути б турганларга қарата:

— Азизлар! Онамизнинг аҳволлари оғир, навбат кутиб турсалар аҳволлари оғирлашиб қолишларидан қўрқаяпмиз. Жон азизлар, сизлардан илтимос, онамизнинг навбатсиз кириб чиқишларига рухсат берсангизлар, — деди.

Навбати етиб келган кўҳликкина келинчак ноилож:

36

— Майли кира қолинглар, — деди.

Онасини қўлтиқлаб олган иккала киз табибнинг хонасига киришди.

Саранжом хона. Хона тўрида уч кават кўрпача устида бошига салла ураган, эгнига зарбоп тўн, оёғига махси кийган табиб савлат тўкиб тасбеҳдоналарини айлантириб, бир нарсаларни ўқиб ўтирибди.

* * *

Жумамуруднинг икки ўғли ҳамда табибнинг бир қизи-ю, катта ўғли ҳеч кимга чурқ этмаслик шарти билан ишга жалб қилинди.

Бу уч боланинг иши навбат кутиб туришган касалларнинг гап-сўзларига қулоқ тутиб, уларнинг касаллигини аниқлашдан иборат эди.

Ҳар бир касални қабул қилиб бўлгач, табиб беш-олти дақиқа арвоҳлар билан сўзлашарди. У арвоҳлар билан сўзлашиб бўлгач, ўзига ёрдамчи қилиб олган қизи навбатдаги касални чақирар эди. Ана шундан кейингина навбатда турган касал табиб олдига кириши керак эди. Акс ҳолдатабиб билан сўзлашаётган арвоҳларни кимда-ким безовта қилса арвоҳлар хафа бўлиб кетиб қолармиш, ёки безовта қилган одамни тузалмас касалга йўликтирармиш, деган миш-мишлар одамлар орасида тарқалди. Аслида эса навбат кутиб турган касалнинг касалини аниқлашга уч бола навбатма-навбатҳовлинингоркатомонидаги эшиғидан табиб олдига кириб келган касалларнинг касаллигидан хабар беришарди.

Холиммат билан Жумамуруд болаларга: "Агар навбатда турганлар кўпчилик бўлса, ҳар биринг бешта одамнинг касаллигини аниқлаб оласизлар. Навбатда турганлар оз бўлишса иккитадан касалнинг касаллигини аниқлаб орка эшикдан кириб менга айтасизлар. Ўзларингизни сизлардан ҳеч бир одам шуҳба қилмайдиган шунчаки ўйнаб юрган болалардай кўрсатинг", — деб тайинлади.

Болалар кўп ўтмай ўз ишларининг моҳир устасига айланишди. Жумамуруд бўлса касалларни квартирага қўйишини ва яна бозордан олтмиш—етмиш қўй ва юз—юз эллик товук сотиб олишни ўз зиммасига олди.

Жумамуруд тўртта қўй, ўнта товукнинг ташқи кўринишга қараб оқ ёки қора қўй, ё бўлмаса қоп-қора жунли пешонасида оқи бор кўчқор, қизил хўроз, оқ патли товук деб ёзилган рўйхатни кечки пайт Холимматга беради. Холиммат бу рўйхатдаги жониворлару парандаларни касалларга туш пайтигача буюриб, тугатиши керак.

52

Кейин у тушлик қиладиган вақтда яна шунча қўй-у кўчқор ва парранданинг ташқи кўриниши таърифланган қоғозни Жумамуруддан олади. У бўлса шунча жонвор-у паррандаларни касалларнинг моддий таъминланишига асосланиб кимга оқ кўчқор, яна кимга қора қўй, бир қанчасига оқёки қорра товук, кимгадир қизил хўроз қурбонлик келтиришини буюради. Табиб ҳар бир касалга қурбонликка олмокчи бўлган жониворларни совдалашмасдан эгаси қанча сўраса, шунча пулга олишни қайта-қайта тайинлайди. «Акс ҳолда эгаси билан тортишсангиз сизнинг берган пулингизга, эгасининг кўнгли озгина бўлса-да норози бўлса, у жонвор қурбонликка ўтмайди. Бу қурбонликдан сизга ҳеч қандай фойда тегмайди» дейди.

Ижара пули ва жонивору паррандалардан тушган даромад Жумамурудга тегадиган бўлди.

Ҳар хил хушбўй ўсимликлардан туйиб тайёрланган дорилардан ва табибликдан тушган пуллар Холимматнингризқига айланди.

* * *

Хонага кирганлар табибга:

— Ассалому-алайкум домла дейишди. Табиб улар-саломини хушламайгина бошини қимирлатиб алик олган бўлди. Кейин уларга ўтиришгажой кўрсатди.

Қизлардан бири сумкасидан бир даста пул олиб табибнинг олдига қўйди. Унинг ёрдамчиси бўлмиш қиз бу пулларни олиб кўрпача остига қўйди.

Табиб аёлни қўлидан ушлаб томир уришини текшираркан, бир паст кўзларини юмганича касаллик турини аниқдаётгандай туриб қолди.

Боланинг унга берган хабари бўйича бу касал фарзанд тирноғига зор аёл эди.

Ниҳоят тилга кирган табиб:

— Ў... Фарзанд тирноғига зор бўлиб адойи тамом бўлибсиз-ку, — деди ўтажиддий қиёфада.

— Нималар деяпсиз домла менинг иккита ўғлим иккита қизим бор, — деди касал аёл.

Табиб нима дейишини бил май бир пас довдираб қолди.

* * *

Ҳаммажойи қоп-қорра юнгли қўй сўраб Жумамуродникига харидор келиб қолди.

Жумамурод «иккита қоп-қора қўй бор дегандим-ку, нега бу чала табиб учинчи марта қоп-қора қўй сўратиб одам жўнатди

38

ёки «килент» адашдимикин деган хаёлда — сизга табиб бир қулоғи қоп-қорра ўзи оппоқ юнгли қўй буюрмадими мабода, — дея қайта-қайта сўради. Йўқ дея харидор унинг ҳовлисидан чиқиб кетди. Жумамурод бу чала табиб атай шундай қилган деган хаёлда табибни ичида бўралатиб сўқди. Шунда ҳам унинг кўнгли тинчимагач, кички на ўғлини ёнига чақириб, "Ҳозироқ Холимматникига бориб орка эшикдан кирасан, унинг олдига бегона одам бўлмаса, мен айтган шу гапларни унга айт. Агар олдига бегона одам бўлса у одам чиқиб кетгач, Холимматга айтасан хўпми", — деди. Бола хул деганича Холимматларникига чопиб чиқиб кетди.

* * *

Ташхис қўйишда адашган табиб довдираб турган бир пайтида орка эшикдан келган бола адасининг «Холиммат олдига бегона одам бўлмаса айт» деганини унутиб жаврай бошлади.

— Сизга адам иккита қора қўй бор уйда деса, сиз учта қора қўйга килент жўнатибсиз. Килент бошқа қўйни олмай кетиб қолди. Энди адамнинг кўрган йигирма беш минг зарарини сиз тўлар экансиз, — дея жаврай кетди.

— Овозингни ўчир. Нималар деяпсан аҳмоқбола.

— Мен аҳмоқ эмасман сиз аҳмоқ экансиз, адам айтдилар. Сизга иккита қорра қўй деса, сиз учта қора қўйга килент жўнатибсиз.

Бола яна алланималар деб жавради. Жаҳди чиққан табибнинг қулоғига унинг бошқа сўзлари эшитилмади. У ўтирган ўрнидан чаққонлик билан сакраб турганича бориб болани бир шапалоқурди.

Бола чинқириб йиғлади. Ҳовлини одамларнинг ғала-говури тутиб кетди.

Кимдир сохта табиб, муттаҳам, фирибгар деб бақирса, кимлардир бошини қуйи эгганича бир оғиз сўз айтмасдан бу ҳовлини тарк этишди.

Шу-шу бу табибни излаб келадиганлар ҳам камайиб, охир-оқибат ҳеч ким келмай қўйди.

Бошига салла ураган, зарбоп тун, махси кийган бу табиб икки қаватли ҳашаматли уй олдигаги гужум соясига қўйилган сўрида ўтирганича аҳмоқ Жумамурод арзимаган пулни деб, оқиб турган дарёдан айирдинг. Энди ундай ҳаётни фақат тушларингиздагина кўрасиз, деганича тасбеҳ доналарини қуллари билан шарқлатиб айлантирар, аввал ўнг, кейин сўл тарафга караб, суф-суф деб кўярди. Табиб руҳий тушқунликка тушганиданми ёки руҳий касалликка чалинганиданми, унинг бу одати кундалик машғулотига айланган эди.

Умр мазмуни

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бири. Ястаниб ётган далалар бепоён чўлга уланиб кетган. Чўл билан далани ёлғиз оёқ йўл ажратиб турибди. Йўл чеккасидаги ўртаҳол ҳовли мунғайиб кўринади. Шу ҳовлининг айвонидаги караватда ётган Ўлмас момо дераза оша далаларга-ю бепоён чўлгатурмуларкан: "Будалалар менинг озмунча умримни ўғирлаганми?" дея хаёлидан ўтказди.

Бу қора мағиз ушоққина момонинг ажин босган юзлари-ю кўзларидаҳаёттўғрисидаги фалсафий мушоҳадалар кўланкаси якқол сезилиб турибди. Момо кўзларини очиб дераза оша ташқарига тикилганича анча ётди. Кейин яна кўзларини юмди. Ҳаёт! Шу бир сўзнинг ўзи нақадар кенг. Унингҳуқумдори бўлмиш вақт бўлса тутқич бермас алдамчи бир мезон. Ҳаёлга берилган кампирнинг кўз ўнгида жажжи ширин қизалоқ намоён бўлди. Бу тасвир узик-юлик кино тасмаларидек давом эта бошлади. Қизалоқ каттайиб мактабга борди, кейинчалик удалада ишлади. Қизалоқнинг бўйи етибтурмушга чикди, лекин у я на ўша бепоён далада ишлашда давом этди. Фарзандли бўлди. Яна ўша-ўша бепоён дала. Энди унинг бир-биридан ширин фарзандлари, кўпайди. Кейин унинг турмуш ўртоғи оламдан ўтди. Шундай қилиб жажжи қизалоқ бир зумда улғайиб мункиллаган кампирга айланиб қолди.

— Ойи, ойижон, — дея хонага кириб келган барваста йигит унинг хаёлини пардай тўзитди.

Улмасхон момо мадорсиз кўзини очиб ўғли билан сўрашиш учун ўрнидан турмоқчи бўлди, кучи етмади.

Бошини кимирлатиб бир нима деди, унинг сўзини ўғли эшитмади.

— Турманг, ётаверинг, — дея йигит онасининг юзидан ўпди. — Тузалиб қолдингизми, ойи, — деб чўккалаб полга ўтирди.

Улмас момо бир нарса деб шивирлади.

Келган йигит эгилиб кулоғини унга тутди.

— Яхши юрибсанми, Абубакир ўғлим, — деди ҳансираб Ўлмас момо.

— Худога шукр, невараларингизнинг ташвишидан ортмай юрибман.

Невараларим омон бўлишсин, мени бу касал олмагунча қўймайдиганга ўхшайди.

— Нималар деяпсиз ойи, ҳали қиладиган ишларингиз кўп. Невараларингизни ўқитиб жой-жойига жойлашимиз керак.

39

54

— Сен катта ўғлим бўлганлигинг сабабли ҳаёт ташвишларини мен билан тенг тортиб келаяпсан. Сизларнинг на еб-ичишларингизда, на ётиб-туришларингизда халоватларингиз бор. Мен сизларни ҳам эзиб юбордим. Тезроқхудо менингжонимни ола қолса эди.

Тик оёқда турган келинчак кўзига ёш олиб:

— Бугун тўртинчи куни бир култим сув ҳам ичмадилар, ҳамма билан ризолашдилар.

— Ўғлим укаларингнинг, хаммасини ташқарига чиқариб юбор, сенга айтадиган гапларим бор.

Абубакир атрофини ўраб турган ука-сингилларига: —Бизни ёлғиз қрлдиришлар, деб уларнингхонадан чиқиб кетишларини илтимос кидди.

Кўп ўтмай она ва катта ўғилдан бошқа ҳамма хонани тарк этди. Далаларга узоктермулиб етган Ўлмас момо ниҳоят сўз бошлади:

— Аданг борида адангга сиғиндим. Худо уни мендан тортиб олгач сизларга бутун борлигим билан боғланиб қрлдим ўғлим. Хурсанд бўлган кунларимда мен билан бирга шодландишлар, қайғули кунларимда қўлтиғимга кириб суянчикбўлдишлар. Раҳмат сенларга. Ҳаёт деганлари алдамчи экан. Кечагинажажи ўйноқи қиз эдим. Бугун эса 78 ёшли кампир билан ўша жажи қизалоқ ўртасида бир дақиқалик ҳам масофа йўқдек. Умр оқар сув экан, бир пасда ўтди-кетди. Шу қисқа вақт ичида бировнинг кўнглини

олдим, билиб-билмай, бировнинг кўнглига тегдим, хатоларимни худонинг ўзи кечирсин. Неки қилсам, сизлар учун килдим болам. Сен ҳам энди мендан, рози бул. — Нималар деяпсиз ойи, — дея ўғил сўз бошлаётган эди, Ўлмас момо унинг сўзини бўлиб: — Рози-ризоликда гап кўп болам деди.

— Мен розиман, ойи, дея кўзига ёш олган Абубакирнинг бутун вужудини титроқ босди.

— Мен ҳам розиман. Энди сендан илтимос, укаларингга кўз-кулоқбўлибтур. Айниқса, кичкинасинглингнингхаётидан кўнглим тўлгани йўқ. Шу синглингнинг хаёти изга тушиб кетса эди, кейин беармон кетардим. Буни менгахудохуш кўрмаганга ўхшайди. Қизимни худога, қолаверса, сенга топширдим. Энди укаларингни, невараларимни чақир.

Бир пасда болалари ва неваралари она атрофини ўраб олишди.

Ўлмас момо дераза оша далаларга узок, тикилди, кейин невараларига термула-термула, мажолсиз кўзларини юмиб чуқур нафас олди-ю, бандаликни бажо келтирди.

Ҳовлини фарзандларнингдод-фарёди тутиб кетди...

56

Лола ҳиди

Ойтепа... Ойдай баланд тепа...

Менинг қишлоғимда баҳор шу ердан бошланади. Майса биринчи бўлиб шу ерда ниш уради. Ундаги бир жуфт терак қишлоқдаги дарахтлар ичида биринчи бўлиб куртак отади...

Ойтепа...

Болаликдан яхши кўрардим бу ерни. Ҳозир унга пастдан завқ билан қарарканман, кўксим худци болалик пайтларимдагидек қувончга тўлиб кетди. Қуёш тепадан ҳаётбахш нурларини сахийлик билан ёғдирар экан, янги чиққан ям-яшил майсалар шабадада майин тебранарди.

Шу пайт кўзим майсалар орасидаги оҳиста чайқалиб турган бир туп лолага тушиб қолди.

— Баҳорнинг биринчи гули! — шодликдан юрагим ҳапқириб тепаликка кўтарила бошладим. — Биринчи гул! Қишлоғимда баҳор келиши билан очилган биринчи гул! Етиб келиб лола тепасида турар, ҳансираб нафас олардим.

Лолани узмоқчи бўлиб эгилдим-у, қўлим унинг поясига тегар-тегмас тўхтаб қолдим: лола шабадада майин силкиниб турарди...

Инсон юрагида, юрагинингтуб-тубида хотиралар парку булутларга бурканиб ётади.

Хотиралар — оппоқ канотли қушчалар.

Хотиралар майин вадағал патл и, маъюс ва шўхчан кўзли, оппоқ қанотли оппоқ қушчалар...

Хотиралар, бу оппоқ қушчалар мунис бир қуш уйқуси билан мудраб ётадилар.

Енгилгина шабада канотларига сангина те гиб кетсаям, шу заҳотиёқ уйғониб кетадилар-да, кўкрак қафасидаги бошқа бир қушчани безовта қилганича сайрай бошлайдилар: гоҳ қувонч билан сайрайдилар, гоҳ мунгли нолиш қиладилар.

Хотиралар — гоҳ маҳзун, гоҳ шодон овозда сайрайдиган оппоқ канотли оппоқ қушчалар...

Мен, пойтахт университетининг 1-курс талабаси, ҳали ўзим ўрганиб улгурмаган гавжум ва шовқинли шаҳарни ортда қолдириб уйга қайтардим. Қишлоғимни, кадрдон далани шундай соғингандимки, бир жойга ўтира олмасдим...

«Тошкент — Нукус» поезди ҳам худди мени тушунгандек ҳансираганича, бор кучини сарфлаб, елиб борарди.

Биз шаҳардан каттатезлик билан узокдашиб, ундан «крчар», йўл

40

четидаги дарахтлар, бир-бири билан қўл ушлашиб орқама-кетин тизилиб олган симёючлар, пастак-пастактомли кўримсиз уйлардан иборат қишлоқчалар ва бепоён дала эса худди шундай тезлик билан шаҳарга қараб чопиб қолишарди... Бақувват ғилдираклар темир из бўлаклари бир-бирига уланган жойдан ўтаётганда «тарака-турук» овоз чиқарар ва бу овоз темир йўл ёқасидаги симёғоч ва дарахт таналарига урилиб, уларни, айланиб ўтарди-да, ўт ва майсаларни чайқатганча, поёнсиз далага сингиб кетарди...

Баҳор қуёшининг илиқ ва тоза нурлари ойналардан сирғалиб ўтганча бирин-кетин уйғониб, вагонда уёқдан-буёққа ўтиб-қайтиб турган йўловчилар руҳига ҳам баҳорий тозалик ва илиқлик олиб кирарди...

Мен вагон деразасидан атрофни кузатиб борардим. Уйга қанчалик шошаётган бўлмай, алвон лолаларга бурканган даладан кўз узолмасдим.

«Қани эди, имкон бўлса-ю, поездни тўхтатиб, пастга сакрасанг, кучоғингни керганча эсаётган майин шабадага юзингни тутиб чопсанг, узоқчопсанг. Лолалардан терсанг — кучоққа сиғмаса, кейин ўзингни ергаташласанг-да, уни, юзларингни шу азиз тупроққа боссанг...»

Лекин поезд атроф-далага парво ҳам қилмай шитоб билан елиб борарди.

Далалар тугаб, яна пастак томли, қийшайган деворли ҳовлилар бошланди. Поезд тезлигини секин-аста пасайтириб, кейин пишқирганча тўхтади.

Бу бир станцияча эди.

— Уч минут турамиз, — деди проводник ўзларини ташқарига ураётган вагон йўловчиларига.

Станция деярли кимсасиз, фақат тўрт-беш одам уёқдан-буёққа югурар, афтидан, вагонларини излашарди.

Мен станцияда лола сотаётган аёлни кўриб, ўша томон юрдим. Савати тўла лола дасталари эди.

Аёлни одамлар ўраб олган, гапириб-кулишиб лолатанлашарди...

Мен ҳам яқинлашдим-да, кўксим кувончгатўлиб бир даста лолани олиб димоғимга тутдим.

— Олифтани қаранг! — бирдан бу овоздан қалқиб кетдим. — Олифталиқ қилиб, лолани ҳидлашингга бало борми? Ҳиди йўқ-ку унинг! Олмоқчи эмасмисан, бошқаларга ҳалақит берма! — сотувчи аёл менинг кўлимдаги лола дастасини юлиб олди-да, саватга ташлади.

Мен музлаб кетдим. Лекин бир оғиз сўз айта олмадим...

58

Поезд қичқириб-пишқирганча жойидан оғир қўзғалиб, борган сари ўша, шамол тезлигини ола бошлади.

Чекмоқчи бўлиб чўнтагимдан гугурт ва сигарета қутисини олдим. Қути бўм-бўш эди. Бўш қутини ва унга қўшиб гугуртни ҳам отиб юбордим.

Ойна нарёғидаги бепоён дала энди менга аввалгидек завқ бағишламас, кўксимни қандайдир қрп-қора туманлик қоплагандек эди. Кўп ўтмай, поезд яна секинлашди-да, қандайдир бир разъезд олдида тўхтади.

«Қаршисидаги поездни ўтказиб юборса керак», ўйладим мен.

Танбурга чиқиб вагон эшигини очиб юбордим. Юзимни майин шабадага тутарканман, кўзим темир излар ёқалаб кетаётган қизча билан болакайга тушиб қолди.

Боланинг кўлида иккита сумка: бири қизчаники, оппоқ кўйлақда, қизнинг кўлида бир даста лола, мактабга кетишарди.

Қизалоқнинг кўзи менга тушиши биланок, болага нимадир деб, кейин темир излардан енгил сакраб-сакраб мен томонга кела бошлади.

— Салом! — деди у етиб келиб. Кейин қўлидаги лола дастасини менга узатди: — Манг!

Қизалоқ лолаларни менга тутказди-да, яна излар устида енгил-енгил сакраганча, тўхтаб, уни кутиб турган болакай томон югура кетди...

Мен унга ҳатто раҳмат ҳам айта олмадим...

Поезд яна йўлга тушди. Кизалоқбилан болакай жилмайганча менга қўл силкитиб қолишди.

Димоғимга нимадир тиқилиб, бўғилгандай бўлдим. Кўксим тўлиб, лолаларни юзимга босдим... хидладим.

Ҳа, унинг ҳиди бор эди!

Унда шу азиз ва сахий даланинг ҳиди бор эди.

Унда чексиз осмону оппоқ булутларнингҳиди бор эди...

Унда, озод, югурик шамолларнинг, мусаффо-шаффоф сувнинг ҳиди бор эди.

Унда эндигина мактабга қатнаб ҳарфларни таниётган болакай билан кизалоқнинг қувончи-ю, маъсума меҳринингҳиди бор эди. Унда...

Ойтепа... Ойдай баланд тепа...

Енгил шабададалола майин тебранади. Унинг ҳиди шамол билан атрофга ҳу-ув, пастга, қишлоғимга, ундан кейин бепоён ўлкамга тарқалади...

42

Лоланинг ҳиди йўқ, деб ким айтди ўзи?!

Азиз дўстим... Азиз дўстим, сен уни бирор бор ҳидлаб кўрганмисан? Сен уни бирор бор кўксингга босиб, қалбинг билан ҳидлаб кўрганмисан, азиз дўстим?!

...Майин шабадада бир туп лола оҳиста тебранади...

Қўллар

Унга фотосурат такдим қилишди... Ўзининг суратини. Сизнинг суратингиз, дея такдим қилишди...

* * *

У ҳар гал гидек ту шл и кдан тушликка ажратилган вақт тугамасданоқ қайтиб, яна ўша қоғозлар устига мук тушди. Анчадан кейин хонадош ҳамкасби кириб келди. У ҳам ҳар галгидек, тушликдан тушликка ажратилган вақт аллақачон тугаб, иш минутларидан ҳам бир қанчаси ўтиб кетганидан кейингина пайдо бўлди.

— Мана суратингиз, олинг, — деди хонадош ҳамкасби бир суратни унинг столи устига қўйиб, — қоғозлар орасидан чикди.

Кейин ўз столига бориб ўтирди, ишига «шўнғиди».

У суратни қўлига олди: Суратда у кўзойнактаққан, бармоқдарини бир-бирига киритиб, «чамбарак» қилган қўлини столга қўйган, тўғрига нигоҳ қадаб турибди...

У ҳайрон бўлиб қотиб қолди: бу сурат уники эмас эди. У ҳеч қачон кўзойнак тақмаган ва бу тахлит суратга ҳам тушмаганди. Лекин суратдаги киши унгажуда-жудаўхшарди.

Шундай ўхшардики, агар унинг ўзи ҳам бунақа суратга тушмаганини эслолмаганида эди, ўзимнинг суратим, деб қўя қоларди.

— Раҳмат, — деди хонадош ҳамкасбига ва сир бой бермай, суратни костюми чўнтагига авайлаб солиб қўйди.

— Арзимаиди, — жавоб кайтарди хонадош ҳамкасби қоғоздан бош кўтармай. — Сизга дўстона бир маслаҳатим: эндиликда суратингизни ҳар хил қоғозлар орасига солиб қўяверманг, барибир чиройли жонончалар қўлига эмас, менга ўхшаган эркаклар қўлига тушиб қолаверади.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, — деди у. — Бундан буёғига унга амал қилганим бўлсин.

У қанчалик оғир ва вазмин кўринмасин, юморни севарди.

— Сенга бир суратимни кўрсатаман, — деди у хизматдош танишига у кириб келганда.
— Сен уни қачон тушганимни айтиб берасан, яъни, неча йил олдин тушганимни.

— Бу нимага керак?

— Керак.

— Нимага?

— Керак-да. Кўрсатайми?

— Бўпти. Кўрсат.

У суратни Хизматдош танишига тутказди. Хизматдош таниши суратни обдон кўздан кечирди. Унга қайтиб узатди:

— Купи билан бир йил.

— Раҳмат.

У суратни чўнтагига солиб қўйди.

— Нима, — ажабланди Хизматдош таниши. — Катта хато киддимми?

— Йўқ, — деди у, — Тўппа-тўғри топдинг.

* * *

— Сенга бир суратимни кўрсатаман, — деди у Кадрдон Дўстига.

— Кўрсат, — деди Кадрдон Дуст. У кўрсатди.

— Яхши, — деди Кадрдон Дуст.

— Зўр, мактади Кадрдон Дуст.

— Менга такдим қил шу суратингни, — илтимос қилди охирида Кадрдон Дуст.

— Хўп, — деди у суратни Кадрдон Дўстан олиб. — Албатта, — деди суратини чўнтагига соларкан.

— Рост, менга бер, — яна илтимос қилди Кадрдон Дуст. — Сендан эсдалик бўлиб қолади. Менда бу яқин орада тушган бирорта ҳам суратинг йўқ.

— Хўп, — деди у. — Хайр.

* * *

Хотини суратини узоқ томоша қилди. Стол устига қўйиб, эгилганича томоша қилди. Айлантриб томоша қилди. Буриб-суриб томоша қилди. Кейин эрига қаради:

— Қачон тушган эдингиз?

— Бир ой бўлди.

— Соз, — деди хотини. — Ғингҳам демайсиз?

61

43

* * *

— Газетага эълон берувдим. — деди у ўзини жиддий тутиб. — Босишмади.

— Шунақаи? — деди ўзини кулгидан зўрға босиб, қошини чиройли учуриб Хотини.

— Шунақа, — деди у суратни олиб.

* * *

— Бу суратингизни менга берасиз, — деди қизчаси.

— Ҳамма яхши нарса — болаларга, — деди у.

— Менга беринг, — илтимос қилди қизчаси, — альбомга.

— Яхши, — рози бўлди у. — Фақат бу суратимни эмас. Сенга бошқа суратимни бераман. Энгчиройлисини. Келишдикми?

— Бўпти, — рози бўлди қизчаси, — Энг чиройлисини.

— Шундай, — тасдиқлади у. — Энг чиройлисини, — маъқуллади у суратни қизчасидан қайтариб оларкан.

* * *

— Бу суратимни сизга такдим этаман! — деди у онасига тантанали оҳангда.

— Қани, болам, — набираси учун тўқиётган қўлқопчани копток ип ётган столга қўйиб, унга қаради кекса кампир онаси.

У суратни берди.

Онаси суратга термулди. Кўзойнагини олиб, ёшли нам кўзини қўйлагининг катта енги билан артиб, яна такди. Термулди. Ўғлига қаради. Яна суратга термулди. Кейин эса суратни ўғлига қайтарди:

— Бу сенинг суратинг эмас.

Бирдан унинг юраги уришдан тўхтаб қолди гўё. Тиззаларидан мадор кетиб, қаршисидаги креслога чўқди.

— Каердан билдингиз?

— Қўлларида, — деди онаси. — Қўлларида. Қўллари сеники эмас.

Су в босган куча

Ғиёс Шомуродов ярим тунда тўсатдан уйғониб кетди. Анча пайтгача нега уйғониб кетганини билолмай ётди. Бурилиб ёнига қаради: хотини бир маромда нафас олганича, тинчгина ухлаб ётибди. Кейин тирсагига

62

таяниб кўтарилганча бурчакка қаради: каравотчада бир ярим яшар кизчаси Малика ҳам беозор пишиллаганча ухларди.

У ўзини яна тўшакка ташлади. Лекин ортиқ ухлай олмади. Кўзларини кўронғу шифтга қадаганча ётаркан, кимдир балкон деразасини оҳиста чертгандай бўлди. Худди бировни ҳуркитиб юборишдан чўчигандек оҳиста, лекин тўхтовсиз чертарди деразани: бир-икки, икки-уч, уч-бир, бир-икки...

У тўшакдан аста сирғалиб тушди-да, айвонга чиқди. Ташқарига чиқиши билан юзига илиқёмғир томчилари урилди.

— Ёмғир! — бирдан юраги қалқиб кетди унинг. — Ёмғир!

У кафтларини чўзиб, ёмғиргатурди. Илиқ, этни жунжиктирувчи шилимшиқтомчилар кафтларини саваларкан, юрагига нимадир соя солиб ўтгандай бўлди...

Ёмғир унга бу азим шаҳардан юзлаб чақирим узокдикдаги қишлоғи Қиличбойни, унинг тупроқди тор кўчасини ва кўча билан боғлиқ ўша — ҳам ширин, ҳам оғир хотираларини эслатарди ҳар гал...

* * *

Уларнинг қишлоғи Қиличбой мактабдан анча узокда, «дунёнинг бир чеккаси»да жойлашган, бунинг устига мактабга элтадиган йўл чуқур, тизза бўйи тупроқли эди. Бу йўлдан машина деярли қатнамас, факат шу қишлоқлик Саттор аканингтракторигина гоҳи-гоҳида кўчаоромини бузиб ўтиб қоларди, холос.

Қишда кўча чуқур бўлганидан шамол ҳамма қорни келтириб, шу ерга тикарди. Баҳорда эса тизза бўйи сув ҳалқоб бўлиб ётарди. Ёзда эса тизза бўйи қум...

Қисқаси, бу йўлдан йилнинг ўн икки ойида ҳам ҳузур қилиб фойдаланиб бўлмасди.

Ғиёс мактабга ана шу йўлдан қатнаб ўқийди. У баъзида (мактабга бориш ёқмасди) қорлиб кетарверар, баҳона — йўл эди. Бундай пайтлардаўқитувчилар унча қойишмас, чунки Қиличбойнинг йўлини улар ҳам жуда яхши билишарди.

Ғиёс, айниқса қишда жуда кўп дарс қолдирар, совукда шунча йўл босиб мактабга бориш хадеб ҳам ёқавермасди.

... Ўша йили баҳорда уларнинг қўшнисиникига шаҳарлик қариндошлари кўчиб келишди. Уларнинг Малика исмли Ғиёстенги қизлари ҳам борэди. Биринчи кунданоқулар дўстлашиб қолишди. Мактабга ҳам доим бирга бориб, бирга қайтишар, бир партада

44

ўтиришарди. Уйда эса биргалашиб даре қилишар, бирга ўйнашарди.

У ҳар эрталаб чойни апил-тапил ичиб, папкасини қўлтиғига қистирганча Маликаларникигачопар, кейин иккаласи мактабга йўл олишарди.

Синфидаги ҳамма болалар унга ҳавасу ҳасад билан карашарди, Ғиёс эса бунга парво қилмасди. Лекин, бу узок, давом этмади...

Баҳорнинг охирги оyi — май ўрталаб борарди. Туни билан қуйиб чиққан жала эрталаб га бориб тинди.

— Бугун мактабга бормасанг ҳам бўлади, болам, — деди ойиси эрталаб нонушта махали. — Ҳаммаёқхалқобу лой.

Лекин Ғиёс шоша-пиша нонушта қилди-да, папкасини қўлтиқлаганча кўчага отланди. Маликаларникига ўтиб, уни чақирди.

Улар иккаласи йўлдан кетиб боришаркан, кўлмакларни четлаб ўтишар, лойда тойганиб кетмаслик учун бир-бирларини ушлаб олишган эдилар. Шунга қарамай, Малика гоҳо сирганиб кетар, Ғиёс эса чакконлик билан уни суяб қолар, бундан иккаласи ҳам бир-биригажилмайиб қараб, яна мактабсари юриб кетишарди.

Улар мактабга етай-етай деганда каттакон бир кўлмак қаршисида тўхтаб қолишди. Қиз бу кўлмакдан кечиб ўтолмас эди. Шунда Ғиёс ҳеч иккиланиб ўтирмай, уни опичлаб, кўлмак кеча бошлади.

У кўлмакнинг ўртасига келганда қандайдир шовқиндан-қичқирикдан чўчиб, бошини кўтарди. Кўлмакнинг нариги четида синфдошлари: «Толиб шайка» ва унинг «шайкаси» уларни мазах қилиб, шовқин солишарди.

Ғиёс серрайганча қотиб қолди.

— Келин-куёв! — қичқиришарди учетдан.

— Тоҳир-Зухро! — қичқиришарди бу четдан. Кейин кимдир қироат билан ўкиб юборди: Тоҳир-Зухро, ёрил тош —

Ойни уялтирган қош...

Ғиёснингтиззасигачасув, нима қиларйни билмай, қртибтурарди. Қизнингтипирчилаб оёқдарини силкитиши уни ўзига келтирди:

— Қўйиб юбор! Ғиёс гангиб қолди.

Малика бир талпинди-ю, сирғалиб тушиб, сувни шалоплатганча кўлмакни кечиб ўта бошлади...

Шундай килиб улар биринчи марта алоҳида-алоҳида бўлишиб, синфга киришди.

Ғиёс кирганда Малика энг орқада, бошини партага қўйиб ўтирар,

45

доска оддида эса бир тўп болалар хоҳолашиб кулишар, қичқиришарди.

Доскада қизни опичлаб олган боларасмини кўрди-ю, ранги бўздек окарди. Толиб шайка раем тагига нималардир деб ёзмокда эди.

Ғиёс жаҳл билан югуриб борди-да, Толиб шайканинг ёқасига чангсолиб, юз-кўзи аралаш мушттуширди. Толиб шайка бир калқиб кетди. Лекин у гавдали, Ғиёсдан анча кучли эди. Ўзини ўнглаб олиб, Ғиёснинг башарасига мушт солди. Ғала-ғовур бўлиб кетди.

Эшик очилиб, муаллима Сожида опа келди-ю, ҳамма тинчиб, жой-жойига бориб ўтирди.

Факат Ғиёс билан Толиб шайкагина доска олдида қаққайганча қолишди.

Сожида опа уларга бирма-бир қараб чикди-да:

— Ўтиринглар, — деди, — даредан кейин иккалангхам қоласанлар. ...Эртасига Малика мактабга бормади. Боролмади. Касал бўлиб ётиб қолди.

Ғиёс мактабдан кайтиб Маликани «Тез ёрдам» шаҳарга, касалхонага олиб кетганини эшитди-ю, қирга чиқиб тўйиб-тўйиб йиғлади. У ҳеч қачон бундай, юракдан йиғламаганди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, Маликанинг ота-онаси ҳам кўчиб кетди. Қандай кўчиб келишган бўлишса, шундай кўчиб кетишди.

Ғиёс Маликани қайтиб кўрмади. У ҳақда ҳеч нарса эшитмади. Лекин унута олмади ҳам...

Йиллар ўтди... У студент бўлиб биринчи бор университет партасига ўтираркан, шундоққина икки парта нарида ўтирган Маликани кўриб кичкираёзди. Кўзлари қувончдан порлаб, унинг қаршисида пайдо бўлди:

— Мени танимаяпсизми, Малика?

Қиз олдиниғаҳайрон бўлиб қаради. Кейин:

— Менинг исмим Майрам, — деди. Ғиёс ток ургандай сесканиб тушди:

— Кечирасиз...

Майрам эса «ҳечқиси йўқ», дея чиройли жилмайиб, бошини партага эгди.

...Охирги курсда ўқишаётганда уларнинг тўйлари бўлди. У Майрамга мухаббат қўйиб уйланди. Қизчалари Маликатуғилгач, унга янада меҳри ортди Ғиёснинг...

* * *

Ғиёс секин хўрсинди. Айвон панжарасини ушлаб юзини ёмғирга тутди. Илқ томчилар юзларига урилиб, сочлари орасидан сизиб

65

Мана орадан шунча йиллар ўтса-да, у Маликани унута олмади. Айрим пайт, шунақа ёмғир қуяётган пайтлари, Қиличбой, ўша баҳор ва ўша сув босган кўча келади ёдига. Ва унингҳаётида азиз, кадрдон нимадир ети ш маётгандек бўлаверади.

Энди эса Қиличбойнинг йўлигатош тўкилган, асфальт ётқазилган. Болалар ёздаҳам, қишдаҳам ҳеч қийналмай мактабга бориб-келишади. Ва... ҳеч бир болага ҳеч қандай қизни опичлаб қўлмақдан ўтказиб қўйишнингҳечам кераги йўқ!

Ёмғиртезлашди. Ғиёс қўлларини санчаётган чап кўксига босди. Боши айланиб, кўзи тина бошлади. Ёмғир борган сари кучая борар, пақирлаб қуярди.

Ана, уларнинг кўп қаватли уйи тагида улкан қўлмак пайдо бўлиб, борган сари кўтарила бошлади.

Мана, биринчи қават буткул сув тагида қолиб кетди.

Мана, сув шамолда тўлқинланиб, тўлқинлари иккинчи қават деразаларига зарб билан келиб урила бошлади...

Ана, учинчи қават ҳам сувга қўмилди...

Ва ниҳоят сув қалқиб-қалқиб унинг оёқларигача етиб келди... Тиззасигача чиқди...

Эшикни зарб билан очиб, ичкарига, уйга ёпирилди.

Қизчаси Малика ётган каравотча сув юзасида ҳасдай чайкалди...

Ғиёс чайқалиб кетди. Айвон панжарасини бармоқлари билан қаттиқроқ сиқди... Ўзига келиб, секин кўзини очди: ёмғир анча секинлашган, эриниб-эриниб томчилар, пастда осма фонар ёритиб турган асфальт супада кичкина-кичкина қўлмакчалар ялтираб кўринарди...

Ғиёс уйга кириб беихтиёр чироқтуғмачасини босди. Хона ёришиб кетди. Хотини ёстикдан бошини ярим кўтариб, уйкули кўзлари билан унгаҳайрон бўлиб қаради.

— Ёмғир, — деди Ғиёс қандайдир бир бегона овоз билан. — Ёмғир ёғаяпти...

Ўша ёнғоқ остида

«Янги Жавлон» колхозининг спорт ишлари бўйича инструктори Жума пол вон 16-бригада дала шийпонидан уйига қайтарди. Бригадир, бир пайтлар Жума полвондек боксга қизиқиб, бурни синиб қийшайгач, ундан воз кечган синфдош дўсти уни товук шўрва билан

66 меҳмон қилган, «яримта»ни майдалаб, ўқувчилик даврларини эслашган, алқисса, Жума полвон руҳи кўтарилган, «Ер кетмон деди-е»ни хуштакка солиб келарди.

Захкаш олдидаги тут ниҳолзори ёқалаб ўтиб бораркан, пичирлашми, қиз боланинг секин йиғи овозиними эшитиб, тўхтаб қолди. Энгашиб қаради, шундоқ буталар

панасида, бир пайтлар ўзи хотинига илк бор севги изҳор қилган ўша улкан ёнғок дарахти остида Нусрат артистнинг ўғли билан Сайфулло аравакашнинг қизи... Жума полвон аввалига кўзларига ишонмади, катгароқчиб қаради: Рост! Қучоклашиб туришарди!

— Вой, тирмизаклар-ей! — Оғзидан чиқиб кетди Жума полвоннинг.

Нусрат артистнинг ўғли қизгатиномай нималарнидиртушунтирар, қиз бўлса, кафтларини юзига босиб олган, пиқиллаб йиғлар, лекин йиғиси юракдан эмаслиги шундоқ сезилиб турарди.

Жума полвон нафасини ичига ютди. Энди уларнинг овозлари ҳам эшитила бошлади.

— Шарманда бўлдим, — деди йиғи аралаш Сайфулло аравакашнинг қизи. — Энди ҳамма мени калака қилади...

— Ҳеч ким сени калака қилмайди, ахир, — уни юпатди Нусрат артистнинг ўғли. — Ҳеч ким кўргани йўқ-ку!

— Барибир, эртага бугун Работ гапирарди: «Фурқат Гулидан забўр ёқасидаги ниҳолзорда муччи олган деб», — ҳиқиллади Сайфулло аравакашнинг қизи.

«Вой, занғарнинг болалари-ей! Ҳали мишиқдарини тозалаб артишолмайди-ю, бир-бирини яхши кўришади! Муччи олишади, бир-биридан! Ҳозирги ёшлар жуда бузилиб кетаяпти-да. Буларни Даврон киночинингҳиндча кинолари-ю, телевизор бузаяпти...» ...Сайфулло аравакашнинг қизи йиғидан қизариб кетган кўзларини укалаб:

— Ҳеч кимга айтмайсанми? — қайта-қайта сўради у.

— Ҳеч кимга! — сўз берди Нусрат артистнинг ўғли. — Агар бирортасига айтсам, ўша заҳотиёқ ёрилиб ўлай!

Бундан Сайфулло аравакашнинг қизи шодланиб кетди. Кўзлари шодлиқдан порлади. Нусрат артистнинг ўғли уни кўлидан тутиб, яна муччи олмоқчи бўлгандек интилди, лекин Сайфулло аравакашнинг қизи уни силтаб ташлади.

— Жинни бўлибсан! — у шундай деди-да, ниҳолзордан чиқиб кета бошлади.

— Сен бир оз туриб, кейин чиқ, — тўхтатди ортидан энди эргашмоқчи бўлиб турган Нусрат артистнинг ўғлига. — Лекин, билиб

67 кўй, буни бирортаси эшитса, кейин... кейин мен сен билан сира-сира гаплашмайман. Сайфулло аравакашнинг қизи кетганига анча бўлган бўлса ҳам, Нусрат артистнинг ўғли жойидан қўзғалмади. У қизни бағрига босгани-ю, олган муччисидан хурсанд бўлса керак, ишшайганчатураверди.

Лекин...

— Лекин, бутун умр ишшайиб ўтиб бўлмайди, Нусрат артистнинг боласи! Ўв бола! Нусрат артистнинг ўғли бир сакраб тушди. Қаршисида Жума полвонни кўриб, қотиб қолди. Қочиб кетмоқчи бўлди, лекин, оёқдари жойидан қимирламади шекилли, серрайганичатураверди.

«Нахот кўрган бўлса?»

— Уят эмасми? Номус деган нарса борми ўзи, сенда? Ҳали лабинг сут юку-ю, сен эса муччи оласан. Сенларга мактабда шуни ўргатадими? Ким ўқитган ўзи сени? Шароф домулломи? Мен уни бир кўрай! Бир гаплашиб кўяй, у билан! Буларни қайси фанга кўшиб ўқитади? Адабиётгами? Тарихгами?

У яна жўғрофиягами, деб айтмоқчи эди, айтмади. Чунки «жўғрофия» муаллими Нурилло Аслонов — унинг амакиси. Унинг амакиси бунака бетамизликни фанига кўшмайди!

Нусрат артистнинг ўғли икки кўлини шалвиратиб осилтирганича бошини эгиб турарди. У шу туришда унча яхши жойлашмаган сомон тўла қопни эслатарди.

— Отанг Нусрат хотинини, яъни онангни биринчи марта чимилдикда кўрган!

Ўшандаям муччи олиш тугул, кўлидан ушлашга ҳам ийманган: чимилдик бурчидан

янгалари қараб тургандир, деб номус қилган! Бизларда уят, номус деган гаплар бор эди. Сенларда-чи, сенлар? Бугун уйланасан, икки ойдан кейин эса бола туғилади! Нусрат артистнинг ўғли уни девор бўлиб тинглади.

— Сан қайсиси бу, қаттасими, кичигими? — сўради охирида Жума полвон.

— Кичиги.

— Бекиммат бобонинг эшагини Кул Жабборга олиб бориб, ҳолдан тойганча ишлатган, кейин думига танга боғлаб кетганам сен-да?

— Энди қилмайман, амаки... Улар жимиб қолишди.

— Бор, унда, бизни юзимизни ерга қаратма, — деди Жума полвон насихатомуз.

Фурқат итоаткорона жойидан қўзғаларкан, зўрға эшитиларли қилиб деди:

68

— Ҳеч кимга айтманг, амаки...

— Жўна, жўна! — бақириб берди Жума полвон. — Тоскалланга туширмасимдан жўнаб қол бу ердан! «Ҳеч кимга айтманг» эмиш! Уялар экансан, нима қиласан шу номаъкулчиликни қилиб!

Уни масхаралаганча хи-хилади.

...Жума полвон шуларни ўйлаб, тўшақдан тирсакларига таянганича кўтарилди.

Хотини пишиллаб нафас олиб ухлаб ётарди. Уни аста туртди.

Хотини «ихм» деди-ю, бир қимирлаб, яна уйкуга кетди.

Жума полвон энди бу гал, қаттикроқ туртди. Хотини уйғониб, кўзларини ишқалаганча унга ўтирилди: хона ним қоронғу, эри тирсакларига таянган ҳолди эди.

— Нега туртасиз?

— Ёнғоқсингдами? Хотинининг эсхонаси чиқиб кетди:

— Қанақа ёнғоқ?

— Ёнғоқдақа ёнғоқ-да!

Хотинининг кўзлари ола-кула бўлди. Жума полвоннинг эса бундан жаҳли чикди:

— Захкаш ёқасидаги ёнғоқдарахти!

— Хўб, шунга нима бўпти? — янада ҳайрон бўлиб сўради хотини. Сўнг унинг пешонасига қўлини қўйди. — Иссиғингиз йўқ... Кесиб кетишибдими?

Жума полвон қўлини жаҳл билан силтаб ташлади:

— Учиб кетибди.

Улар бир муддатжимиб қолишди.

— Пишиллаб ухладан бошқа балого ҳам ярамайсан! «Қанақа ёнғоқ» эмиш! Дарров эсингдан чиқибди-да! Мен сенга биринчи марта ўша ерда севаман, деганман...

Хотини пиқиллаб кулиб юбормаслик учун лабини маҳкам тишлади:

— Эсимда...

— Сен ўшанда ҳам одамга ўхшаб муомала қилмагансан. Муччи олганимда тарсаки қўйиб юборгансан.

— Нима қилишим керак эди, ҳай? Мен ҳам муччи олишим керак эдими?

— Йўқ, ҳарқалай... — гудранди Жума полвон, — ҳарқалай қўлинг билан юзингни ёпиб йиғлашинг керак эди.

— Ҳо, бир бегона киши сендан даб-дурустдан муччи олеину, сен эса аҳмоқ бўлиб йиғлаб ўтиравер!

— Ким бегона?! — ўрнидан туриб кетай деди Жума полвон. — Мен бегонаманми? Эринг-а?!

48

— У пайт эрим эмас эдингиз-да.

Жума полвон сўз тополмай бир оз жим қолди.

— Барибир сен мени яхши кўрмайсан, — хулоса қилди у. — Яхши кўрганингда бундай қилмасдинг... Мана, Сайфулло аравакашнинг қизи Нусрат артистнинг ўғлини яхши кўради. Бу кундай равшан...

Хотинининг кулоғи динг бўлди:

— Ким, ким? Сайфулло аравакашнинг қизи? Нусрат артистнинг ўғлини?

Энди кеч эди. Жума полвон оғзидан «гуллаб» қўйганди.

— Каёқдан билдингиз?

— Кўрдик, — деди Жума полвон. — Улар биз учрашган жойда, ўша ёнгоқтагида... ўтиришган экан. Нусрат артистнинг ўғли Сайфулло аравакашнинг қизидан муччи олди, у йиғлади... Санга ўхшаб тарсакилаб урмади... — Жума полвон секин ухтортди, — уларнинг севгиси чин экан...

Хотини унинг кўкрагига бошини қўйиб, эркаланиб суйкалди...

— Бизники ҳам чин!

Жума полвон чехраси очилиб, хотинини бағрига олди...

Кўп ўтмай хотини янатекис нафас олганича уйкуга кетди. Жума полвоннинг эса ҳеч уйкуси келмасди.

Орадан икки кун ўтиб, Жума полвон қишлоқ кўчасидан ўтиб кетаётган эди, дарвозаси олдидаги тахта сўрида чўнкайиб ўтириб олган Хомон биби уни чақирди:

— Менга қара, Жума бачам.

Жума полвон келиб Хомон биби билан ҳар галгидай қуюқсўрашди.

— Жума ўғлим, — гап бошлади Хомон биби, қўйлагининг кенг енги билан кўзларини намини артиб. — Шу ёшларга ҳам насиҳат-пасиҳат қилиб, тартибга чақириб қўй, болам.

Жума полвон қўлларини белигатиради: -Хўш?

Хомон биби овозини пастлатиб, пичирлаб кетди:

— Шу Нусратнинг Пуркати билан Сайпуллонинг Гулисини бир тергаб қўй, болам.

Улар... ёнгоқбор-ку, ниҳолзордаги ёнгоқтагида бир-биридан муччи олишганмиш...

Жума полвон анграйиб қолди. Хомон бибининг қолган гаплари кулоғига ҳам кирмади.

Хомон биби эсатинмай жавварди...

49

«Парчагина булут, чексиз осмон...»

Туни билан ухлолмай чиққан Саид тирсакларига таянганча тўшагидан ярим кўтарилиб, курсдоши Карим ётган каравотга қаради: Карим бир маромда текис нафас олиб, тинчгина ухляпти.

Сувоқдари кўчиб кетган хужра тинчлигини эса стол соатининг деворларни тешиб юборгудек баланд овозда чиқиллаши бузиб турибди, холос.

Сайд бошини яна ёстиққа ташлади. Кўзларини чакка ўтавериб, доғ-дуг бўлиб кетган шифтга тикканча туни билан ухламай, хаёлларига берилди.

...Улар кимсасиз хиёбонда кетиб борадилар. Икковининг ораларидаги жимликни бузгани журъатлари етмай, гўё ўз хаёллари билан банддек, битта-битта қадам ташлаб, ўйдан оғирлашган бошларини солинтирганча кетиб борадилар: гўё Муборак ундан ўша сўзни ҳеч кутмаётгандай, Саид ҳам унга ўша сўзни айтмоқчи эмасдек...

Бир пайт йигитнинг қўлига қизнинг иссиқ қўллари тегиб кетганини сезади ва шошиб, жойида таққа тўхтаб қолади. Қиз ҳам тўхтаб, бошини кўтарганча ҳуркак кўзларини жавдиратиб унга қарайди...

Улар бир-бирларининг қаршисида бир сўз демай ҳайкалдек қотганича қараб қолишади. Фақат икки юракнинг зарб билан дукурлаб уришигина кимсасиз хиёбон тинчлигини соатдай бузиб туради, холос. Шунда у қизнинг юмшоқ, иссиқ кафтларини қўллари орасига олади-да, ҳуркитиб юборишдан чўчигандек паст, титраган товуш билан

шивирлайди: «Мен сизни яхши кўраман, Муборак!» ва юраги бир паст уришдан тўхтаб қолганини, юзлари ловуллаб ёнаётганини ҳис этади.

Муборак, ўша мағрур само қизи ўз «арш»идан аста сирғалиб тушганда Саид оҳиста уни авайлаб бағрига олади: елкалари титраётганини, унингунсиз йиғлаётганини сезади. Нима учунлигини билгани сабабли ҳам уни овутмайди. Кейин унинг юзларини кафтлари орасига авайлаб олиб бошини кўтаради-да, ёшдан нам бўлиб кетган кўзларию, юзларига лабини босади...

Саид эски, шалоғи чиққан каравотни ғичирлатиб, у ёнидан-бу ёнига ағнади, уф тортди. Боши зирқираб оғрир, бир нима кўксига қўрғошиндек қадалиб азоб берарди.

«Йўқ, мен ҳеч қачон унга севаман деб айта олмайман».

У кийшиқдеразадан ташқарига қаради: тонгхам ота қолмасди.

71

Ортиқ ётолмади. Туриб, тор хонада у ёкдан-бу ёкка асабий бориб-келабошлади.

Мана, анчадан бери шу аҳвол: у ўзича хонасига қамалиб олиб, туни билан ухлай олмай хаёл суради, Муборакка «дард»ини айтиш йўлларини ахтаради, чиройли жумлалар, иборалар ўйлаб қўяди. Лекин эртасига уни кўрди дегунча ҳаммаси ёдидан кўтарилиб кетади. Лекцияларни эса унга тикилиш билан ўтказади. Бутун дарс давомида бирорта ҳам сўз кирмайди унинг қулоғига.

Дарслар тугагач, ҳамма ҳар қаёққа шошилади. Сайд эса ёндош бинодаги институтнинг эски кутубхонасига кириб олади-да, деразага чўнкаяди. Бу ердан ўқиш зали кафтдагидек кўринади: Муборакдеярли ҳар куни дарслардан сўнг шу ўқиш залида алламаҳалгача дарс қилади, сўнг уйига йўл олганда, Сайд уни билдирмай нақ дарвозасигача «кузатиб» қўяди.

Бир гал Саида кафтларини иягига тираганча, деразадан берилиб китоб ўқиётган Муборакни кузатиб тура-тура қаттиқ ахд килди: «Ётар, бас, ҳозир ҳаммасига қўл силтайманда, шитоб билан залга кириб бориб, тўппа-тўғри Муборак ўтирган столга яқинлашман. У китобдан бошини кўтариб, беихтиёр ўрнидан туриб кетганда унинг хаяжонданми, қувончданми секин титраётган қўлини авайлаб ушлайманда, чиройли кўзларига тик боқиб: Муборак, мен сизни яхши кўраман!» дейман...

Сайд шундай шахд билан ўрнидан турди.

Эшик олдида етиб келганида эса ҳалиги шиддатидан асар ҳам қолмади. У залга кираркан, тиззалари калтираб, оёқларидан мадор кетиб бораётганини сезди, оёқлари эса уни Муборак ўтирган столга эмас, бутунлай бошқа ёкка «бошлади». Сайд кизнинг ўнгтомонидаги бўш столларнинг бирига ўтирди-да, сумкасидан бир китоб чиқариб олдида қўйди. Кейин эса секин, кўз қири билан Муборакка қаради. Қиз эса уни сезмади ҳам, у лаблари билан оҳиста пичирлаб, берилиб ўқирди.

Сайд нафасини ичига ютиб, диққат билан қулоқсола бошлади. Муборак ўқирди: ...Парчагина будур, чексиз осмон Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл. Барча ташвишларни унутиб шодон, Қайтгим келаётир ёнингга буткул...

Қиз бир зум жим қолди. Кички на муштчаларини иягига тираб, кўзларини ярим юмганичахаёлга ботди. Шутахдитузоқўтирди.

Кейин эса стол устидаги китобни авайлаб олиб сумкачасига солди-да, залдан овозсиз, юриб эмас, учиб чиқиб кетди...

— Сен қишлоқсан! Бунинг устига юраксиз ва ландавурсан! — баттар унинг жиғига тегди Карим. — Сен нима-ю, анави нима! — деди остонага, оёқ остига ташлаб қўйилган пол латтани кўрсатиб.

— Унинг қаршисида сўз тополмай, қўлларим, калтираб кетаверса мен нима қилай? — деди елкасини қисиб, тушкун бир овозда Сайд.

Унинг бу ҳолини кўриб, Каримнинг бир кулгуси қистайди, бир фиғони чиқади:

— Бунакада сен шу беш йилда унга ҳеч нарса дея олмайсан! Кейин ўқишни тугатиб, икки ёққа тарқаб кетасанлар. Сенга эса биринчи муҳаббатингхақидаги ширин хотиралар қолади. Мазза килиб эсалаб юрасан!

— Нима қилай бўлмаса? — унга илинж билан тикилди Сайд.

— «Нима қилай!» эмиш! Йигитмисан ўзи? Бор айт, сени яхши кўраман де, сенсиз яшай олмайман, де, тамом-вассалом! Нима, у сени еб кўярмиди?

Сайд жим. Карим ҳақ. Карим минг бир марта ҳақ. Ҳамма гапи тўғри. Аммо...

Карим ҳам унинг ўзидек Тошкентга узоқ қишлоқдан келган. Ўқишнинг бошларидаёқ улар танишиб, дўстлашиб қолишган, бирга ижара уй қидириб топишган, мана энди ўшандан бери бирга туришади.

Карим Саиднинг «дард»идан хабардору, аммо унинг юраксизлигидан фигони фалакка чикди:

— Наҳотки кўр бўлсанг? Муборакнинг ҳам сенга майли борлиги шундоқ кўриниб турибди-ку!

Лекин Сайд Муборакнинг майлини кўрмайди, шунинг учун ҳам Каримга ишонмайди.

...Бир куни Карим Саиднинг қўлидан маҳкам ушладида, судрагудек бўлиб Муборак ўтирган столга келди.

— Бўшми? — деб сўради ва жавобини ҳам кутмай, Саидни итариб ўтиртирди. Ўзи ҳам ўтирди.

Муборак эса ўзини кулгидан зўрға тийиб, ўрнидан турди-да, бошқа столга ўтириб олди:

— Сизлар бемалол яйраб ўтираверинглар!

Сайд бутун аудитория унга қараб қилганини, кизлар кафтларини оғизларига босганча «пиқ-пиқ» этиб кулишаётганини сезди-ю, ўрнидан шарт туриб, эшикка юрди.

Кираверишдадуч келган домлани ҳам хайрон қолдириб, зиналардан югура-югура туша кетди.

51

73

«Нега ундай қилдинг, Муборак?»

«Уялдим-да».

«Нимадан?»

«Кўрмадингми, ҳамма бизга тикилиб турибди. Кейин улар кулиб юришарди менинг устимдан... Бунингустигадеразадан куёш тушиб турганди, иссиқда бошим оғрийди».

«Энди улар менинг устимдан кулиб юришади...»

«Буёғи хаёлимга ҳам келмабди, кечир. Кейинги гал ўзим сени олдинга бориб ўтираман».

Лекин, минг афсус, Саид хаёлида жонлантирган бу суҳбат ҳам (худди аввалгидек), ораларида бўлиб ўтмайди...

Саид у ёқдан-бу ёққа юришни тўхтатиб, яна каравотга чўзилди. Лекин шу пайт стол устидаги соат оламни бузиб юборгудек овозда жиринглади. Карим сапчиб туриб, соат тугмачасини босиб овозини ўчирди, кейин Саидга қаради. Саид кўзларини юмиб олиб, ўзини уйқуга солди. Бугун якшанба. Улар бугун бугун гуруҳбўлиб, тоққа, лола сайлига бормокчи эдил ар. Саиднинг эса ҳеч оёғи тортмас, юраги га ТОҒ тугул, қил ҳам сиғмасди.

Карим уни туртиб уйғотди:

— Тур, Саид.

Саид «уйғониб», кўзларини очиб, Каримга қаради.

— Бормасаммикан, деяпман...

Карим унинг устидаги кўрпани ирғитиб юборади:

— Бўл, тез!

Саид кўрпани қайтиб устигатортди:

— Бормайман. Кайфиятим йўк.

Карим бу сафар уни даст кўтариб, турғизиб қўйди.

— Кийин, тезроқ! Бўлмаса кечикамиз!

...Автобус гувиллаб-гувиллаб Оқтошга яқинлашганда куёш энди кўтарилиб келар, кўм-кўк майсаларга бурканган тоғ киши руҳини кўтарадиган гўзал эди...

...Саид Муборакни узоқдан таниди. У унча баланд бўлмаган чўккида тиззаларини қучганча бошини эгиб, хаёлга чўмиб ўтирарди. У шу ўтиришда чўккида очилган каттакон оппоқ лолага ўхшаб кетарди.

— Бор! — деб туртди уни Карим. — Шу гал ҳам унга айта олмасанг, ўзингни одам ҳам санаб ўтирма!

Кейин ўзи бурилиб, жилға ёқалаб пастга тушиб кетди. Муборак кадам овозларидан сесканиб бошини кўгарди. Каршисида Саидни кўриб, чехраси ёришиб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

52

Саид ҳансираганча унинг каршисида турар, ораларидаги масофа шу қадар яқин эдики, худди ўртада ҳеч қандай масофа йўқ эди. Уларнинг нафаслари бир-бирларининг юзларига урилар — Муборак ҳам ҳансираб нафас оларди.

Саид бор журъатини тўплаб, Муборакнинг икки қўлидан тутди:

— Мен сизни...

Саид дош беролмай кўзларини четга олиб қочди. Лекин, шу заҳотиёқ, яна юраксизлик қилиб бошка нарсалар ҳақида — тоғнинг улуғворлигию ундаги лолаларнинг гўзаллиги ҳақида гапириб юбормаслик учун, яна Муборакнинг кўзларига кўзларини тикди:

— Мен сизни яхши кўраман, Муборак!

Муборак аста эгилди-да, унинг кўксига бошини қўйди. Саид уни авайлаб бағрига олди, юзларини унинг майин, хушбўй ҳид таралиб турган сочларига босаркан, қўллари остидаги елкалар енгил-енгил титраётганини ҳис этди... Саид Муборакнинг шу титраётган елкалари оша каради: улар турган чўккидан ўн кадамча наридаёлғизоёқсўқмоқ оқариб кўринар, тепада, чексиз беғубор осмонда эса бир парчагина оппоқ булут эркин сузиб юрарди...

Рашк балоси ёки талабларга биноан...

Қосим аканинг хотини хаста бўлиб, узоқ вақт ўрнидан туролмади. Кунларнинг бирида эрига деди:

— Жуда қийналиб кетдингиз. Тузаладиганга ўхшамайман. Мана бир йилдан ошибдики, ўз оёқларим ҳам мендан юз ўгирди. Лекин сиз меҳрингизни дариг тутмадингиз. Минг карра розиман, дадаси. Ноқулай бўлса ҳам айтиб қўяй. Эркак кишисиз, қолаверса, одатингизни яхши биламан. Битта-яримта аёл билан учрашиб юрсангиз ҳам майли. Фақатжуда бузук бўлмасин. Мухбир деган отингиз бор. Яхшироқ бўлса, унча кўнгилга ҳам қаттиқботмайди.

Қосим ака хотинининг юзига тикилди: у астойдил куюнарди. Орадан бир неча кун ўтгач, ҳоли қолишганида хотини яна шу гапни кўзғади.

Табиатан содда, ишонувчан Қосим ака хаяжонланди. Ўзини тутиб туролмади. Меҳри товланиб, ўтган галдаги хангомадан кейин, эридан ажраган бир жувонга дилини ёрганини, у эса ўйлаб кўришга ваъда берганини айтди.

— Бинойироқми, ишқилиб, дадаси? — сўради аёли ҳам меҳрибонлик билан синиқовозда.

75

— Нимасини айтасан, хотин, — деди Қосим акатамшаниб. — Зў-ў-р.

— Ёши-чи, ёши? — сўради аёли ҳамон ўша оҳангда.

— Ёш! Хотин, сендан роппа-роса ўн бир ёш кичик.

Хотини хурсанд бўлди. Фақат болаларини эсдан чиқариб қўймасликни илтимос қилди. Қосим ака қасамлар ичди.

— Вой, ўлмасам, дадаси, каерда ишлайди? Номини ҳам сўрамабман? — деди хотини худди гуноҳ иш қилиб қўйгандек.

— Жавобини айтсин, — деди эр, энди ўзини бутунлай эркин тутиб, — кейин айтаман. Исмои ҳам шундай чиройлики...им...

Қосим аканинг гапи оғзида қолди. Хотинининг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Ётган еридан узалиб, чеккароқдаги ҳассасига интилди. Қўли етмагач, ён томонидаги турган пиёлани олди-да, эрининг башарасига караб отиб юборди. Пиёла аранг эгилиб улгурган эрининг қулоғи остидан «шувуллаб» ўтиб эшикдан киришда чап томонга қўйилган шкаф ойнасигатегди. Пиёла чил-чил бўлиб, ойнанинг юқори қисмида узун-қисқа бир нечта ёриқ из ҳосил бўлди.

— Имонсиз, — жаврай кетди хотини. — Сезиб юрувдимов, хаёлингизда алламбалолар айланиб юрганини. Синай деб гапирсам, тап-тайёр бу киши. Олти бола, хотинингиз бўла туриб, кўнглингиз яна хотин тусаб қолдими? Ҳе, кўнглингизнинг кўчасига...

Болалар келсин, кўшнилари чакиртириб шармандангизни чиқараман. Редактурингизга айтиб, ишдан ҳайдатаман. Кейин мактабда ўқитувчилигингизни қиласиз. Хотинбоз!

Қасамхўр!

Қосим ака ялинди, ёлворди, охири кечирим сўраб, арангхотинини овутди. Ўзидан уялди. Лекин бир нарсага ҳайрон қолди: касал «еб» ташлаган хотинига шунча ғазаб, куч каердан келди?

Эрталаб ишга кетар пайти хотинининг ҳузурига кирди. Ўзи одати шу, ишга кетганда ҳам, кайтганда ҳам албатта бемор хотинини кўриб, ҳол-аҳволини сўраб, кўнглини кўтариб, сўнг бошқа юмуш бошини тутди. Сухбат қовушмади, хотини айттарини айтди-ю, тўмтайиб олди. Хонадан чиқар экан, синиқ ойнага кўзи тушиб баттар таъби хира бўлди. Автобусга чиққанда ҳам хотинининг шивирлаб, лекин кесиб айтган сўзлари қулоғи остидан шаңғиллаб борди. «Ишга ўз вақтида бориб, ўз вақтида келасиз, ўтиришларга боришга рухсат йўқ. Мен бу ерда тўшакда ётаман-у, сиз кайфи сафо киласизми? Чучварани хом санабсиз. Ҳар кадамнингизни текшириб тураман (хотини шундай деб ўзининг ёнида турган телефон гўшагини кўтариб, яна ўз жойига қўйди). Ҳатто кишлоқдаги тўй-маъракаларга ҳам зув бориб келасиз. Каерда бўлишингизни билай, йўкса ўзингиздан кўринг. Хотини айтганини қиладиганлархилидан.

Бунингустца... ўтаақдди. Қосим

76

ака ўзини-ўзи ичида буралаб сўқди. Ўриндикда ёнма-ён ўгирган киши не учундир ажабланиб, унинг юзига караб қўйди.

Қосим ака хомушгина бўлиб ишга бориб келиб юрди. Узоқ кидириб, танишларини ишга солиб, ойнали шкаф сотиб олди.

— Шуни ташқарига чиқариб қўйайлик, — деди шкафни уйга олиб келган куни ойнаси синиқ, уй ичидаги шкафга ишора қилиб. — Худди шунакасидан олиб келдим. Яп-янги. Сен турган уйда синиқ ойна билан туриш ноқулай...

Хотини қувонар деб ўйлаган эди. Янглишди.

— Шуниси маъқул, — деди хотинининг чехраси тундлашиб, — хар кириб чиққанда асл башарангизни кўриб турасиз.

Қосим аканингдами ичигатушиб кетди. «Сезганини буни» ўйлади ичида. Ҳақиқатдан ҳам ойнанинг юқори қисми шикастлангани учун кишининг чехраси парча-парча бўлиб кўринар, бу Қосим аканинг баттар ғашини келтирарди.

Рашк туфайлими, ё дори-дармон энди таъсир қила бошладими, хотини кундан-кун соғайиб, оёққа туриб кетди. Тез фурсатда кучга кириб, тўлишиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди.

Янги шкафни қизлари учун асраб қўйишди. Ойнаси шикастланган шкафни эса, эр-хотин яшайдиган уйнинг тўрига қўчиришди. Албатта, янганинг талабларига биноан.

Юрагимни ёрдинг-ку

Декабр бошланган бўлса-да, ҳали «катталар» йиғим-теримни тўхтатишни ўйламасди. Ёўзапоялар камишдай яланғоч бўлиб қолган. Қоронғу тез тушади. Холмирза чўпон қўйларни аввал йўл бўйига боқди. Сўнг у ёқ-бу ёққа караб, атрофда ҳеч ким йўқдигига ишонч ҳосил қилгач, пахтазорга ҳайдади.

...Қўйларни яхшилаб боқиб семиртириб олса, тўртта қўчқорни сотади, ўрнига битта ғунажин олади. Худо «ол қулим» деб турса, икки-уч ой ичида бир бузоқ нақд фойдага крлади. Уни икки йил парваришласа борми...

Қариликда ҳаёт мажбур қиларканми, пул топиш йўлларини ўйлаб қоларкансан киши. Лекин ҳозир ҳаёт каттик. Кеча Бўри участкавой билан дала қоровули Амин пиён «ўн етти гектарлик» (бу хўжаликда ҳар бир ернинг ўз номи бор) ердан йигирматача қўйни олиб кетишди. Энди акт қилиб ё колхозга ўтказиб юборишади, ё катта жарима солишади.

54

Милиса бу «Кўли Жаббор»га тунда келолмайди, лекин Амин пиёндан худо сақласин. Қўшотар милтиқни елкасига олиб олиб санқигани-санқиган. Качон ухлайди — ҳеч ким билмайди. Онаси дал ада туққанми-е...

...Икки ой бурун участкада экилган жухорининг пишай деб қолган сўтасини қайириб, қопни тўлдирувди ҳамки, ёнгинасида милтиқ варанглади. Унинг назарида ўқ шундай бошининг устидан учиб ўтди, Холмирза жойида ўтириб қолди. Қош қорайиб ғира-шира бўлгандагина, судралиб уйига равона бўлди. Юрагим ёрилди-ёв, дея икки-уч кун кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Кейин билса, Амин пиён қушларни чўчитиш учун ўқузган экан...

...Ҳамро герой келиб-келиб пиёнга милтиқберадими?..

Шу йили баҳорда итлар тўда-тўда бўлиб, чигит экилган ерларни пайҳон кила бошлади. Ғазабланган бригадир Ҳамро герой милтиқни елкага ташлаб, сахар «Ўн етти гектраллик»ка келади. У сочма ўқни жойлаб, ит тўхтаб турган пайтда тепкини босди. Эркак ва аёлнинг фарёдидан ўзига келган бригадир югуриб борса, Сано жонсарақ юзтубан ётганча ер тимдалаяпти, хотини эри атрофида айланганича:

— Душманнингуйи куйсин. Зовурдан қуядиган ғиштимизни ҳам кўролмади, энди уч етимни ким боқади, — дея дод солаяпти.

Бригадир қараса, Сано жонсарақ ғишттўкишни энди бошлаган, қолипни бўшатиш учун энкайган пайтда, тепкини босган экан. Кўзи пишиб кетган бригадир аҳвол унчажиддий эмаслигини сизди...

— Ўчир! — деди бригадир кескин. Иккаласининг ҳам уни ўчди. — Ҳозир бу ерларга лойга кирадиган сендан бошқа аҳмоқ йўқ. Ђиштингни ёзда куйдириб бераман. Уч-тўрт кун уйингда даволанасан. Дўхтир ва улов бераман.

— Иморат учун ўғлимга ер бермайсизми?

— Ўғлинг энди тўртинчига ўтаяпти-ку, нокас, — бригадирнинг жаҳли чиқиб кетди. — Ўзингнинг еринг эса шундай ҳам икки хол зиёд... тамом, хоҳдасанг шу, хоҳламасанг тўрт томонинг қибла...

— Майли, розиман, — деди инграб Сано жонсарақ. Бригадир кетди.

— «Волга» минадиган бўлдингиз дадаси, — деди хотини афтини буриштирган эрига караб қўйиб. — Оғрияптими?

...Амин пиёнинг эшак араваси Санонинг уйида тўхтаганида дўхтир ҳам етиб келди. Аравада юзтубан ётган Санонинг думбасидан темирчаси олиб ташланди. «Узоқдан отилган экан», минғирлаб қўйди дўхтир тушуниб бўлмас оҳангда. Бригадир ёзда ғишт

куйдириб берди. Сано эса жонсарақ лақабининг ёнига «питра» сўзини ҳам қўшиб олди. Думба эса бир ойда битиб кетди. Шундан кейин герой милтиқни

55

Амин пиёнга берди: «Карилик, кўзим ўтмай қоляпти» эмиш. Эй, биродар, тепкини босиш учун кўздан ташқари ақл ҳам керак, дейдиган бирор мард йўқ. Ажалнинг ихтиёрини келиб-келиб бир пиёнга бериб қўясанми? «Дала қоровули эмиш». Яримтани—«Кагор»ми, «Чашма»ми уриб олиб, колхознинг бир бош сўтаси учун Холмирзага ўхшаганнинг бошини мўлжаллаб отишдан ҳам тоймайди-ю! Бош думба эмаски, битиб кетса...

Хол чўпон шуларни ўйларкан, бирдан кадам товуши, хазонларнинг эзилиб шитирлаши эшитилди. Тинкаси куриб, тиззалари дир-дир титради. Ёнгинасида иштаха билан ўтлаётган қўйни унсизгина ушлаб, четга итарди. Қани, парвосига келса-чи, бу махлуқнинг? Қадам товушлари шахдам яқинлашиб келарди.

— Ке-е-ким? — сўради қоронғига тикилганча ярим овозда.

— Ота, мен, — қўққисдан берилган саволга худди шундай қўққисдан жавоб бўлди.

— Отма, Амин пиён, бу мен қиёматли қўшнинг — Холмирзаман, отма, таслимман, таслим, — дея Холмирза чўпон иккала қўлини юқорига қўтарди.

Қўлидан таёқ тушиб кетди.

— Э, ота, сизга нима бўлди?

Холмирза чўпон қоронғулик қўйнидан ўзига яқинлашган ўғлини таниб бўшашганича:

— Э, ўл-э, отаман деб, юрагимни ёрдинг-ку, хумпар, — деди у ўғлини ҳам жеркиб.

Ариза

Институтни битириб, кўримсизгина мактабчада иш бошладим. Биринчи сентябр куни колхоз раиси янги ўқув йили билан табриклаб, бу йил ҳосил жуда мўл бўлганини, ота-оналарга ёрдам беришга шошилиш кераклигини қайта-қайта уқтирди.

Биров кулиб, биров жиғибийрон бўлиб уйга қайтдик. Шу билан декабр ойининг ўрталарида ўқиш бошланди.

Мактабчанинг бир бўлагига, биз уни «Камчатка» деб атардик — тўртта синф хонаси бўлиб, олтинчи синф ўқувчиларига ажратилган эди. Ўша йили киш қаттиқ келди.

Табиий газ йўқ. Ҳар синфдан тўрт-беш ўқувчи келар, уларни битта хонага жамлаб, дарс ўтардик. Қолган уч ўқитувчи эса бўш хоналарнинг бирида печкага кўмир қалаб, шўрва тайёрлар, ошхонага бориб юрмай тўртталамиз шу ерда тушликни паққос туширардик.

79

Шундай тушликларнинг бирида Сафар ака (унинг исмига орқаворотдан «ғирром» сўзини қўшиб айтар эдилар) қўлимга бир неча варақ қогоз тутқазди. Умуман шерикларимнинг учаласида ҳам лакаб бор эди. Нега бундай лакаб олганларини кейин билдим.

— Бу ерда мактаб директори ва унинг ҳамтовоқларининг кирдикорлари фош этилди. У ер-бу ерини тузатиб, ўқишли қилиб берсангиз.

Пашшани сиёҳга ботириб, қўйиб юборгудек ажи-бужи ёзилган хатни аранг ўкиб чикдим.

— Сафар ака, ахир бу ғирт нотўғри-ку, — дедим «бўхтон-ку» дейишга истихола қилиб. Улар бир-бирларига караб олишди.

— Ёшсиз-да, ёшсиз, — деди Ҳоди-боди бошини «афсус» дегандек чайқаб. —

Тушунмайсиз. Мана, институтни битириб келдингиз. Ғайратли, соғлом, билимли кадрсиз. Негасизгатўққизинчи, ўнинчи синфларни беришмайди? Нега — сўнг ўзи жавоб берди. — Ишонишмайди!

— Кани ёшларни қўллаб-қувватлаш, раҳнамолик қилиш, — ил и б кетди Урок. ақл. — Бирор соат дарс қолдириб кўринг-чи, ўша кун педсовет чақириб, думингизни тугишади.

— Ўзингиз ўйланг, мен — химик, Ҳоди акангиз — физик, Урок, акангиз — математик. — Ёзганимизнинг жумлаларини келиштириб беришингизни илтимос қиляпмиз, холос. Имзо қўймайсиз, фамилиянгизни ёзмайсиз...

— Э-э, менга беринг-э, — юлқиб олди Ҳоди-боди. Кетма-кет учала вараққахам имзо қўйди. — Мана, мана... Ўзиям чумчуқ«пир» этса, юраги «шир» этадиганлардан экансиз-ку.

— Ҳикоя-пикоя машқ қиламан деганингизга сизга мурожаат қилувдик, — деди Ўроқ ақп четга қараб.

Мен улардан қолаётганимни ҳис қилдим. Қолаверса, чумчуқ ҳақидаги гапи нафсониятимга теккан эди.

— Майли, ёзиб бераман, лекин зинҳор қўл қўймайман, — деб юборганимни билмай қолибман.

— Ўроқ акангиз директор, Ҳоди акангиз завуч бўлса бизга ҳам фойдаси тегади, ишонаверинг, — деди Сафар ғирром сирли қилиб.

Имловий хатоларни тузатиб, бадий ишлов бериб кўчириб келдим.

— Сафар ака, гап тегип қолмасин тагин, — дедим дилим хижил бўлиб.

— Бе-е, нега гап тегар экан, — деди Ҳоди-боди. — Ишонмасангиз, мана остига учаламизнинг фамилиямизни ёзинг. Езинг, кўркманг!

80

Улар мажбурлагандай қилиб фамилиясини ёздирди.

— Шўҳолича кўчириб, қўл қўйиб менга берасизлар, ўзим тегишли жойга етказаман, — деди Ўроқ ақл.

Бу воқеа унут бўлиб кетди.

Бир куни туман маориф бўлими мудирининг уриниб қолган «Виллис»и мактабҳовлисига кириб келди. Уч киши роппа-роса бир кун мактабни текшириб бўлишгач, ўқитувчилар хонасида мажлис чақиришди.

— Вилоят фирма қўмитасига мактабларингиздан шикоят хати тушган эди, — дея гап бошлади маориф бўлими вакили. — Хатда тилга олинган бирор факт ҳам тасдиқданмади. Жумладан, эллик тонна кумир сотиб юборилганлиги, ер участкаси маҳсулотларининг директор бошчилигида бўлиб олинганлиги мутлақо уйдирма бўлиб чикди. Мана яна нималар деб ёзибди шикоятчи, — вакил шундай дея қўлидаги қрғозни ўқий бошлади. — "Ҳурматли обком секретари, озиқ-овқат дастурини бажариш учун мактабдан кичикфермаларташқил қилиш ҳақидаги қарорга амал қилиб, жажжи товук фермаси ташқил қилгандик. Мактаб директори район инспектори оёғи остига аямай товук сўяди. Оғзига товук шўрва мазаси ёқиб қрлган нозир қорни очиб қолса, бизнинг мактабга қараб чопадиган одат чиқарди. Оқибат шу даражага етдики, у мактаб дарвозасидан мотоциклини патиллатиб кириб келиши билан товуклар тум-тарақай бўлиб қочадиган бўлишди".

Ўтирганлар кулиб юборди.

Биринчи бўлиб Ҳоди-боди қўл кўтарди:

— Уртоқлар! Гарчи шикоятхати остида менинг исми-шарифим турган бўлса-да, директоримизнинг ишларини қўллаб-қувватлаб келаяпман. Имзоимни ясаган, фамилиямни шундай кабиҳ иғвога тиқиштирган кимсани топиб жазолашларингизни қатъий талаб қиламан, — деди у.

Сафар ғирром ҳам унинг сўзларини айнан такрорлади.

— Ҳаммадан диктант олиб, дастхати билан солиштириш керак. Иғвогар бирор ўқувчига айттириб ҳам ёзиши мумкин, — деди Ўроқ ақд. — Исми-шарифимнинг

бундай иғво гаплар остида қўйилиши мен учун ҳақорат. Мен аминман, иғвогар орамизда. Агар аникласак, у билан кандай ҳисоблашишни ўзим биламан. Ўроқакднинг гапи ҳаммага маъқул тушди. Мендан бошқа ҳамма қўлигаручка-қогоз олди. Мен ёзмадим. Бироқ... Барибир ёзишгатуғри келади. Факатдиктантэмас, ўз ихтиёрим билан ишдан бўшаш ҳақида ариза...

57

«Соатбой» хангомалари

Салимов қаттиқ режим билан ишлар эди. Шунинг учун ҳамкасблари орқаворотдан унга «Соатбой» деб лақаб қўйиб олишган эди. У кечикмасдан иш кабинетига кириб келар, худди шундай кечикмасдан тушликка (уйи муҳаррият жойлашган бинонинг ёнгинасида эди) чикиб келар эди. Тушлик тугашига роппа-роса бир минут қолганда учинчи кават зинасидан қўғарилиб, келаётган бўларди. Айрим «соати ухлаб қолганлар» унинг хатга-харакатига қараб мурватни бурар, бу билан янглишмас ҳам эдилар.

Борди-ю, мажлис чўзилиб қолгудек бўлиб, соат стрелкалари иш вакти тугашини курсатса, у соядек сирғалиб чикиб кетар, ҳамма, ҳатто алмашиб тургувчи бош муҳаррирлар ҳам унинг бу қилиғига қўнган эдилар.

Гоҳ-гоҳ хотини (айниқса пул тегадиган кунлари) ташриф буюриб турарди. У ҳаётида бир кишини — хотинини тан оларди. Ҳеч кимдан гап эшитмас, сўзни ҳам бермас, қолаверса, бўлим мудирлигини бинойидек олиб борар, калами ҳам равонгина эди. Лекин пули борми-йўқми, ичкиликни канда қилмас эди. Шуни баҳона қилиб бўлса керак, хотини чунтагини тез-тез «қокдаб» турарди. Аммо у қанча маёт бўлмасин, уйи эшигига кўзи тушиши билан ақду ҳушини йиғиб олар, ўз ўрнига чўзилишдан олдин, албатта, кир тоғорани ёнига келтириб қўйишни унутмасди. Эрталаб эса тоғорани ўзи тўқар, ўрнини ҳам тахлаб қўярди.

Хотинининг ҳам бир мардлити бор эди. Маёт эрига бир оғиз ҳам сўз айтмай, қовоқуйганча нариги уйга кириб кетарди. Эртаси «бош оғриғи»да номигагина жаврар, хотини ҳам ўз иззатини жуда яхши биларди: канча жаврамасин фойдасизлигини тушунарди-да. Тирноққа зор бўлишса-да, рўзғорларини бирлаштириб турган нарса эса ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган муҳаббат эди. Бир-бирларини жуда қаттиқ севар эдилар.

...Салимов иш сто лига келиб ўтирди. Ҳамхонаси — «практикант» қизга бир қараб олди-да, ҳозиргина олган калам хакини санаш учун чўнтагидан чиқарди. Шу пайт дахдиздан қддам товуши эшитилди. Ички туйғу билан келаётган хотини эканини сезган Салимов битта кизил ўн сўмликни ён томонда турган чикит ташлайдиган челаққа ташлаб, устини ғижимланган қогоз билан ёпишга зўрға улгурди. Эшик очилиб, хотини пайдо бўлди.

— Э-э, хотинжон, келинг, мана гонарар олд-и-к, — деди у бир пулга, бир хотинига қараб. Хотини остонада бир қўлини эшик кесақисига, иккинчисини белига тираганча эшик билан битта бўлиб турарди. Салимов пилдираб бориб бир қўлини кўксига қўйганича бор пул ни хотинига тутказди. Ҳаяжонданми, унинг ранги сал ўзгарган эди. Хотини хафсала билан пулни санади. Калам хаки одатдагидан анча кўпроқ учунми, чехраси ёришди. Эрига меҳр билан тикилди. Сўнг хонани кўздан кечирди.

— Вой-бу-уй, — деди чўзиб. Салимовнинг кўксидаги қўли кесилгандек тушиб кетди. «Нима гап?»

— Нима бало, бу қогоз бечораларни эзгилаб ташлабсизлар? — у шундай деди-да, столлар устидаги, бурчаклардаги ғижимланган қоғозларни йиғиштириб, хонадаги якка-ю ягона — ҳозир эри ўн сўмликни яширган пласмасса челаққа ташлаб, семиз оёғи билан тўлиб кетган челақдаги қоғозларни босганда Салимов ҳам ерга кириб кетгандек бўлди. Аъзойи баданидан совуқтер чикиб кетди.

— Иш жойини ҳам шунақа саклайдими одам, — деди у эрига. — Кимсан, Кибриёхоннинг эри бўлсангиз?

Исмини шундай фахр билан айтдики, Салимов ўзини ноқулай ҳис этиб қизга қаради. Стол устидаги бир варақ қоғозга қараганча кип-қизариб кетган қиз Салимов назарида кулгидан ўзини зўрға тутиб тургандек эди. «Расво қилмасин-да, ишқилиб» кўнглидан ўтқазди «Соатбой».

Ҳали ҳам пулдан умидини узмаган Салимов хотинининг челақни кўтариб эшикка йўналганини кўргач, туролмади, чаққонлик билан юриб бориб унинг йўлини тўсди.

— Хотинжон, керакмас, уборшичамиз бор, жуда зарур бўлса ўзим...

— Э-э, йў-ўқ, сиздай одам кўчада мусор челақ кўтариб юрадими?..

— Ахир уйда кўтараман-ку, — деди йиғлагудек бўлиб Салимов. Хотини бир практикант қизга қараб олди-да, деди:

— Уй бошқа, ишхона бошқа...

Эрини четлаб ўтишдан олдин тўрдаги стол устидаги гугурт кутисига қўл чўзганда Салимовнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Эшикнинг ёпилишидан ўзига келган Салимов югуриб дераза ёнига келди. Бу пайтда қиз икки кўлини бетига босганча ўзини тўхтатолмас, қотиб-қотиб куларди.

Чикитлар солинадиган темир қутилар хонанинг шундоққина рўпарасида деразадан кафтдагидек кўриниб турарди.

— Ана чикци, — деди Салимов ҳаяжон билан. — Челақни чаппа килди. Қоғозларнинг ярми тўкидди, ярми эса, пул ўша қолган ярмида бўлса керак... Ҳалол-да... ҳалол... Кўли билан олиб ташлятгги...

У бирдан инграб юборди:

58

82

— И-и-ий.

Қиз кулгидан ил кис тўхтаб, унга қаради «ҳа?»

— Ёқиб юборди...

Салимое бўшашиб, стулга оғир чўкди. Уф тортди. Юзи ғамгин тую олиб, бир нуқтага тикилганича қолди. Бир оз вақт ўтгач, хотини кириб келди.

— Эсиз, икки блок сигарет берарди-я. Хотини унинг гапини илғай олмади.

— Нимадедингиз?

Салимов чўнтагидан папирос кугисини чиқарди. Охирги папиросни лабига кистирди. Қутини ғижимлаб, ҳозир хотини бўшатиб келган челақка отди-да, кўлини хотини томон чўзди...

Ишдан сўнг

Ёш муҳандис Розик Жўраев ишдан ўлгудай чарчаб қайтди. Зиналардан учинчи қаватга, ўзининг квартирасига кўтариларкан, хотинининг ҳар кунги машмашасидан юраги безиллаб қолганини ҳис этди.

Эшикка етгач, калит кидириб чўнтагини кавлади. Лекин эшик очиқ экан, уйга кирди. Уйда эса, йиғиштирилмаган стол ва унинг атрофида тартибсиз қўйилган стуллар, сочилиб ётган кийимлар — хотини ва ўғилчиси Муроднинг кийимлари...

Хона бурчагидаги каравотда ўғилчиси ухлаб ётар, хотини эса креслога ястаниб ўтириб олганча китоб ўқирди.

Розик кирганида у ўрнидан қўзғалмади ҳам. Факат бошини китобдан «узиб» бир қараб кўйди-ю, яна китобга эгилди.

Розик бир муддат эшик олдида сарғайиб турди. Кейин туфлисини ечиб, ўғилчиси томон юрди.

— Тегманг, — китобдан бошини кўтармай деди хотини. — Зўрға ухлатдим.

Розиқжойидатўхтаб қолди. Унинг юзига аянчли жилмайиш ёйилди. Лекин ҳеч нарса демади.

Ечиниш учун қўшни хонага кирди. Кийимларини алмаштиргач, ошхонагаўтди. Қорни оч эди. Совуб қолган овқатни иситмокчи бўлиб газни ёкди. Ва шу заҳотиёқ иштаҳаси бўғилганини сизди. Қорни ҳам тўкдек туюлди: газни кайтиб ўчирди.

Стол устида тартибсиз сочилиб ётган газета ва журналлардан бир дастасини олди-да, диванга чўзилганича бир бошдан кўздан кечира бошлади.

Бир маҳал эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Розик хотиним очар, деган ўйда газета ўқишда давом этаверди. Лекин хотини қўнғироқ овозини эшитмади, шекилли, пинагини ҳам бузмади.

Розик газетадан бошини кўтарди:

— Эшикка кара!

— Ўзингиз каранг!

У сўкиниб юбормаслик учун лабини тишлаб, ўрнидан турди. Бориб эшикни очди: остонада кадрдон синфдош дўсти Илғор жилмайганича турарди.

Чехраси ёришиб, уйга таклиф килди. Анча пайтгача ўтган-кайтганлардан гурунглашиб ўтиришди.

Розик, мен ҳозир, деди-да, қўшни хонага, хотини ўтирган хонага кирди. Хотини (ўзи уйғотган, албатта), Муродни ўйнатиб ўтирарди, Розикқа эътибор ҳам бермади.

— Овқат-повқатга уннасанг бўлармиди?

— Ҳеч нарса йўқ, — терс жавоб берди хотини.

— Нега ҳеч нарса йўқ бўларкан, — деди Розик қўшни хонага эшитилмаслиги учун иложи борица паст овоз билан. — Гушт бор, ёғ бор, картошка-пиёз бор, яна нима керак?

Хотини унга шарт ўгирилди: унинг кўзида ғазаб ҳам, нафрат ҳам бор эди:

— Меҳмон сизники, сизни деб келган, овқатни ҳам марҳамат қилиб ўзингиз пишириб бераверинг!

— Шунақами? — деди ғижиниб Розик, унингтишлари ғазабдан ғичирлаб кетди. — Сен кимсан ўзи, хотинми, ё...

— Хотин! — дея овозини янада баландлатди хотини. — Хотин! Лекин малай эмас!

— Ўчир овозингни!

— Ўчирмайман! — ҳалигидан ҳам баландроқ овозда қичқирди хотини. —

Ўчирмайман! Етар шунча ўчириб келганим! Энди ўчирмайман!

Илғор жанжални эшитиб, ўрнидан турди. «Яна уни уриб-негиб юрмасин», деб қўшни хонага ўтди.

Хотини кўлидаги болани бағрига босганчажазава билан қичқиради, оғзига келганини қайтармас, Илғорнинг хонага кириб келиши ҳам унга заррача таъсир килмади.

Розикэса унинг қаршисида ғазабдан титраганича нима қиларини билмай, қотибтурурди.

— Ўзингизни босинг, келин, — деди Илғор юмшоқ оҳангда, унинг елкасига кўлини қўйиб. — Ўзингизни аянг.

59

84

У хотинни кўлидаги қўрқиб кетганидан чинқириб йиғлаётган боласи билан бирга етаклаб диванга ўтқазди. Розикни елкасидан ушлаганича хонадан олиб чиқди.

Розик қизариб кетган, аламу ғазабдан титраб-қақшаб диванга чўкди. Илғор ҳам унинг ёнига ўтирди. Улар шу тахлит узок, жим ўтиришди.

Илғорнинг ҳам бошига зирқираб оғриқ кирди.

«Нима қилсин? Розикқа таскин берсинми? Нима деб? Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, десинми? Ҳали ҳаммаси олдинда, десинми? Наҳотки, унинг бу чўпчагига Розик

ишонса?... Ўзининг уйида ҳам аҳвол бундан яхши эмас-ку? Яхшиланишига унинг ўзи ҳам энди ишонмайди-ку! Унинг ўзи ҳам ўша дўзахдан қочиб, ўша дўзахни бир нафасга бўлса-да, унутиш учун ҳам дўстиникига келмаганмиди?...»

— Мени кузатиб қўй, Розик, — деди Илғор ҳорғин овозда. — Мен кайтаман... Сенга дўстона маслаҳатим: янада оғирроқбўл.

Розик крл дея олмади.

Пастгатушишди. Илгор чўнтагидан сигарета олиб, Розикқатутди. Улар жимгина чекиша бошлашди.

— Сен нима, — гап бошлади биринчи бўлиб Розиковози титраб, — мени шунақа пасткаш бўлиб кетган, деб ўилайсанми, аёллар билан минғирлашадиган?

Илғор бош чайкади:

— Йўқ, ўйлаганим йўқ.

— Ўзинг ўйла, нима етишмайди унга, ахир, — эзгин товушда гапира кетди Розик. — Биласан, яхши кўриб теккан... — у яна жимиб қолди. — Топиш-гутишим яхши бўлса. Ҳамма нарса етарли бўлса... Уйда, қишлоқда ота-онам билан чиқиша олмади, мана шаҳарга олиб келдим. Бу ерда энди нега бунақа қилади?.. Ишдан чарчаб келаман, чой қўйиб, овқат келтириш ўрнига минғир-минғир. Овқатимни ҳам ўзим иситиб ейман... Уйни эса кўрдинг — ботиб ётибди...

— Билмайман, дўстим, — деди у ҳам ғамгин оҳангда, — билмайман... Ростини айтсам, меникида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Менинғам уйга боришдан юрагим безиллаб туради... — у бир муддат жим қолди, кейин қўшиб қўйди. — Балки ўзимиздан ҳам қандайдир гуноҳ ўтгандир? Аёлларимизни тушуна олмаяпмиз, шекилли...

Улар жимиб қолишди.

Илгор бирдан студентлик даврларидагидек қийқириб, Розикнинг елкасига қокди:

— Бардам бўл, дўстим, — деди қувноқ овозда, — ҳадемай ўтиб кетади бу сессия!

Розикнинг ҳам юзига кулгу ёйилди.

— Хайр, — деди Илғор унинг қўлини сиқиб.

— Бошқи сафар кел, — чин дилдан таклиф қилди Розик. — Келин билан жиянчани олиб кел.

— Албатта олиб келаман, — деди Илғор. — Хайр!

— Хайр...

«Балки ростданам уни тушунмаётгандирман? — хаёлидан ўтказди Розикзиналардан кўтарилар экан. — Балки...»

Уйга кириши билан... ўғилчаси қон қақшаб йиғлар, хотини эса ўша-ўша креслога ястаниб ўтириб олганча тирноғига ишлов бермоқда эди.

Розиктушунди: хотини бу қилиқларини касдига қияпти. Жигар бағрингэзилиб кетсин, дея қияпти. Асабларинг қақшаб кетсин, дея қияпти бунингхаммасини...

— Эшитмаяпсанми, бола йиғлаяпти?

Хотини индамади. Индаса яхши бўларди, лекин индамади. Эрига парво ҳам қилмай, ўз ишини давом эттираверди.

Розикнинг юзига қон тепиб, чекка томирлари лўкиллаб кетди: шахд билан бостириб борди хотинининг устига:

— Сенга айтаяпман! Хотини кўзини унга қадади.

Розик унинг елкасидан чангаллаб, ўрнидан даст турғизди.

— Тегиб кўринг-чи, — илон каби вишиллади хотини.

— Тегсам нима қиласан? — паст, аммо этни жунжиктирувчи оҳангда деди Розик. — Хўш, тегсам нима қиласан?

Унинг бу ҳолати кўрқинчли эди. Лекин хотини жим бўлмади. Жим туролмади:

— Қани, тегиб кўринг-чи, кейин ўзингиз соғ қоласизми? Мени ҳам сўроқдайдиганларим бордир!

— Шунақами ҳали? — деди Розик заҳарли овозда.

— Шунака. Улар мени сизга калтаклатиб қўйишмайди. Хотини гапини тугатар-тугатмас, кучли зарбдан бурчакка учиб тушиди.

— Нега урасан, номард! — қичқирди у ғужанак бўлиб ётганича. — Қўлларинг синсин илойим, расво!

Кейин у ўрнидан турди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Шу пайтгача уларнинг қичқириғи, бақиригидан қўрқибми, жим бўлиб қолган ўғилчаси яна биғиллаганича йиғлай бошлади.

«Бекор қилдим, — афсусланди Розик, — ўзимни босишим керак эди.

Қанчаликбўлгандаям хотин кишига қўл кўтариш номардларнинг

61

86

иши-ку. Жаҳд келса акд қочади, деганлари рост. Урмаслик керак эди».

Ўғилчасини овутмоқучун утомон юрди.

Қанча вақт ўтди, билмайди, бир пайт кўнғироқжиринглаб колди. «Ким бўлди экан?

Хотини бўлганди ўзи кириб келаверарди...» Розик эшикка келди:

— Ким у? -Оч!

Розиковозидан таниди: хотинининг укаси Азиз. У эшикни очиши билан хотинининг укаси ва унинг бир ўртоғи ичкарига бостириб киришди.

— Яхши эмас, почча, — тишини ғижирлатди қайин укаси, — яхши эмас, аёл кишига қўл кўтариш.

Розик ҳеч сўз демай, унга тик қараб тураверди.

— Кучингиз кўпайиб кетдимиз, ё? — хунук жилмайди у. — Ўзингизни паҳлавон сездингизми?

— Кет, Азиз, — деди Розик, — Сен аралашма. Яхшиси, кет!

— Аралашма?! — қичқириб юборди Азиз. — Сен уни ҳар куни итдай дўппосласанг-у, мен аралашмай! Сен...

Розик қаншарига келиб тушган кучли зарбдан мувозанатини йўқотди. Азизнинг шериғи сакраб, унинг кўкрагига тепди. Розик учиб, полга йиқилди.

Кейин биқинига, белига, елкасига, оёғига, белига саноксиз тепкилар туша бошлади...

Розик олдин тепкиларни, кейин эса ҳушидан кетаётганини ҳис этди. Кейинроқ — ҳеч нарсани...

У шу таҳлит қанча ётди, билмайди. Ўзига келиб кўзини очди... ва ўғилчаси Муроднинг чинқириб йиғлаётганини эшитди. Сал қимирлаганди, аъзойи бадани зирқиради...

— Ҳозир, ўғлим, ҳозир, — деди у. — Мана ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади, ҳозир. Ҳозир, ўғлим, ҳозир...

Саёқатчи кумурсқа

Ўзини бу молхонада энг келишган ва энг келажаги порлоқ деб ҳисоблаб юрган

Кумурсқа, баҳорнинг ажойиб кунларидан бирида ҳеч кимга сездирмай, таппи орасидан аста сирғалиб чикди-да, ингичка мўйловларини жозиба билан ликиллатганичаҳавони искай бошлади.

Майин ва енгил шаббода энди ниш ураётган майсалар, эриб

61

ариқларни тўлдириб оқаётган қор сувлари ҳамда илиб намиққан ер ҳидини тепадаги

туйнукдан бу ерга ҳам олиб кирар ва булар ҳаммаси уюлиб ётган гўнг ва шунга

ўхшаган бошқа нарсалар ҳидига қўшилиб, шундай бир ҳидга айланар эдики, сўз билан таърифлаб бўлмасди...

Бу хиддан Қумурсканинг нозик каллачаси айлана бошлади. У оғзини катта очганича тўйиб нафас оларкан, шаббода бу хидларни олиб кираётган ўша туйнукдан кўз узолмай турарди.

«Қани эди менинг ҳам ҳеч бўлмаганда Қўнғизникига ўхшаган қанотларим бўлсайди, — ўкинч ва надомат билан ўйлади Қумурска. — Учиб анави туйнукдан ташқарига чиқардим-да, ўша тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олардим. Бу ажойиб хидларни таратаётган нарсалар ичида яшардим. Эҳ-ҳҳ!..»

У афсусланиб, кўнгил хира бўлганича, туйнукдан нигоҳини олди.

Лекин шу пайт молхона деворининг пастки қисмида бир тирқишчани кўриб, юраги ҳапқириб кетди. Севиниб кетганидан мўйловчалари қарсак чалиб юборди!

«Учқур қанотлари бўлмаса-да, учқур оёқлари бор!»

Қумурсқатирқиш томон жадал йўрғаларкан, яна бир бор ўзининг бахти чопган ва омадли эканини кўнгилдан ўтказиб қўйди.

У кўз очиб-юмгунча ўзини тирқишда кўрди. Кўп ўйлаб ўтирмай, жадаллик билан ташқарига — пастга сакради. Ерга тушиши билан умбалоқ ошиб кетди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, кичкина кўзчаларини жавдиратганча атрофга қаради. Қаради-ю, ҳафсаласи пир бўлди: бунда у молхонада туриб тасаввур этган ажойиб оламдан асар ҳам йўқэди. Атрофда энди бош кўтарган майсалар-у буғи ҳавога буралиб турган тупроқ: таппи ва гўнг уюми эсаҳеч каерда кўринмасди. бунингустигаҳаводаҳам ғалати, унга нотаниш хидлар кезиб юрибди.

— Алдади, аблах! — деди у ўкинч билан, молхона туйнугидан кириб келган шаббодани эслаб.

Қумурсқа ўзидан сал нарироқдаги таппига ўхшаш думалоқ, лекин кичкина ва ранги ҳам сарик нарсани кўриб севиниб кетди. Ўша томонга йўрғалади. Лекин унга яқинлашиши билан мўйловчалари диккайиб, афти буришиб кетди: ундан таппи ҳиди эмас, балки жуда нохуш хид таралар эди.

Бу — гул эди...

— Фу-у! — деди у ғазаб ва таажжуб билан.

— Гўнг ва таппи турганда табиат ҳам овора бўлиб бунақа бадбўй нарсаларни нима учун яратар экан-а?

Кейин у Гулга яна ачиниш билан қараб қўйди.

— Эҳ, шўрлик, агар билганингда эди, сен ҳам бунақа бадбўй ҳид

89

таратиш ўрнига таппи ҳидидан таратар эдинг. Лекин, начора, бу дунёда ҳамма ҳам бирдай омадли эмас. Чидайсан-да, энди, — деди.

Жаранглаган кулгуовози унинг хаёлларини бўлиб юбориб, ўзига келтирди. У овоз келган томонга қаради: уч-тўрт кизалоқ шод қийқириб ўйнаб, нималарнидир излашиб юришарди. Улардан бири гулни авайлаб олди-да, кўзлари чакнаб хиддади.

«Эҳ, бечора! — Қумурсқа қизчагараҳми келиб, ачиниб қаради, — шундай бадбўй нарсаларни хидлаб юрибди. Бунинг ҳам таппи ва гўнгҳидиданхабари йўқ-да, бўлмаса буларни хидлаб ҳам ўтирмасди...»

Қумурсқа кизчага шундай ачиниб вараҳми келиб қараб тураркан, қизалоқлардан бири уни кўрмай, босиб олишига сал қолди. Қумурсқа шоша-пиша ўзини ўша Гул панасига олишга мажбур бўлди. Нафаси қайтиб, зўрға ўтирди.

«Уф, нафасим сиқилиб кетаяпти! — Ингради у. Кейин эса, — тезроқ ўтиб кетишсин, мен бу ердан қутилай. Чиқаману тўғри молхонага бораман. Энди то ўлгунимча ўша молхонадан чиксам, Қумурсқа отимни бошка қўяман! — деб қасам ҳам ичиб юборди. Лекин қизалоқлар шундоқ ўтиб кетишмади: улардан бири Қумурсқа барглари орасига яшириниб олган Гулни ҳам авайлаб юлиб олди. Қумурсқа нафаси ичигатушгунича, қимирламай ўтирарди.

Қизалоқ гулларни уйига олиб кирди-да, стаканга солиб, кейин станаканни стол устига қўйди.

Нафаси қайтган чалажон Қумурсқа Гул барглари орасидан секин мўралади: уй ичи ҳар хил нотаниш нарсалар ва ҳидлар билан тўлиб кетган, негадир таппи ва гўнг эса ҳеч қаерда кўринмасди.

— Ёмон туришаркан, — ачинди Қумурсқа.

Қумурсқа бир кун шу ерда нафаси қайтиб ётди. Эртасига қизча сўлиган гулларни олиб чиқиб, сигирнинг охуригаташлади.

...Қумурсқа бир муддат ўзининг қаерда эканини англолмай турди-да, кейин таниш ҳид ва манзарани кўриб, қувончдан яйраб кетди. Энди ўрмалаб чиқаман деган ҳам эдики, ялмоғиз Сигир гулларни ямлаб юборди. Қумурсқа туртиниб-суртиниб унинг бўғзидан зўрға қутилиб чикди. Лекин чап мўйлови лаънати сигирнинг оғзида қолди.

«Майли, кетса бир мўйловим кетибди-да, тирик қолганимга ва уйимга қайтаётганимга минг қатла шукр, — деди у ўзини ўзи овутиб. Кейин қидириб-қидириб уйи — таппини топди-да, ўша бир пайтлар сирғалиб чиққан ёрикдан қайтиб ичкари кирди. Унинг қайтиб келганини кўрган қумурсқалар зум ўтмай, атрофини ўраб олишди. Бир-бирларига гал бермай, саволга кўмиб ташлашди.

Саёҳатчи қумурсқа яккаю ягона мўйловини қимирлатиб уларни

90

тинчлантирди-да, ўзининг ўзга оламга қилган ажойиб ва ғаройиб саёҳатини сўзлай бошлади. У ўзидан қўшиб-чатиб шунақа нарсалар ҳақида ҳикоя қилдики, умрида шу таппидан ташқари чиқмаган қумурсқалар анграйиб қрлишди. Улар мўйловларини ҳайратдан осилтириб, қрийл қолишганичатиנגлашар эдилар...

Бир пайт ёш, жуда чиройли танноз қумурсқа ундан чап мўйлови ҳақида сўраб қолди. Саёҳатчи қумурсқа унга бир караб, «жуда чиройли экан!» деб, кўнглидан ўтказиб қўйди-да, кейин ўша, ўзининг оламдаги улкан бир махлуқ билан қилган "жанги" тафсилотларини шундай қойиллатиб тўқидики, охирида бу ёлғонига ўзи ҳам ишона бошлади...

Гарчи бир мўйловли, чўлтоқ бўлса-да, унинг ўзга оламни кўргани ва жасоратли, кўркмас бўлгани учун ҳам ўша танноз қумурсқа уни севиб қолди. Саёҳатчи қумурсқа ҳам кўп ўйлаб ўтирмай, унга уйланди-қўйди.

Лекин, энди у бир мўйлови йўқлиги, аввалгидек кўркам эмаслигини ўйлаб, назардан тушиб қолгандек сезарди ўзини. Шунинг учун ҳам у ўша, ўзга оламга қилган сафари ҳақида тинмай сўзлар, ҳар гал нималарнидир қўшиб кўпиртириб, охирида, табиат уларга гўнг ва таппилар орасида яшашдек катта омадни ва бахтни раво кўрганини таъкидлаб ўтарди. Энди қолган қумурсқалар ҳам гўнг ва таппи ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ўзга оламликларга раҳмлари келар ва ачинишарди...

Орадан вақтлар ўтиб, бирин-кетин улардан ўғилчалар ва танноз қизчалар туғилди.

Улар ҳам оталарининг ўзга оламга қилган саёҳати ҳақидаги ажойиб ва ғаройиб ҳикояларини эшита-эшита улғайишди.

...Агар болалардан бирортаси салгина шўхлик қилиб қолса, тамом, саёҳатчи қумурсқа шу заҳотиёқунга, «Ўзга Оламга ҳайдаб юбораман!» деб таҳдид қилар, шунда шўх қумурсқачанинг нафаси ичига тушиб кетар, таппига маҳкамроқёпишиб олганича, кўзларини жавдиратиб, отасига кўркув билан боқарди...

Шундай қилиб, чўлтоқ саёҳатчи қумурсқа умрининг охиригача ўзи ва бир пайтлар гул барглари орасида нафаси тиқилиб, яшириниб ўтирганида ичган касамига содиқ қрлиб, таппидан чиқмай, ўзга оламга қилган сафарини ҳикоя қила-қила яшаб ўтди.

63

Чўпон

Чўпон бир кетганича икки-уч ой қорасини кўрсатмайди. Тоғу тошларда айланма йўлга тушиб қрлгандек, дунёнинг барча борди-келдиларинихаёлигаҳам келтирмай юраверади. Икки-уч ой ўтказиб қайтиб келганида на унинг ўзини, на қўйларини таниб бўлади. Қўйларининг жунлари ўсиб, семирган бўлади. Чўпон эса, гап-сўзини унутиб қўйгандек, дудуклана-дудуклана ғўлдирайди, нималар деяётганини биров англамайди. Қишлоққа қўйларнинг ҳайдаб келиниши узоқ кутилган тантанали маросимнинг бошланиб кетишидай бир гап.

Болалар кўчама-кўча шаталоқотиб, қийқиришади.

— Қўйлар келди, қўйлар келди!

Шу хабарнинг ўзи етарли, умрларида қўй кўрмагандек барча одам югуриб чиқади.

— Қани, қани? — дея бир-бирларини туртишиб, бир-бирларидан сўрашади. Уфқ ёқда кўтарилган сийрак туманлик, чанг-тўзонни кўрсатишади, кўп ўтмай ана шу тўзон орасида сурув кўринади.

Чўпоннинг хотини, ўғил-қизлари типирчилашиб, ҳовли супуришади, уй-жойларини йиғиштиришади. Бухаракатлар меҳмонлар учун. Улар то саҳаргача чўпон билан гурун қилишади. Чўпон уларга айикбилан қандай олишганини тутила-тутила айтиб беради:

— Мундай қарасам, арчанинг остида бир қора нарса тепадан кўтарилиб боряпти, нима экан, деб синч солсам — айик экан.

Одамлар бош чайқашади. Баъзилари кўз олдига келтириб, бир сесканиб кўяди. Бирови:

— Қўрқмадингизми? — деб сўраб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Чўпон узоқ сукут сакдаб:

— Ҳа-а, кўрқдим, — дея тан олади.

— Кейин-чи, кейин?

Чўпон кейин нима бўлганини билмагандек кифт қисади.

— Ўзиям роса катта экан, мени кўрмади, кўргандаям мажаклаб ташлаши аниқ эди, — дейди.

Тингловчилар хўрсинишади, чўпоннинг довюраклигига тан беришади, айик воқеасини бир-бирларига айтиб юришади, охири шундай бўлиб чиқадики, чўпон айикнинг бошини таёғи билан уриб мажаклаб ташлаган бўлади.

Ўша таёқни кўрдим, дея қасам ичишдан ҳам тойишмайди.

92

Уч-тўрт кун ўтиб, эллашиб, аралашиб кетганидан кейин барчаси унутилади. Чўпон ҳам энгжайдари одамларнинг бирига айланади. Шу боис, чўпоннинг оиласидаги орадан ойларнинг тез ўтишини, чўпоннингтоғу тошларга кетиб қолишини, уни интикиб кутишни, ажойиб кунларнинг бирида қайтишини жуда-жуда хоҳлашади ва ўша кунутунни соғиниб юраверишади.

Қишнинг совук, кунлари

— Фарҳод, тур, турақол, болам!

Фарҳод кўзини очганида тепасида онаси энгашиб турарди. Уй совук, унинг эса тургиси йўқ эди.

— Бугун якшанба-ку, — деди Фарҳод норози киёфада, — ҳали жуда ҳам эрта.

— Турақол, болам, — деди онаси ёлворган овозда. — Холангникига бориб кел, уйда ун тугабди...

Фарҳод ночор ўрнидан турди.

Онаси ҳар доимгидай урушни қарғай-қарғай, унга қийикча тутқазди.

Фарҳод эгнига отасининг увадаси чиққан чопонини, оёғига эса этигини кийди-да, ҳовлигачиқди. Кеча ёққан қалин қор оёғи остида ғичирлаб, ҳаво совуқэди. У пахса деворга омонатгина илиниб турган дарвозачадан кўчага чиқаркан, унга қари ити Олапарҳам эргашди.

Холаси улардан беш чақиримча наридаги кишлоқда туради. Поччаси урушдан яқинда қайтди. Бир оёқда қайтди. Ёғоч оёқда қайтди... Улар иккаласи ҳам шундай меҳрибон... Балки фарзандлари йўқдиги учун ҳам шундайдир. Ҳар гал уйда ун тугаса, шулар асқотади...

Фарҳод оёғидаги жуда катга бўлган отасининг этигини аранг босар, шамол эса қор учқунларини унинг юзига игнадек санчар эди. Олдинда Олапар ҳар бир қор уюмини бориб искар, яна йўлида давом этарди.

* * *

Фарҳод холасиникига етиб келганда қуёш анча тикка кўтарилган, қизил шардай булутлар орасида оҳиста сузар эди. Холаси севиниб, уни ичкарига бошлади, онасини ва синглиси Назокатларнинг соғлиғини суриштира кетди. Совуқ қотиб қолгани учун ҳам Фарҳодга уй жуда иссиқ туюлди. Холаси дастурхон ёзиб, унинг олдига нон, туршак қўйди...

65

— Отангдан хат келдими? — сўради журъат қилиб гап орасида холаси.

— Йўқҳали... — Фарҳоднинг кўзидаёш йилтиради.

— Келиб қолади, болам, — далда берди холаси, — мана кўрасан... Фарҳод поччасини кутиб ўтирмади. Ким билсин, кай маҳал келади

У-

Холаси билан хайрлашиб, йўлга тушди. Олапар унинг қўлидаги тугунга термулар, бирор нарса кутарди ундан.

— Йўқ, олапар, уйга боргач бундан овкат қиламиз, — деди Фарҳод унинг бошини силаб, — сенга ҳам ўшандан бераман. Туршакни эса сен ея олмайсан...

Кейин ичида севиниб, холасини айтганларини такрорлади: «Ҳадемай қиш тугайди, баҳор келади. Ўригу, олмалар гуллаб, мева солади... Иссиқ...»

Фарҳоддарвозачалари олдида Ҳалил почтачини кўрди-да, совуққа ҳам парво қилмай, югура кетди.

Ҳалил аканинг қўлида хат! Отасидан хат! Фарҳод:

— Хат! Отамдан хат! — деганича қичқириб келди.

Ҳалил ака протез оёқдарини ғичирлатиб орқасига ўгирилди-да, қртиб қолди: унинг қаршисида совуқда кўкариб кетган бола — Фарҳод хансираганча турарди.

Ҳалил ака беихтиёр хат ушлаган яккаю ягона қўлини орқасига яширди, унинг кўзларида ёш ялтирарди...

65

МУНДАРИЖА

Ўқилмаган мактуб.....	3
Само му ^а ббати.....	16
Инсон кадри.....	40
Тадбиркор табиб.....	48
Умр мазмуни.....	55
Лолаҳиди.....	57
Қўллар.....	60
Сув босган кўча.....	62
Ўша ёнгоқ оспада.....	66
«ГТарчагина булуг, чексиз осмон».....	71
Рашк балоси ёки талабларга биноан.....	75
Юрагимни ёрдингиз.....	77
Ариза.....	79
«Соатбой» ҳангомалари.....	82
Ишдан сўнг.....	84

Саёхатчи қумурсқа.....	88
Чўпон.....	92
Қишнинг совуқ кунлари.....	93